

Кич 6814
Ўр ш 83

ЙОХАННА ШПИРИ

Ҳ А Й Д И

(Ҳайди ўрганганларини амалда қўллай олади)

(р ў м о н)

Олмон тилидан

ИҲУЛДОШ ПАРДА

таржимаси

ЙОХАННА ШПИРИ ВА УНИНГ «ХАЙДИ» РҶМОНИ ХУСУСИДА

Йоханна Шпири (қизлик унвони Ҳойзер) — Швейтсариянинг машҳур адабларидан биридир. У 1827 йил 12 июнда Женева кўли қинидаги Ҳиртсел шаҳрида, ҳақим оиласида таваллуд топган. Унинг отаси Йоханн Якоб Ҳойзер Швейтсариянинг машҳур жарроҳ-аридан бири эди. Онаси Мета Ҳойзер эса пиестист шоира бўлган. Инетизм (тақводорлик) XVII аср охириларида насроний динининг лютеранлик мазҳабида вужудга келган диний оқимдир. Унинг тарафдорлари кундалик ҳаётда қатъий тақводорликни, дин, йўлида заҳмат чекиш, фидойилик кўрсатиш орқали диннинг таъсир кучини оширишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишганди. Шунинг таъсири-аниматикни, Йоханна Шпирининг қарийб барча қаҳрамонлари тақводор, динсизли, заҳматкаш ва фидойи кишилардир.

Болалик ва ўспиринлик йилларини Женева кўли бўйларида егам беташиб ўтказган Йоханна 1852 йили Сюрихлик оқловчи а кейинчалик шу шаҳар мирзоси бўлиб ишлаган Йоханн Берхард Шпирига турмушга чиққач, бир мунча муддат гоёт тушқунликка учиради. Кучли риёзатлар чекиб, тақводорлик йўлига киргангина, индаги тушқунлик асоратлари йўқола бошлайди. Диний руҳдаги тушқунлик фаолиятининг бошланиши эса уни бу ҳолдан бутунлай ташвос этди. Адибанинг 1871 йилда чоп этилган «Вроний қабри тегисидаги ягона япроқ» эсари бунга яққол далил бўла олади. 1878 йили босмадан чиққан «Болалар ва уларни севадиганлар учун қиссалар» тўплами Йоханна Шпири чинакам ёзувчилик иқтидорига эга эканлигини кўрсатди. Айниқса, мажмуадаги «Ватангадо» ва «Атиргул» ҳикоялари алоҳида эътиборга лойиқдир. «Ҳайдининг ўқув ва сафар йиллари» (1880) ҳамда «Ҳайди ўрганганларини амалда қўллай олади» (1881) рўмонлари эса адибага оламшумул шон-шўҳрат келтирди.

Швейтсариялик адабиётшунос олима Николе Мэркизининг ёзи-инча, Гота шаҳридаги Андреас Партес нашриёти 1880 йилда «Ҳайдининг ўқув ва сафар йиллари» деган суратсиз, кўримсизгина бир китобчани чоп этган. Унда ҳатто муаллиф тўғрисидаги маълумотлар ҳам берилмаган, chunkи ўшанда «Ҳайди»нинг дунёда донг тара-тиши, бутун жаҳон болаларининг энг сеvimли қаҳрамонларидан бирига айланиши нашриёт тугул, муаллифнинг ҳам етти ухлаб ту-шига кирмаганди-да. «Ҳайди» нафақат олмончабон мамлакатларда, балки бутун оламда машҳур бўлиб кетди. 1881 йилда «Ҳайди ўрган-ганларини амалда қўллай олади» деган китобча нашр этилди. Уни биринчи китобини тарғижий давоми дейиш мумкин. Швейтсария тоғларида яшовчи етим қизчанинг тақдир, заҳматкашлиги, фидойи-лиги, ички дунёсининг бойлиги, ширин сўзлиги, ёрдамга муҳтож кишиларга чин дилдан, бегараз ёрдам беришга ҳар доим тайёрлиги туфайли улкан бахтга эришгани тўғрисидаги бу китоблар 1941 йили инглиз тилига ўгирилиб, Бостон шаҳрида босилди. Таржиманинг биринчи нашриёқ Америк Қўшма Штатларида катта шов-шувга эриб келди. Биринчи жаҳон урушидан кейин эса у ерда чинакам «Ҳайди» жазабаси бошланди. Тугилган сон-саноксиз чақалоқ қиз-чаларга Ҳайди исмини қўйиш русум бўлди. Қизни шундаки, ўша пайтгача Америконинг чақалоқларни рўйхатга олиш муассасаларида Ҳайди исми бирон марта қайд этилмаган экан. 1937 йили шу есари-лар асосида «Ҳайди» фильми суратга олинди. Асосий қаҳрамон-мирсолани Ширлей Тембли яратган бу картина америконлик томоша-

бинларни бутунлай ўзига ром этди. кейинчалик Ҳайди тўғрисида саҳна ва мусиқий асарлар, ҳатто опера ҳам яратилди. Хуллас. Ҳайди амриқоликларга жуда манзур бўлиб тушди, улар бу етим қизча тақдирини худди ўрисларнинг «Золушка» эртагидек қабул қилишди. Бундан ташқари Иоханна Шпири бу рўмонларида Алп тоғлари манзараларини шу қадар шоирона тасвирлаганки, уларни ўқиган китобхон Швейтсарияга, Ҳайди яшаган маъвога, Алп тоғининг қир тепасидаги кулбасига, қир этагидаги қишлоқчага. Петер эчкиларини ўтлатадиган яйловга, гуллар барқ уриб очилиб ўтган қирларга гойибона ошиқ бўлиб қолади. Шу сабабдан амриқоликлар ҳам гуруҳ-гуруҳ бўлиб Швейтсарияга оқиб кела бошланди. Натижада бу мамлакат сайёҳларнинг севимли масканига, «ер юзидаги жаннат»га айланди. Кейинчалик китоблар япон тилига ўтирилгач, бу ҳолат Японияга ҳам кўчди. У ерда нафақат болалар, балки бутун халқ Ҳайдини севиб қолганга ўхшайди, чунки таржималар кетма-кет йигирма мартадан кўпроқ нашр этилди. Қиссани шундаки, Иоханна Шпирининг тўла асарлар тўплами ҳали Швейтсарияда олмон тилида чоп этилмай туриб, 1962 йили япон тилига босмадан чиқди. Ун жилдан иборат бу мажмуа босилиб чиққич, кўз очиб, юмгунча талаш бўлиб кетди. Япон оломоншунослари Иоханна Шпирини олмон мумтоз ёзувчилари қаторида кўришди. Япония дорилфунунларида чет эл адабиёти тарихидан таҳсил олган талабаларга Ҳёте ва Шиллер билан бир қаторда Иоханна Ҳёте ва ижоди тўғрисида ҳам маърузалар ўқилади, сўнгра талабалар имтиҳон топширишади. Адабиётшунос олимлар Иоханна Шпирининг Ҳёте ижоди ва асарлари хусусида илмий ишлар ёпишган, диссертациялар ёқлашган.

Рўмонларда тасвирланган воқеалар кундалик ҳаётда айнан шу тарзда содир бўлганми ёки сал бошқачароқми, бунинг ҳеч ким аниқ билмайди, аммо ўтган асрнинг етмишинчи йиллари охирида адабиётнинг шу ҳудуддаги Йенин деган жойда бир мунча вақт дам оягани рост. Шпири оғиздан-оғизга кўчиб юрган ҳикоя ва ривоятлардан илҳомланиб, асрнинг илк қораламаларини шу ерда қозоғга туширган бўлса ажабмас. Майенфелд, Бад-Рагаз, қир этагидаги қишлоқча, деб тасвирланган Оберрофелс ҳамда Али тоғининг кулбаси жойлашган Оксенберг қабилар ҳақиқатан мавжуд бўлган масканларнинг номидир. Оберрофелсдаги, Ҳайди бобоси билан қишлар кетганган уйда ҳозир ҳам одамлар яшайди, у давлат ҳимоясига олинган. Оберрофелс ҳозирги кунда «Ҳайди қишлоғи» деб, юқорида зикр этилган жойларнинг ҳаммаси эса «Ҳайдининг юрти» деган умумлашма ном билан юритилади.

Азиз ўқувчи! Таърифлайдиган бўлсак ҳали гап жуда кўп шунинг учун, келинг, яхшиси, китобни ўқиб чиқиб, унга ўзингиз баҳо беринг!

МУТАРЖИМ

Биринчи фасл

САФАР ТАДОРИКЛАРИ

Ҳайдини яна ўз натаиига қайтариб келиш лозим, деб қатъий қарор қилган хушмуомала жаноб ҳаким кенг кўча бўйлаб ҳаёлга чўмганча Зеземанлар уйи томон келарди. Булутсиз осмонда сентябр қуёни чарақлаб турган бу тонг шунчалар нурли, шунчалар фараҳбахш эдики, беҳосдан «барча кишилар бу тонг жамолига маҳлиё бўлсалар керак», деган ҳаёлга келарди киши. Аммо жаноб ҳаким ҳаёллар оғушида оёқ остидаги оппоқ тошларга ингоҳини тикиб келаётгани учун қуёшнинг заррин нурларга гарқ бўлган ложувард осмоннинг печоглик покиза, печоглик мусаффо эканлигини пайқамасди ҳам. Унинг юзларида илгарилари ҳеч ким кўрмаган ғам кўланкаси аке этар, сочларига эса шу баҳордан бери анча оқ оралаб қолганди. Хотини бевақт вафот этгандан бери қизчаси ҳакимнинг яккаю ягона овунчоғига айланган аммо шодлик ҳам, ғам ҳам ёлғиз келмайди, деганлари рост экан. Бир неча ой илгари бешафқат ўлим эндиғина гулдек очилиб келаётган қизчани ҳакимнинг бағридан юлиб, бечора отани чексиз ғам-андуҳларга кўмиб кетди Ўша кундан бери ҳеч ким жаноб ҳакимни илгариги пайтлардагидек шодумон ҳолатда кўргани йўқ.

Қўнгироқ жараинини эшитиб, югуриб чиққан Себастьян дарвозани алоҳида бир эҳтиром ила очиб, меҳмонга содиқ хизматкорлардек бўлакча ҳурмат-илтифот кўрсатиб бошлади, чунки жаноб ҳаким бу уй соҳиби ва унинг касалманд қизчаси учун энг зориқиб кутилган меҳмон ва энг яқин дўстга айланиб қолганди. Бундан ташқари жаноб ҳаким ўзининг хушмуомалалиги, ҳар доим ёрдамга шайлиги билан шу хонадонда яшовчи барча кишиларнинг кўнглини ром этган эди.

— Хўш, Себастьян, қанақа янгиликлар бор? — дея ҳаким одати бўйича мулоҳим, дўстона оҳангда сўраганча зинадан охишта юқорига кўтарила бошлади.

Себастьян унинг атрофида гирдикапалак бўлар, гар-

чи ҳаким зинадан кўтарилаётгани учун унинг хатти-ҳаракатларини кўрмаса-да, турли мулозаматлар билан меҳмоннавозлик қилишга уринарди.

— Келганингиз яхши бўлди-да, жаноб ҳаким. — деди уй соҳиби жаноб Зеземан меҳмонни қаршиларкан. — Швейтсарияга бўлажак саёҳат хусусида биз яна бир марта гаплашиб олишимиз керак. Қизимиз Кларахоннинг ранг-рўйи ҳозир анча дуруст, шу боис фикрингиздан қайтиб, энди саёҳат қилишимизга рухсат берарсиз?

— Зеземан, азизим, нималарини ўйлаб топмайсиз-в, — деди жаноб ҳаким дўсти кўрсатган курсига ўтираётиб. — Онангиз ҳам шу ерда бўлганларида дуруст эди, ҳамма иш хамирдан қил сугургандек осон битарди-қўярди. Сиз билан ҳеч қачон гапимиз бир жойдан чиқмайди, чоғи. Мана, учинчи марта чорлаяпсиз-у, битта гапнинг ўзини такрорлашга мажбур этаяпсиз.

— Ҳа, ҳа, сиз ҳақсиз, дўстим, жонингизга ҳам тегиб кетган бўлсам керак, — деди жаноб Зеземан бир парсанга ўтинаётган кишидек қўлларини дўстининг елкасига қўйarkan. — Аммо менга ҳам осон тутманг. Қизимга Швейтсарияга саёҳат қиламиз, деб ваъда бериб қўйганман, ахир. У неча ойлардан бери кечаю кундўз шу ҳақда орзу қилиб ётибди. Энди бирданига ҳаммасини рад этиш осон иш эмас. Қалавамнинг учини йўқотиб қўйдим, бошим қотди. Қизим огир касал бўлиб ётган дамларда фақат шу саёҳат ҳамда фермадаги дугонаси Ҳайди билан учрашиш умиди унга таскин-тасалли бўлди, ахир. Огир касаллик туфайли болаликнинг кўплаб шодлик-қувончларидан маҳрум бўлиб, уйда, тўшакка михланиб ётган қизимни шу ширин орзусидан маҳрум этиш, шу ардоқли умидини йўққа чиқариш?.. Пўқ, йўқ, бу иш қўлимдан келмайди.

— Зеземан, азизим, биламан, бу жуда огир иш, аммо шундай қилиш керак, шунга мажбурмиз. — деди жаноб ҳаким қатъийлик билан. — Ахир, ўзингиз мундоқ бир ўйлаб кўринг, кўп йиллардан бери ёз бу йилдагидек ёмон келмаган. Оқибатини яхшилаб чамаламасдан туриб бундай олис саёҳатларга чиқиб бўлмайди. Бунинг устига, мана сентябр ҳам келиб қолди. Тўғри, ҳозир тоғ яйловларида об-ҳаво жуда яхши, аммо кечалари анча салқин, кунлар қисқариб бормоқда. Клара узун ва салқин тунлари юқорида, яйловда қолгани мумкин эмас. У ҳатто бир неча соатга ҳам чидай олмайди. Бад-Рагадан юқорилаб тепадаги фермага етгунча бир

неча соатлик йўл юриш керак. Қизингиз бу йўлни эгар-да босиб ўтишга қурби етадими? Албатта етмайди. Қисқаси, Зеземан, бу йил саёҳатни ўйламанг, қизингиз эндигина дармонга кираяпти, уни толиқтириб қўйишимиз мумкин. Аммо мен сиз билан қизингизнинг ёнига кириб, гаплашиб кўришга розиман. Клара анча ақлли, ўз режаларимни айтиб берсам, албатта кўнади. Келгуси йилнинг май ойида уни Бад-Рагазга олиб борамиз. Ўнгирда, яйловларда кунлар исиб кетгупга қадар у Рагазда даволаниб, ҳордиқ чиқаради. Сўнгра, вақти-вақти билан, уни бир-икки кунга яйловларга олиб чиқиб турамиз. Албатта шифо топиб, кучга тўлишгач, қизингиз тоғ саёҳатларидан ҳозирги кундагига қараганда бир неча бор кўпроқ завқ олади. Зеземан, ўзингиз тушуниб турибсиз, қизчангиз буткул тузалиб кетиши учун уни ташқи таъсирлардан асраш ва яхшилаб даволаш керак.

Ҳакимнинг сўзларини мунгайибгина тинглаб ўтирган Зеземан оҳиста сўради:

— Айтинг-чи, ҳаким, қизим оёққа туриб кетишига кўзингиз етадими? Умид қилсам бўладими ўзи?

Ҳаким елкасини қисиб қўйди.

— Умид-ку, бор-а, аммо жуда кам-да, — деди у секингина ва сўзида давом этди. — Аммо лекин яна бир нарсани ҳам ўйлаб кўринг. Сизни сўраб, сўроқлаб турадиган, сал кўздан узоқлаб қайтиб келганингизда ўзида йўқ даражада қувонадган қизингиз уйингизда, шунга ҳам шукур қилинг ахир. Қабристондек бўм-бўш уйга қайтиб, якка моховдек ёлғиз ўтиришдан Худонинг ўзи сақласин. Қизингиз қийналиб қолгани йўқ. Тўгри, бетоблиги туфайли болаликнинг кўпгина шодлик-қувончларидан маҳрум бўлиб қолди, бироқ у ўз уйида ётибди. Йўқ, Зеземан, шикоят қилишга ноҳақсизлар, ота-бола биргасизларми, шунинг ўзи катта бахт. Менинг ҳувиллаб ётган уйимни бир тасаввур қилиб кўринг энди.

Жаноб Зеземан ўрнидан туриб, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Бирон нарсадан ниҳоятда ҳаяжонланиб кетганда, у доим шунақа қиларди. Сўнгра ҳакимнинг ёнида тўхтаб, қўлини елкасига қўйди ва деди:

— Жаноб ҳаким, миямга бир фикр келиб қолди. Сизни бунақа эзилган ҳолатда кўриш мен учун жуда ачинарли, сиз ахир чол эмассиз-ку! Ўзингизни қўлга олишингиз ва дарҳол бу тушқунликдан чиқишингиз лозим. Мен бир йўлни ўргатай, яхшисин, сиз саёҳатга чиқи-

шингиз керак. Иложн топилса тоғларга йўл олиб, барчамизнинг номимиздан Ҳайдинн бир кўриб келсангиз, бир неча кун фермада дам олсангиз яхши бўларди.

Жаноб ҳаким бу таклифдан жуда ажабланиб, рад этиш учун эндигина огиз жуфтлаган ҳам эди, аммо Зеземан уни гапиришга қўймади. Миясига келган бу ажойиб фикрдан у шунчалар хурсанд бўлиб кетдики, дарҳол дўстининг қўлларидаи тутиб, қизининг хонаси томон бошлади.

Олижаноб ҳакимнинг ташрифи бемор Клара учун ҳар донм қувончли бир воқеага айланарди. зотан, у қизга дўстона ва болаларча муносабатда бўлар, ҳар сафар келганида қизиқ-қизиқ воқеаларни сўзлаб берарди. Аммо бу сафар у негадир хомуш кўринди, қиз бунинг сабабини пайқаб тургани учун унинг кўнглини кўтариш тараддудига тушди. Ҳаким қизнинг тўшаги ёнидаги курсига ўтираркан, Клара унга қўллариини чўзиб саломлашди. Жаноб Зеземан ҳам курсисини қизининг тўшаги ёнига суриб ўтирди. Ҳаким Кларанинг қўлларидаи тутганча, Швейтсарияга бўлажак саёҳат уни жуда қувонтираётганини жўшиб сўзлай бошлади. Аммо асосий гапни, яъни саёҳатни бу йил амалга ошириб бўлмаслигини, келгуси йилнинг май ойига қолдириш лозимлигини шовилганча гап орасида қистириб ўтди, чунки у қизнинг хафа бўлишини, умидвор кўзларига мунчоқ-мунчоқ ёш тўлишини сираям истамасди-да.

Сўнгра у Кларага ўзининг саёҳатга тайёргарлик кўраётганини, иложи бўлса яйловдги фермага бориб, қизнинг дугонаси Ҳайдини ҳам кўриб келиш нияти борлигини айтиб, уни овунтирмоқчи бўлди. Асосий мақсад қизнинг фикрини бошқа томонга жалб этиш эди. Бироқ, барибир Кларанинг кўзлари ёшланган ва у зўр бериб ўзини йиғидан тутишга, обидийдасини яширишга ҳаракат қилар, чунки отаси унинг йиғлашини ёқтирмасди. Барча умидлари пучга чиқаётгани қизга жуда огир ботди, чунки касаллиги туфайли тўшакка михлаиб, сиқилиб, бутун ёзни уйда ўтказишга мажбур бўлган ва огир дамларда фақат шу умид, яъни тоғдаги фермага, дугонаси Ҳайдиннинг олдида бориш, у билан яйловларда сайр этиш қизнинг ягона юпанчига айланиб қолганди. Клара баҳслашиб-тортишиб ўтиришга ўрганмаган ҳам-да отаси қизга ёмон таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча ишлардан воз кечнишни яхши биларди. Шу сабабдан у йиғини ичига ютиб, ўзининг энг яқин кишини-

га айланиб қолган жаноб ҳакимнинг қўлларини сий-палаб илтимос қилди:

— Жаноб ҳаким, илтимос, сиз Ҳайдининг ёнига бориб келинг, кейин менга ҳаммасини сўзлаб берасиз. У ердаги шарт-шаронтни, Ҳайди нималар билан машғул эканлигини, бобоси, Петер ва эчкилар тўғрисида сўзлаб берасиз. Мен уларнинг ҳамма-ҳаммасини жуда яхши биламан. Сиз орқали Ҳайдига ва унинг бувиесига баъзи нарсаларни бериб юбораман. Нималарни бериб юбориш кераклигини аллақачон ўйлаб қўйганман. Илтимос, жаноб ҳаким, шундай қилинг. Мен ҳам сизнинг барча айтганларингизни бажараман, балиқ мойини ҳам қанча ич, десангиз шунча ичаман.

Қиз ўз ваъдасининг устидан исчоғлик чиқади — бу ҳали номаълум, бу ҳақда фақат тахмин қилиш мумкин, бироқ, бари бир ҳакимнинг чеҳрасига нур югурди.

— Шунақа экан, Кларахон, мен энди кетаверсам ҳам бўлади. Балиқ мойининг ҳиди бироз ёмондир-у, ammo ўзи жуда фойдали. Ундан ичаверсанг, отанг ва мен хоҳлаганимиздек тўлишиб, кучга кирасан. Энди айт-чи, қачон йўлга чиқишим керак, эҳтимол, буни ҳам аввалдан белгилаб қўйгандирсан?

— Иложи бўлса эртага эрталаб йўлга чиқинг, жаноб ҳаким.

— Ҳа, Клара тўғри айтди, — суҳбатга аралайди отаси. — Қуёш чарақлаб турибди, зангори осмонда биронта ҳам булут йўқ. Вақтни бой бермаслик керак, куз пайглари бундай яхши кунлар кам бўлади. Шундай об-ҳавода қирларда, фермада бўлиш қанчалар мазза-я. Тезроқ отланишингиз лозим, жаноб ҳаким, акс ҳолда кейин афсусланиб юрманг.

Ҳаким жилмайиб қўйди.

— Тезроқ бу ердан қорамни ўчирмасам бўлмайди, чочи. Зеземан, йўқса ҳали ҳам ўтирибсизми, деб таъна тошларини ота бошласангиз керак.

Ҳаким ўрнидан қўзғалмоқчи бўлган эди, Клара ўзининг позик қўлчалари билан уни тутиб қолди, чунки Ҳайдига айтилиши лозим гапларини ҳали айтиб улгурмаган ва ҳаким у ерда нималарни кўриб, қайтганидан кейин Кларага сўзлаб бериши лозим бўлган нарсаларни ҳам тайинламоқчи эди. Ҳайдига элтиладиган нарсалар кейинроқ ҳакимнинг уйига жўнатиладиган бўлди, чунки Роттенмайер хошим шаҳарга сайрга чиқиб кетган, қайтгач, нарсаларни йиғиб, тахтлаб бериши лозим

эди. Жаноб ҳаким Кларанинг жамики илтимосларини бажаришга ваъда берди. Башарти улгурса эртага тонгда, улгурмаса индинга йўлга чиқадиган бўлди. Саёҳатдан қайтгач эса Кларага барча кўрган-кечирганларини сўзлаб беришга ваъда қилди.

Хизматкорлар соҳибнинг уйида қандай воқеалар юз бераётганини хўжайин уларга ҳали бу ҳақда ҳеч нарса демасдан оқ билиб олиш каби гаройиб қобилиятга эга бўладилар. Себастьян билан Тинеттини ҳам Худо бу қобилиятдан маҳрум этмаган экан. Себастьян жаноб ҳакимни кузатиб қўйиш учун у билан бирга зинадан пастга тушаётганида, Тинетти Кларанинг хонасига кириб келди. Бу оқсоч қизни Клара чақиртирган эди.

— Тинетти, қаҳва ичилаётганда тановул қилишадиган иссиққина сомсаларни келтиринг, — деди Клара тайёрлаб қўйилган қутини кўрсатар экан. Тинетти бурчакда турган қутини қўлига олиб, беписандлик билан у ёқ-бу ёққа айлантириб қаради, сўнгра бўсагага етганда тил учиди деди:

— Ҳа, ташвиш тортишга арзийди.

Себастьян пастда, одати бўйича тавозе билан ҳакимга эшикни очиб бераркан, таъзим бажо айлаб деди:

— Жаноб ҳаким, агар қийин бўлмаса, марҳамат қилиб фермадаги хўжалик соҳибасига мендан салом, деб қўйсангиз.

— Шунақами ҳали, Себастьян? — деди ҳаким дўстона жилмайиб. — Демак, менинг сафарга чиқаётганимдан аллақачон хабар топибсизлар-да.

Себастьян ёлғондакам йўтала бошлади:

— Мен... мен... ҳалиги, ҳа-я, эсимга тушди, ошхонадан ўтаётган эдим, ногаҳон қўшни хонадан сизларнинг гапингиз қулогимга чалинди. Ҳайдиларникидаги уй хизматчисининг номи тилга олинди, шунинг учун, ҳалиги, нима десам экан...

— Ҳа, бўпти, айтиб қўяман, — деди ҳаким кулимсираб. — Оббо, барака топгурлар-ей, ер тагида илон қимирласа билишди-я. Кишининг кўнглидан бир хаёл ўтса бас, дарров сизларга аён бўлади. Яхши қолинг, Себастьян, саломингизни ўша хонимга албатта етказаман.

Жаноб ҳаким очик эшикдан чиқишга уринганиди, олдида бир тўсиқ пайдо бўлди. Шамол кучайгани учун Роттенмайер хоним сайр қилиб, орқага қайтган ва ичкарига кирмоқчи бўлган экан. Ураб олган рўмолини

шамол учириб кетганидан хоним гўё барча елканларини кўтариб сузиб кетаётган кемага ўхшаб қолганди. Жаноб ҳаким йўл бериш мақсадида зудлик билан ўзини четга олди. Фройлайн Роттенмайер хоним ҳам ҳакимга алоҳида бир ҳурмат билан қарарди, шунинг учун тўхтаб, унга йўл бўшатди. Шу алфозда улар бир лаҳза туриб қолишди, лекин ногоҳ орқадан урилган кучли шамол тўлқинидан хоним елкали кемадек ҳакимга қараб ўчди. У зўрға ўзини чеккага олишга улгурди. Хоним шашт билан ҳакимнинг ёнидан бир неча қадам нарига ўтиб кетди, кейин у билан қўл бериб саломлашиш учун ортига қайтди. Кутилмаган бу воқеа икковининг ҳафсасасини бир оз пир қилган бўлса-да, бироздан сўнг муносабатлари мулојимлашди, чунки жаноб ҳаким ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини туталарди. У хонимга ўзининг саёҳатга чиқиш режасини баён этиб, Ҳайдига элтиладиган нарсаларни яхшилаб ўраб беришни эҳтиром ила илтимос қилди. Сўнгра таъзим бажо айлаб, ўз йўлига кетди.

Клара Ҳайдига бериб юбориладиган нарсаларни тахтлашдан аввал Роттенмайер хоним билан анча-мунча баҳслашишга тўғри келар, деб ўйлаган эди, ammo бундай бўлмади. Хоним жуда кўтаринки руҳда кириб келди ва Кларанинг нарсаларини унинг кўз ўнгига ўраб бериш учун устолнинг устини бўшатди. Бу — осон иш эмас, чунки ўралиши лозим бўлган нарсалар жуда кўп ва турли-туман эди. Биринчи новбатда устолга қалпоқли кичик пахмоқ талто қўйилди, уни Клара Ҳайдига мўлжаллаганди. Ҳайди уни кийиб олгач, хоҳлаган пайтда бувисиникига бора олар, бобоси келиб, совқотиб қолмаслиги учун қопга ўраб бувисининг ҳузурига олиб боришини кутиб ўтирмаса ҳам бўларди. Сўнгра Ҳайдининг бувисига мўлжалланган қалин, иссиқ жуи рўмол устол устига қўйилди. Қишнинг совуқ шамоллари яйловдаги уйнинг ёриқ-тешикларидан зувуллаб кирганида, буви совқотмаслиги учун бу рўмолни ўраб олини лозим эди. Сўнгра дастурхонга сомса солинган катта қути қўйилди. Бу ҳам бувига аталганди. Ҳар сафар қаҳва ичаётганида фақат шприкулчага қараб қолмай, гоҳ-гоҳ сомсадан ҳам тановул қилсин, деб Клара уни бувисига бериб юбораётганди. Сўнгра катта бир қўлбостига навбат келди. Уни Клара аввалбошдаёқ Петерга атаб қўйганди, чунки у бечорага ҳар кунни пишлоқ бядан нондан бўлак ҳеч нарса берилмасди-да. Бироқ

Қлара кейинчалик бошқача қарорга келди, чунки Петер хурсанд бўлиб қўлбостининг ҳаммасини бирданига еб қўйса, бўкиб қолиши мумкин эди. Шу сабабдан қўлбости аввал Бригитта холаининг қўлига берилиши, у ўзига тегишлисини кесиб олгач, Петерга аталган қисминини бўлақларга бўлиб, ҳар куни унга оз-оздан бериб туриши лозим эди. Сўнгра устол устига тамаки солинган халтача қўйилди. У Ҳайдининг бобосига аталган бўлиб, кечқурунлари ҳовлига чиқиб, тамаки чекишини яхши кўргани учун унга берилиши лозим эди. Охирида бир тўда халтачалар, тугунчалар ва қутичалар устол устига қўйилди. Қлара уларни алоҳида бир муҳаббат билан Ҳайди учун тайёрлаган, улар Ҳайдини ҳайратга солиб, ўзида йўқ даражада хурсанд этиши мўлжалланган эди. Ниҳоят, барча нарсалар ўралиб, тугилиб, жойлаштирилиб, каттагина бир юк жўнатишга тайёрлаб қўйилди. Роттенмайер хоним ўзининг буюмларини жойлаштириш санъатидан мамнун бўлгандек, юкка тикилганча бир лаҳза жим туриб қолди. Қларанинг нигоҳларида ҳам шодлик акс этар, чунки ҳозир у бу улкан тўшфани олиб, ҳайрат ва шодликдан ирғишлаб сакраётган Ҳайдини кўз олдига келтириб турарди.

Себастьян хонага кириб бир ҳимо билан юкни елкасига олганча, жаноб ҳакимнинг уйига равона бўлди.

Иккинчи фасл

ФЕРМАГА МЕҲМОН КЕЛДИ

Тогларнинг чўққилари қирмизин рангга чулганган, субҳидамнинг салқин шамоли арчаларнинг шохларини у ёқдан-бу ёққа эгиб шовуларди. Шовқиндан уйғониб кетган Ҳайди кўзларини очди. Бу шовқин қизчанинг бутун вужудига гўлгула солиб, арчалар томон чорларди. У сакраб ўрнидан турди. Озода ва кўркам кийиниш лозимлигини яхши билгани учун ҳафсала билан кийинди, зиналардан бир-бир босиб пастга тушди. Бобосининг ётоғи бўш эди. Қизча кўчага йўналди. Бобоси кундалик одатича ташқарида, эшик остонасида туриб, кун қандай келишини аниқлаш мақсадида осмонни синчиклаб кузатарди. Тепада қизғиш булутлар сузиб юрар, лекин осмон тобора очилиб, мовийлашиб бораётгани, тепаликлар ва ўтлоқлар аста-секин олтин тусга кираёт-

гани сезилиб турар, чунки олне чўққилар ортидан тилла қуёш кўтарилиб келмоқда эди.

— Оҳ, бунчалар гўзал, бунчалар чиройли! Ассалому алайкум, бобожон! — дея қичқирди Ҳайди ўйноқлаб.

— Шунақами? Уйғондингми, қўзичоғим? — деди бобоси қизчанинг қўлларидан ушларкан.

Ҳайди пилдираб, арчалар томон чоғиб кетди. У арчаларнинг гоҳ эгилиб, гоҳ қад ростлаётган шохларини ушлаб олмоқчи бўлгандек иргинлар, шамол қаттиқроқ эсиб, чўққилардан акс-садо келганда эса янада баландроқ сакради. Бу орада бобоси оғилга кириб, Швэнли ва Бэрли лақабли эчкиларни соғиб чиқди, сўнгра фирча билан тозалаб, ювиб, ўтлагани подага қўшиб юборини учун ташқарига стакладп. Ҳайди ўзининг энг яқин дўстларига айланиб қолган бу жониворларни кўргач, югуриб уларнинг ёнига келди ва ҳар иккисининг бўйпидан қучиб, эркалаб саломлашди. Эчкилар ҳам ҳам унга кўникиб қолишгани учун эркаланиб, хурсанд ҳолда маъраб қўйишди. Улар Ҳайдига меҳр-муҳаббатларини нэхор этишгандек икки тарафдан бошларини қизининг елкасига ишқашар. Ҳайди икки эчки орасида қисилиб қолганди. Бироқ Ҳайдини бу билан қўрқитиб бўлмасди. Ўйинқароқ Бэрли тобора Ҳайдига тиқилиб, бошини қизнинг елкасига қаттиқроқ ишқай бошлаганда, қиз унга танбеҳ берди:

— Пўқ, бунақаси кетмайди, Бэрли, сен худди улкан Турк эчки сингари бесодоблик қилаяпсан.

Бэрли дарҳол бошини тортиб, уялгандек жим туриб қолди. Швэнли ҳам бу танбеҳни тушунгандек бошини тик кўтарганча, қаддини ростлаб олди. У ўзига бунақа танбеҳ берилишини сираям истамасди. Очигини айтганда, қордек оппоқ Швэнли кулранг Бэрлига қараганда анчагина босиқ, хушахлоқ эди.

Настдан Петернинг ҳуштаги эшитилди. Тез орада эчкилар подаси кўзга ташланди. Энг олдинда «эпчил олифта» — йўлбошчи така сакраб-сакраб келарди. Ҳайди нода ўртасида қолди. Эчкилар қаттиқ-қаттиқ маърашиб, гўё қиз билан саломлашинишар, биттаси бўлмаса бошқаси албатта уни елкаси билан оҳиста туртиб ўтарди. Ҳайди пода ўртасида келаётган Шнесхёпли ёнига боришга зўр бериб ҳаракат қилар, оппоқ эчкича ҳам унга нитилар, лекин бошқа катта эчкилар уни четга суриб кетишарди. Ниҳоят Петер ҳам етиб келди. Қаттиқ ҳуштак овози янгради. Бундан чўчиган эчкилар

сакраб-сакраб, Ҳайдининг ёнидан ўтиб, ўтлоққа ёйилиб кетишди.

Петер Ҳайдининг ёнига келди:

— Бугун мен билан эчкиларни ўтлатгани яйловга борасанми?

— Пўқ, Петер, бугун боролмайман, — деди Ҳайди, — бугун Франкфуртдан меҳмонлар келишади. Мен уйда бўлишим лозим.

— Минг марта шунақа дегансан, лекин келинмаган, — дея гулдиради Петер.

— Бугун албатта келишади, аниқ биламан, сезиб турибман, — деди Ҳайди. — Уйлаб кўргин-а, улар Франкфуртдай жойдан мени кўргани келишса-ю, мен уларни кутиб олмасам қандай бўлади? Нима, сен кутиб олмаслигимни хоҳлаяпсанми?

— Меҳмонларни бобонг кутиб олса ҳам бўлади-ку! — деди Петер.

Шу пайт уй тарафдан бобонинг баланд овози эшитилди:

— Хўш, лашкар нега олдинга силжимаяпти? Саркарда йўқми ёки ҳали қўшин етиб келмадими?

Петер дарҳол ортига қайрилиб, қамчисини шундай қарсиллатдики, бу товушнинг қанақа маъно беришини яхши тушунган эчкилар бири сакраб, бири чопиб, кўм-кўк ўтлар билан қопланган қир томон ёпирилишди. Петер ҳам бир-бир қадам босиб, пода ортидан йўлга тушди.

Ҳайди бобосиникига келган кунидан бошлабоқ уй-рўзғор юмушларини ўзи бажара бошлади. Илгари у бунақа бўлишини ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Ҳар кунни тўшагини ўзи йиғиштирар, бу юмушни шунчалар берилиб қилардики, чойшаб ва ёстиқлари сип-сиалиқ турмагунча тиниб-тинчимасди. Бобосининг яйловдаги бу уйида эса шундай дегани тўқилиб ётар, шунинг учун қизча сляб-югуриб ҳаракат қиларди. У курсиларни ўз ўрнига қўяр, нималардир сочилиб ётган бўлса йиғиштириб, жавонга тахлар, сўнгра латгани намлаб келиб, курсига чиқиб устолнинг устини ярқиратиб тозалаб қўярди. Бобоси уйга кирганда бу саранжом-саришталикни кўриб, Ҳайдини мақтаб қўярди:

— Баракалла, ошпоқ қўзим, сенинг шарофатинг билан уйимиз ҳар кун якшанбадагидек топ-тоза... Ҳа, Ҳайди бекорга чет эл саёҳатига бориб келмаган экан.

Бугун ҳам шундай бўлди. Петер подани қирга Ҳай-

даб кетгач, Ҳайди бобоси билан нонушта қилди. Тамад-
дидан кейин ҳар кундаги одатига кўра ўзини уй юмуш-
ларига урди. Аммо бутун унинг ишлари негадир юриш-
мас, бир ишни қилса, иккинчиси негадир ёдидан чиқиб
қоларди, чуққин тонг шунчалар мусаффо ва сеҳрли бў-
либ, қизчани тинмай ташқарига чорлар, бунинг устига
ҳар дақиқада нимадир юз бериб, уни чалғитарди. Қан-
дайдир уни билан шуғулланаётган пайтда бирдан қўёш-
нинг заррин нурлари деразадан тушиб, хонани нураф-
дон этиб юборганини пайқайди. Бу нурлар оамисоли:
«Ҳайди, ташқарига чиқ, бўлақол тезроқ» — дейишаёт-
гандек эди. Бундай маҳалда чидаб, хонада қолиб бўлар-
мими? Ҳайди ташқарига отилди. Бобосининг уйи аяла-
қачон қўёш нурларига гарқ бўлган, тоғларнинг чўққи-
лари кўзни қамаштиргудек, настликдаги ям-яшил подий
ҳам нурлар огушида, қарийб тик кесилиб тушган қия-
ликнинг лаби шунчалар олтинранг эдики, бехосдан ўша
ерда ўтириб олиб, олис-олисларга тикилгиси келарди
кишининг. Ҳайди қиялик лабига кўз тикиб, бир зум
хаёлга чўмди, сўнгра бир нарса ярқ этиб эсига тушди.
Ахир, уч оёқли курсичаси хона ўртасида қолган, нонуш-
тадан кейин усталининг усти артилмаган-ку! Ҳайди югу-
риб хонага қайтди на уйни йиғиштира бошлади, бироқ,
афсуски, бу юмуш узоқ давом этмади. Ташқарида арча-
лар шамолда шундайин шовуллай бошлашдики, қизча-
нинг бутун вужуди жимирлаб, яна кўчага югурди.
Арчаларининг шохлари шамолда у ёқдан-бу ёққа қайри-
либ шовуллар, Ҳайди ҳам уларга тақлид қилиб ирғиш-
лаб ўйнарди. Бобоси айвонда қандайдир юмушлар билан
машғул эди. У гоҳида эшикдан бошини чиқариб, Ҳай-
дининг сакраб ўйнашдан завқланганча жилмайиб
қўярди. Бир гал у Ҳайдининг қилиқларидан завқланиб,
яна ўз ишига уринган эдики, қизчанинг қўнғироқдек
овози жараанглади:

— Бобо, бобожон, бу ёққа келинг, тезроқ келинг!

Қизчага бир нарса бўлдимкан, деб қўрқиб кетган
бобо ташқарига отилди. Ҳайди эса қичқирганча қиялик
томон югурди:

— Ана, келишаяпти, келишаяпти! Меҳмонлар кели-
шаяпти! Энг олдинда жаноб ҳаким келаяпти!

Жаноб ҳаким Ҳайдининг ҳам қадрдон дўстига ай-
ланиб қолганди. Қизча югуриб келиб ўзини унинг қучо-
ғига отди, жаноб ҳаким ҳам қўлларини чўзганча уни

бағрига олди. Қиз унинг қўлларидан ушлаб оларқан, шундай деди:

— Ассалому алайкум, жаноб ҳаким! Келганингиз учун сизга минг бора раҳмат!

— Ваалэйкум ассалом, Ҳайди! Хўш, менга нима учун раҳмат айтаяпсан? — деб сўради ҳаким ажабланиб.

— Ҳа, бобомникига келишимга ёрдам берганингиз учун-да!

Жаноб ҳакимнинг юзлари хурсандликдан ёришиб кетди, у фермада бунчалар шодлик билан қарши олинишини кутмаган эди. Ҳаким ёлғизлиги ёдига тушиб, чуқур хаёлларга чўмганча тоққа чиқиб келган, тонг пайти қирларнинг қанчалар мафтункор бўлиши, ҳамда қуёш чиққач янада гўзаллашиб кетишини сезмаган ҳам эди. Ҳайди мени бутунлай танимаса керак, чунки у мени жуда кам кўрган, деб ўйлаган ҳаким ўзининг янглишганини пайқади. Бундан ташқари у: «Дугонасини олиб келмаганим учун қизчанинг ҳафсаласи пир бўлиб, мен билан гаплашмаса ҳам керак», — деган хаёлларга ҳам борганди. Бироқ бунинг бутунлай тескариси бўлди. Қувончдан Ҳайдининг кўзлари чарақлар, болаларга хос алоҳида самимий меҳр-муҳаббат билан жаноб ҳакимнинг қўлларидан тутиб турарди.

Жаноб ҳаким оталарга хос мулоимлик билан қўлини Ҳайдининг елкасига қўйди:

— Қани, қизим, мени бобонгнинг ҳузурига бошла, қаерда яшаётганларингни бир кўриб қўяй.

Ҳайди эса ўрнидан жилмай, ҳайрон бўлганча пастликка кўз тикди:

— Клара билан бувиси қанилар? Улар келишмадими? — деб сўради у бир оздан кейин.

— Ҳа, сенга айтиш ёдимдан кўтарилибди, — деди ҳаким, сўнгра қўшиб қўйди: — Очиғи, сени хафа қилгим келмаганди, аммо энди айтишга мажбурман. Шундай эканидан ўзим ҳам хижолатдаман, аммо ёлғиз келишга мажбур бўлдим. Клара бетоблангани учун сафарга чиқолмади, бувиси эса ўз-ўзидан маълумки, Клара келмагандан кейин уни қолдириб ўзи сафарга чиқолмайди. Келаси йил баҳоргача Клара албатта тузалиб қолади, бундан ташқари кунлар исиб ҳамда узайиб кетгач, улар албатта келишади.

Ҳайди бир лаҳза нима қилишини билмай жим туриб қолди. Ҳозиргина шодликдан юлдуздек чарагон кўзларини мунг босди. Кутилмаган бу ҳолат унга жуда

таъсир қилган, калавасининг учини йўқотиб қўйганди. Ҳақим ҳам қизнинг қаршисида лол турар, чор-атроф сукупатга чўмган, жимликин арчаларнинг шохлари билан ўйнашаётган шамолнинг шовуллаши бузарди, холос. Бир оздан кейин Ҳайди жаноб ҳақимни хафа қилиб қўйиши мумкинлигини ийқаб, унинг кўзларига тикилди. Ҳақимнинг нигоҳида аллақандай оғир гам кўланкисен ётар, илгарилари қиз Франкфуртда уни бундай қолда бIRON марта ҳам кўрмаган эди, Ҳайдининг мунис қалбига наштар санчилгандек бўлди. Табиатан шўх ва ўйинқароқ Ҳайди етти ёт бегонанинг ҳам гам чекинига бефарқ қараб туролмас, жаноб ҳақимни гамгин ҳолатда кўриш эса унинг учун турган-битгани даҳшат эди. «Жаноб ҳақим Клара билан унинг бувисини бирга олиб келолмагани учун хафа бўлса керак», деб ўйлади Ҳайди ва унинг кўнглини кўтариш йўлини ахтара бошлади.

— Жаноб ҳақим, хафа бўлманг, тез орада баҳор ҳам келиб қолади, — деб юната бошлади қиз уни. — Мана кўрасиз, бизда вақт жуда тез ўтади. Баҳорда Клара ҳам, унинг бувижониси ҳам келишади, сўнгра ёз бўйи бирга бўламиз. Юринг, мен сизни бобомнинг олди-га бошлаб бораман.

Улар бир-бирининг қўлидан ушлашганча, бобонинг уйи томон кўтарилди. Жаноб ҳақимнинг кўнглини кўтариб, унга далда бериш Ҳайди учун жуда муҳим эди, шу сабабдан у яна фермада қуиларининг жуда тез ва сезилмасдан ўтиши, кўз очиб юмгунча ёзининг иссиқ ва узун кўнлари келиши ҳақида гапира бошлади. Ҳақимга тасалли бериш учун айтилган бу гапларга ўзи ҳам тўлиқ ишониб қолди шекилли, уларни қаршилаб олаётган бобосига қараб қичқирди:

— Бобожон, жаноб ҳақим ёлғиз ўзлари келибдилар, Клара билан бувиси келинмабди, аммо тез орада баҳор келиб, қуилар иссиб кетгач келишар экан. Бизда вақт жуда тез ўтади-ку, тўғрими, бобожон?

Жаноб ҳақим бегона эмасди, чунки Ҳайди у тўғрисида кўп марталаб гапириб берганди. Чол меҳмонга қўй узатиб кўришди ва чин дилдан: «Хуш келибсиз!» — деди. Сўнгра эркаклар уй ёнига ўриятилган ўриндиққа ўтиришди. Жаноб ҳақим Ҳайдини чақириб, ўзининг ёнидан жой берди. Суҳбат давомида ҳақим жаноб Зеземаннинг унга саёҳатга чиқишини маслаҳат бергани, бу таклиф ўзига ҳам жуда ёққани, чунки анча вақтлардан бери ташвишлар билан банд бўлиб дам ололмагани, кейинги

пайтларда ўзини бир оз ёмон ҳис қилаётгани тўғрисида гапириб берди. Кейин энгашиб Ҳайдининг қўлларини шийирлади:

— Тез орада хизматчилар бу ерга Франкфуртда жўнатилган совғаларни кўтариб чиқишади. У совғалар сизга менинг таширифимдан кўра кўйроқ шодлик бахш этади.

Ҳайди ўша тўхфаларнинг нималигини билишга жуда қизиқиб қолди. Бобоси эса жаноб ҳакимга бу ажиб кукуйларини шу ерда, фермада ўтказишни, ёки бўлмаса қир этагидаги қишлоқда тунаб, ҳар кун бу ерга чиқи туришни маслаҳат берди.

— Менинг уйимда туринг. деб, афсуски, таклиф қилолмайман. — деди у, — чунки бу ерда ётиб туришни гиз учун муносиброқ бир хона, қўлай имконият йўқ. Бад-Рагазга қайтишингиз ҳам тўғри келмайди, чунки жуда узоқлик қилади. Яхшиси, сизга дастдаги қишлоқчадан яхши бир хонадон тонамиз. Битта хонани ижарага олсак, олам гулистон. Қишлоқдаги деҳқонларнинг уйлари шаҳар уйларидек бўлмаса ҳам аммо шинам, оқод шу сабабдан шаҳарликлар ҳам бемалол бир ҳафта кун яшаса бўладиغان жой. Кечаси ўша ерда ётаси эрталаб бу ерга келсангиз, сизга барча яйловлару адибларин кўрсатаман. Хоҳласангиз, баланд чўққиларга ҳам чиқамиз.

Бобонинг таклифлари ҳакимга маъқул бўлди. Улар бу тadbирни амалга оширишга қарор қилишди. Қўёш тикка келиб қолганди. Шамол аллақачон тиққан арчалар ҳам шовулламасди. Ферма қирлар тепасида жойлашганига қарамасдан бу ерда ҳаво анча илтиқуёш нурларига кўмилган ўриндиқда ўтирганларнинг юзларига аҳён-аҳёндагина аллақандай салқин, ёқимли шаббоданинг уқнар қанотлари тегиб ўтгандай бўларди ҳолос. Алп тога ичкаридан битта устол чиқариб, ўриндиқ олдида қўйди ва Ҳайдига деди:

— Қизалогм, қани, у-бу егулик нарсаларингизни олиб кел-чи. — Сўнгра ҳакимга ўтирилди:

— Жаноб ҳаким, энди айбга буюрмайсиз, тоғчилик таомларимиз жуда оддий, оққатланаётган ресторанимиз жуда ўзига хос.

— Мен ҳам шундай демоқчи бўлиб турувдим, — ҳаким қўёш нурларида майсалардаги шабнамлар оғмосидек ярқираб турган ям-яшил водийга суқдан боқарди. — Тушлик тўғрисидаги таклифни жон-жон, де

қабул қиламан. Тоғликларнинг овқатини жуда мазали бўйлади, деб эшитганман.

Ҳайди олмахоидек елиб-югуриб, ошхона жавонидаги барча сгуликларни келтириб, устөл устини тўлдириб тақдлади. Жаноб ҳакимни меҳмон қилиш шарафига мурасар бўлганидан у жуда бахтиёр эди. Бобо бу орада тушлик тайёрлаб, буғи чиқиб турган сутли идишни ва олтиндек тобланиб турган пишлоқни келтириб қўйди, сўңра шу ерда, тоғ ҳавосида тузлаб қоқланган гўштдан юпқа қилиб тўгради. Бу тушлик жаноб ҳакимга шунчалар хуш ёқдики, у умри бини бўлиб бунчалар мазали таом емаганини эътироф этди.

— Бизнинг Қлара ҳам бу ерга келиши керак экан, — деди у, — бу ерда унинг кучига куч, қуватига қувват қўшилади. Бир-икки ой мана шунақа таомлардан сб турса, тўлишиб, бутунлай соғайиб кетади.

Шу пайт катта бир тугунни елкалаб олган хизматкор наstdан ўрлаб чиқиб келди. У бобонинг уйига яқинлашиб, тугунни ерга қўйди ва Алл тоғларининг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди.

— Мана, Франкфуртдан сизларга бериб юборилган нарсалар ҳам ниҳоят етиб келди, — деди ҳаким ўрнидан тураркан. У Ҳайдини ҳам юк томон бошларкан, билакларини шимариб, тугунни ечишга киришди. Тугун ечилгач, у Ҳайдига деди:

— Бу сомсалар буving қаҳва ичаётганида тановул қилишлари учун...

Ҳайди қувончдан қичқириб юборди:

— Оҳ, оҳ, бувим бу ширинликларни сб роса мазза қиладилар-да!

Ҳайди дарҳол қутини ёниб, наstdаги қишлоққа, буvingнинг қошига югурмоқчи бўлганди, бобоси уни тўхтатди:

— Шошма, қизим, кечқурун жаноб ҳаким билан барчамиз ўша ёққа эгамиз. Совғаларни ҳам ўшанда олиб борамиз.

Ҳайди тугундаги совғалар орасидан тамаки солинган хаттачани топиб, бобосига келтириб берди.

— Ҳа, мана бу бошқа гап, — деди бобоси тамакидан бир чимдим олиб чилимига соларкан. — Мана энди, биз ҳам мазза қиладиган бўлдик.

Эркаклар тамаки чекишиб, анча маҳалгача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Ҳайди эса ўзига теккан нарсаларни ерга тизиб, гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг олди-

да сакраб, иргишлаб ўйнади, сўнгра эркаклар гапдан тўхтаб бир лаҳза жимиб қолишганда, ҳакимнинг ёнига келиб ўтираркан, деди:

— Йўқ, жаноб ҳаким, менга жўнатилган бу совғалардан кўра сизнинг келганингиз мени кўпроқ қувонтирмоқда.

Унинг бу гапидан жаноб ҳаким ҳам, бобоси ҳам кулиб юборишди, сўнгра ҳаким кулгу аралаш: «Мен бунинг тескариси бўлар», — деб ўйлагандим деди. Қуёш тоғлар ортига ўта бошлаганда, жаноб ҳаким ўрмидан қўзғолди. У қир этагидаги қишлоққа тушини ва ўзига қўналга жой топиши лозим эди. Бобо сомса солинган кути, катта қўлбости ва жун рўмолни қўлтиқлаб, жаноб ҳаким эса Ҳайдининг қўлидан ушлаганча пастга, эчки-боқар Петернинг уйига етиб келишди. Ҳайди бобоси қайтиб келиб, уни олиб кетгунча шу ерда кутиб туриши лозим бўлгани учун жаноб ҳаким билан хайрлаша туриб сўради:

— Эртага эчкилар билан бирга тепага яйловга чиқасизми?

— Албатта чиқаман, — деди ҳаким, — эртага бирга чиқамиз.

Эркаклар ҳакимга бошпана топиш учун пастдаги қишлоққа равона бўлишди. Ҳайди эса бобоси эшик бўсағасига қўйиб кетган нарсаларни бувисининг ёнига олиб кира бошлади. Аввалига сомса солинган кутини, сўнгра қўлбостини киритиб, бувисининг ёнгинасига қўйди, бувиси кексайиб қолгани учун кўзи ўтмас, ҳар бир нарса нималигини пайпаслаб аниқларди. Ҳайди жун рўмолни олиб, бувисининг тиззасига қўйди.

— Бувижон, буларнинг барчасини Клара билан унинг бувиси Франкфуртдан бизга бериб юборишибди, — деди Ҳайди ҳайрон бўлиб турган бувисига.

Уй хизматчиси Бригитта ҳам шу ерда бўлиб, Ҳайди келтириб устол устига тизиб ташлаган нарсаларга тикилганча оғ-тоғ қотиб турарди.

— Бувижон, улар сомса бериб юборишганидан хурсандмисиз? — сўради Ҳайди. — Қаранг, улар қандай биққигина...

Бувиси унинг гапini маъқуллади:

— Ҳа, ҳа, гапинг тўғри, қизим, жуда хурсандман. Қара, улар қандай яхши одамлар экан.

Сўнгра тиззасидаги жун рўмолни сийпалар экан қўшиб қўйди:

— Аммо мана бу жуи рўмолнинг баҳоси йўқ. Қишнинг совуқ кунларида жоннинг ҳузури бу... Умримда бирор марта бундай ажойиб совға олмаган эдим, олмаганим-ку майли-я, аммо оларман, деб тасаввур ҳам қилмаган эдим.

Ҳайди эса бувиси сомсага эмас, жуи рўмол учун кўпроқ қувонаётганининг сабабини тушунолмай ҳайрон бўлди.

Бригитта устол устидаги қўлбостидан кўз узмас, у ҳам эҳтимол бундай катта қўлбостини биринчи бор кўриши эди. Паҳотки у бундай катта қўлбостига эгалик қилиши ва ҳатто уни кесиб бўлакларга бўлиши ҳам мумкин? Йўқ, у ўзини бунга ишонтиролмади, шунинг учун бошини чайқаб, деди:

— Аввал тоғадан сўраб кўрайлик, балки уни бошқа бир мақсадда жўнатишгандир?

Ҳайди ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмайдиган қатъийлик билан деди:

— Ҳеч қанақа бошқа мақсадда эмас, бунинг бизга сўйиш учун совға қилишган.

Шу найт Петер уриниб-суриниб хонага кириб келди:

— Алп тоға ортимдан келаяпти, Ҳайди, дарҳол...

У сўзини тугатолмади. Нигоҳи устол устидаги қўлбостига қадалганча қотди, айтмоқчи бўлган гаплари эсидан чиқиб кетди. Ҳайди эса гап нимадалигини тушуниб, хайрлашиниш учун бувисига қўл чўзди.

Алп тоға яқин атрофдан ўтганда ҳар сафар албатта бирров ичкарига кириб, буви билан саломлашиб кетарди. Буви унинг келаётганини қадам товушларидан сезар, келганида жуда хурсанд бўлар, чунки Алп тоға ширин гаплар айтиб, бувининг кўнглини кўтариб кетарди. Вақт алламаҳал бўлиб қолгани учун тоға бугун ичкарига кирмади.

— Ҳайди қуёш чиқмасданоқ туриб олган, тезроқ уйга бориб ухлатай, кирсам анча ўтириб қоламан, — деди у қатъий қилиб.

Сўнгра ташқаридан туриб бувига хайрли тун тилади, ёнида ирғишлаб сакраётган Ҳайдининг қўлларидан тутди. Нурафшон юлдузлар чарақлаб турган тун оғушида икковлон ўзларининг қир тепасидаги сокин кулбаси томон равона бўлишди.

МУКОФОТ

Эртасига каллан саҳарлаб жаноб ҳаким Петер ва унинг эчкилари ҳамроҳлигида қишлоқчадан тоққа кўтарилди. Хушфезл ҳаким подачи бола билан суҳбатлашиб кетиш мақсадида бир неча бор гап очиб кўрди, аммо уддасидан чиқолмади. Бола жуда камгап бўлгани учун ҳаким ўзининг саволларига қандайдир ноаниқ, узук-юлуқ жавоблар ололди, холос. Петерни осонликча гапиртириб бўлмасди. Шу сабабдан улар бобонинг қир тепасидаги кулбасига худди мум тишлагандек ситиб келишди.

Ҳайди уй олдида уларни иккала эчкисини бўйиндан тутганча кутиб турарди. Иккала эчки ҳам, Ҳайди ҳам худди тоғ чўққиларини ёритиб турган субҳидам қуёшининг ёғдуси мисол тетик ва дуркун эдилар.

— Бирга борасанми? — деди Петер Ҳайдига.

Ҳар куни эрталаб у қизга шундай дер ва ҳеч ким бу сўзларнинг савол ёки даъват эканлигини аниқ билмасди.

— Жаноб ҳаким борсалар, албатта бораман, — деди Ҳайди қўнғироқдек товуш билан.

Петер ўгирилиб, жаноб ҳакимга савол назари билан қаради. Шу дам ичкаридан қўлида тушлик тамаддилар солинган тўрхалтани кўтарганча бобо чиқиб келди. У жаноб ҳаким билан жуда қуюқ сўрашди, сўнгра тўрхалтани Петернинг елкасига илиб қўйди. Тўрхалта ҳар кунгига қараганда анча огир бўлиб, бобо тепадаги яйлов жаноб ҳакимга ёқиб қолса, ўша ерда болалар билан бирга тушлик қилар, деб унга анча-мунча гўшт қоқидан солган эди. Петер тўрхалтада қандайдир гаройиб нарсалар бўлса керак, деб ўйлаб ўйига етолмасди.

Ниҳоят, улар йўлга тушдилар. Ҳайдининг эчкилари қизни икки томонидан ўраб олинган, ҳар бири қизга кўнроқ сўйкалиш мақсадида бир-бирини туртиб, суриб бормоқда эди. Бу ҳол анчагина давом этди. Пиҳоят, Ҳайди тўхтаб, тапбеҳ оҳангида деди:

— Энди одобли бўлиб, мендан бир оз олдинроқ юринглар, кўпам менга сўйкалаверманглар. Жаноб ҳаким билан бир оз гаплашиб кетмоқчиман!

Сўнгра у ёнидаги Шисеҳёплнинг яғринига секингина уриб-уриб қўйиб, яхши эчкичалар одобли, бир гапини дикки қилмайдиган бўлишлари лозимлигини алоҳида

ушунтирди ва иода ўртасидан чиқиб, жаноб ҳакимнинг
иниғи келди. Шифокор унинг қўлларида маҳкам ушлаб
олди. Боягина қишлоқдан тепага чиқаётганларида
Бегерни гапга соломмай зерикиб келаётган ҳаким эди
Ҳайднинг гапдан тўхтатолмай гаранг эди. Қизча жуда
андон бўлиб, ҳакимга подадаги эчкилар, уларнинг
заройиб қилиқлари, тоғ гуллари, қоялар ва қушлар
ўрғисинда шунчалар батафсил сўзлаб бердики, улар
яқин қандай ўтгани-ю тепадаги ўтлоққа қандай етиб
келишганини сезмай ҳам қолди. Петер бир чеккада
ўй-ўйлакай жаноб ҳакимга ўқрайиб қўяр, агар ҳаким
нинг бу қарашларини кўриб қолганда борми, қўриб
етини турган гап эди. Яхшиям у Ҳайднинг гаплари
ниги андармон бўлиб, Петернинг газабнок ўқрайиш-
ниги пайқамасди.

Тепага чиқишгач, қиз жаноб ҳакимни ўтлоқнинг энг
ўлкам жойига олиб борди. Ҳар сафар тепага чиқишган-
да, Ҳайди шу ерда ўтириб, атрофни томоша қилишни
уни кўрарди. Улар шабнамлари қуёш пурида олмосдек
рқираб турган майсаларга ўтириб, атрофни кузата
юналашди. Кенг ва ям-яшил ўтлоқ ҳамда унинг атро-
фидаги қоялар куз қуёшининг заррин нурларига кўмил-
ди, этакдаги қирлардан серкалар бўйидаги қўнғироқ-
ларнинг жараңлари элас-элас қўлоққа чалинар, улар
ўш нурли субҳидамни, табиат гўзаллигини, тишчликни
таъъиқ этаётганга ўхшардилар. Нариги тарафда қор қоп-
лаган яланглик юзида қуёшнинг заррин нурлари жи-
тирлаб ўйнар, қўнғир тусдаги қарчиғай довлари улуг-
ороник билан ўзининг бамисоли минор-чўққиларини
ўқ зангор осмонга тираганча сукутга чўмганди. Алп
оғладини оралаб эсаётган эрка шаббода шунчалар
ақили, шунчалар ҳузурбахш эдики...

Ўзининг жазирамасида сўлимай, омон қолган мовий
қўнғироқгуллар оҳиста павозини қилиб турар ва гўё
ўшларига қўнган қуёш нурларини аллаётганга ўхшар-
дилар... Осмонда катта қора қуш кенг донра солиб
йўлиниб учар, аммо бугун негадир қағилламасди. Ул-
лар қанотларини қоқмай, кенг ёйганча зангор кенглик-
лар уйра учиб юрини эҳтимол унга жуда хуш ёқса керак.
Ўшнинг атрофга суқланиб тикилиб қолди. Гуллар уни
малаб чақираётганга ўхшаб туюлар, мовий осмон, қу-
шнинг шўх-шан нурлари, кўкдаги шодумон қушлар,
уларнинг барчаси шунчалар гўзал, шунчалар мафтун-
кор эдики, таърифлашга сўз топиб бўлмасди. Шодлик-

дан Ҳайдининг кўзлари юлдуздек чақнарди. Сўнгра ўгирилиб ҳамроҳига қаради. Атрофдаги табиат гўзалликларини у ҳам пайқаянтимикан? Жаноб ҳаким эсхаёлга чўмганча, жимгина теварақини кўзатарди. Ниҳоят кўзлари Ҳайдининг қувноқликдан чақнаб турган кўзлари билан тўқнаш келгач, у сўз бошлади:

— Ҳайди, бу ерлар жуда гўзал экан, улар менга янгида гўзалроқ туюлиши мумкин эди-ю, бироқ... Ўйла кўриниш-а, юраги гамга лиммо-лим бири киши келиб б ердаги гўзалликлардан ҳузур-ҳаловат ола биладими?

— Нималар дейсиз, жаноб ҳаким, — деди Ҳайди қувнаб, — бу ерда ҳеч ким гамгини бўлмайдн, гам-ташвишларининг ҳаммаси Франкфуртда қолган.

Жаноб ҳакимнинг чехрасига табассум юурганда бўлди, аммо тез орада яна аввалги ҳолатига қайтди сўнгра у сўради:

— Ҳўш, агар бирон киши Франкфуртдаги барча гамларини ўзи билан бирга олиб келган бўлса-чи? Айт-чи, унга ёрдам беришининг биронта йўлини биласанми?

— Агар у гамларидан ўзи халос бўла олмаса, унд Худодан имдод сўраши керак, — дея жавоб қилди қиз тўлиқ нишонч билан.

— Ҳа, бу жуда яхши фикр, қизалоғим, — деб матқуллади ҳаким унинг гапини. — Аммо ўша гамлар Худонинг хоҳиши билан келган бўлса-чи? Унда нима қилмоқ керак?

Ҳайди бундай ҳолатларда нима қилиш лозимлигини бир лаҳза ўйлаб кўришга мажбур бўлди. Бобоси ҳамд бувисининг гапларини эшитиб чиқарган хулосаси бўйича кишининг бошга биронта кулфат тушганда Худода ёрдам келиши шубҳасиз эди, лекин кишининг бошига Худонинг хоҳиши билан кулфат тушиниши қиз ҳақида эшитмаган ва ўйлаб кўрмаган экан. У ўз бошидан кичирганларини таҳлил этиб, ҳакимнинг саволига жавоб ахтара бошлади ва бир оздан кейин деди:

— Бундай ҳолатда киши албатта сабр-тоқат билан кутиб: «Ҳозир Худо менга қандайдир шодлик-қувончларни тайёрламоқда, гам-аламлар ўткинчи, улардан кейин албатта доруломон кунлар келади». — деб умид қилиши лозим. Айюҳаннос солмаслиги, гам-андуҳларнинг ичига ютиниш керак. Шундай қилса, менимча, гамлар унутилади. Худонинг унга атаб қўйган шодликлари беканлигига амин бўлади. Гам-аламларини ўйлайвери

келажакка умид кўзи билан қарамайдиган киши: «Умрим шундай гам-аламга қориниб ўтса керак», — деган хулосага келиб қолади, бу эса бутуилай нотўғри фикр-дир.

— Балли, қизалоғим, мана шуни чинакам иймон дейдилар, сен шундай бардам бўлишинг лозим.

Ҳаким бир лаҳза жим қолиб, атрофдаги чўнг қояларга, қуёш нурларида товланиб турган наstdаги ям-яшил водийга суқланиб тикилди, сўнгра сўзида давом этди:

— Кўряпсанми, Ҳайди, айтайлик, бир киши бу ерга келиб ўтирди, аммо унинг кўзларига, қалбига гам кўлан-каси тушиб тургани учун у атрофдаги табиат гўзалликларини ҳис эта олмайди. Шу сабабдан унинг қалби баттарроқ гамга ботади, атроф қанча гўзал бўлса, у шунча кўпроқ гам чекади, сен буни тасаввур қила оласанми?

Ҳайдининг қалбини аллақандай оғриқ чимдиб ўтгандай бўлди ў бувисини кўз олдига келтирди. Ҳа, кўзларига қандайдир ғусса соя солиб тургани учун бувисининг чарақлаб турган қуёшни ҳам, тоғ яйловларининг гўзаллигини ҳам кўра олмайди. Бу Ҳайдининг мурғак қалбидаги изтироб бўлиб, ҳар сафар эсига тушганда янгилашиб, газак оларди. Қиз бирмунча вақт жим қолди, чунки шодлик-қувончлари бир томон, бу дард бир томон бўлиб нима қилишини билмасди. Бир оздан кейин эса жиддий оҳангда деди:

— Ҳа, тушунаман, аммо бундай вазиятдан қутулишнинг фақатгина битта йўлини биламан, холос. Бундай ҳолларда бувим айтидиган қўшиқларини куйламоқ керак. Улар одамнинг ички дунёсини нурафшон этиб, кўнглини кўтаради. Бувим доим шундай дейдилар.

— Қанақа қўшиқлар экан улар? — деб сўради ҳаким қизикиб.

— Сизга қуёш ва гўзал бог тўғрисидаги қўшиқни, сўнгра бошқа узун қўшиқларнинг бувимга энг ёқадиган сатрларини айтиб беришим мумкин. Уларни мен ёддан биламан, чунки кунига уч мартадан ўқиб чиқаман-да, — дея жавоб қайтарди Ҳайди.

— Ўша узун қўшиқларнинг бувингга энг ёқадиган бандларини айтиб бер-чи, — деб илтимос қилди жаноб ҳаким. — Мен ҳам уларни бир эшитиб кўрмоқчиман.

Сўнгра у қўшиқни диққат билан тинглаш учун қулайроқ ўрнашиб ўтирди.

Ҳайди қўлларини тиззасига қўйиб, қўшиқни айтишга шайланаркан, бир лаҳза тин олди.

— Бувим бу қўшиқларнинг баъзи жойлари кийинининг кўнглини ишонч ва умидга тўлдиради, дейдилар, ўша жойидан бошлайми?

Ҳаким «маъқул» дегандек бош ирғаб қўйди. Ҳайди қўшиқни бошлади:

Ҳукм сурсин танҳо Биру Бор,
У ягона доно Ҳукмдор.
Ҳар юмунини ўрилатажак,
Кўриб ҳайрон қоларсан, бешак.
Албатта У, фақат Унга хос
Вир ажойиб маслаҳат билан
Сени буткул ташвишга қўйган
Ғам-индуҳдан айлагай халос.

Бир дақиқа, балки бирор зум
Ўз юпанчи билан бўлиб банд.
Сенинг билан заррача иши
Пўқдек бўлиб туюлса гарчанд,
Ғам-ташвишга кўмилиб бошинг
Айлагайсан. Е Раб, бу не ҳол?
Сўрамайсан ҳолимни печук,
Унутгансан мени эҳтимол?

Лек шундоқ ҳам бўлади, ишон,
Агар Унга содиқ қоложанг,
Қалбда бўлса заррача иймон
У кўкларга кўтарар сени.
Ва эзилган дилингни этар
Чўнг ғамларининг тошидан халос.
Бу ғамларни дўст нари турсин
Душманга ҳам кўрмагин раво.

Ҳайди қўшиқ айтишдан тўхтаб, ҳакимга қаради. Унинг қўшиқни эшитаётгани помаълум эди, чунки кафтларни билан кўзларини тўсганча, қимир этмай ўтирарди. «Жаноб ҳаким ухлаб қолибдилар, қолганини уйгонганларидан кейин айтиб бераман», — деб ўйлади қиз. Атрофга сукунат чўмди. Ҳаким миқ этмас, аммо ухлаб қолмаган, хаёллари уни болалиги томон етаклаб келганди. Мана у ёшгина бола, ойжонисининг оромкурсиси ёнида турибди. Меҳнбон ойиси мулойим қўллари билан унинг бўйнидан қучганча ҳозиргина Ҳайди айтиб берган қўшиқни куйламоқда. Бу қўшиқни эшитмаганнга ҳам қанча йиллар бўлибди. Умр дарё деганлари рост экан, шонуллаб, кўпириб оқаверар, қанчаси оқиб кетганини, қанчаси қолганини ҳеч ким билмас экан. Ҳакимнинг кўз ўн-

гида онасининг меҳр тўла тўла кўзлари жонланди, қулоғида аллақандай сеҳрли, юракларни энтиктириб юборадиган овози жараглагандек бўлди. Қўшиқ аллақачон тугаган бўлишига қарамасдан бу мулоҳим овоз, сир-синаотга тўла сўзлар ҳануз эшитилиб турарди. Ҳаким бу сўзларни, онасининг ширали овозини такрор-такрор эшитгиси келгани учун кафтлари билан юзини, кўзларини тўсганча, биз оз энгашиб, чуқур ҳаёллар оғушида қимир этмай анчагача ўтирди. Ниҳоят қаддини ростлаб, кўзларини очди ва Ҳайдининг ҳайрон бўлиб тикилиб турганини кўрди.

— Ҳайди, қизалоғим, ашуланг жуда ажойиб экан, — деди ҳаким. Овозидан унинг кўнгли анча кўтарилганлиги сезилиб турарди. — Биз бу ерга ҳали кўп марта келамиз, шунда бу қўшиғининг яна айтиб берасан.

Бу орада Петернинг жаҳли чиқиб кетганди. Ҳайди нега кунлар давомида у билан бирга ўтлоққа чиқмаган, энди бугун чиққанида бу кекса ҳакимнинг уларга қўшилиб келгани нимаси? У қизнинг ёнидан нари кетмаяпти. Петер бўлса Ҳайди билан турли ўйинлар ўйнамоқчи эди, энди ўйнаблмайди. Нима қилиш керак? Петер ўч олишга қарор қилди. У кўзга ташланмаслик учун ҳеч нарсадан беҳабар ҳакимнинг орқа тарафига ўтиб, беш-олти қадам масофадан туриб муштини дўлайтирди, ҳамда уни муштлаётгандек ҳаракатлар қила бошлади. Бир оздан кейин эса у иккинчи муштини ҳам ишга солди. Ҳайди ўрнидан қўзғолмагунча, Петер ҳалокатли зарбаalar билан ҳакимни муштлаётгандек бўларди.

Бу орада қуёш тикка келиб, тушлик пайти бўлди. Ва у бор овози билан қичқирди:

— Овқатланиб олишимиз керак!..

Жаноб ҳакимни қўзғатмаслик учун Ҳайди ўрнидан сакраб турганича, егулик солинган халтани шу ерга келтирмоқчи бўлди. Ҳаким эса уни тўхтатиб, қорни тўқлигини, шу сабабдан тушлик қилгиси келмаётганини, фақат пложи бўлса бир финжон сут ичиб, кейин тоғларни, чўққиларни айланиб келмоқчи эканлигини айтди. Ҳайди ҳам ҳали оч эмаслигини, у ҳам сут ичиб, ҳакимни тенага, йўсин билан қопланган ва бир вақтлари Дистелфинк лақабли серка сал бўлмаса қулаб тушаёзган улкан чўққига бошлаб бормоқчи эканлигини айтди. У ерда турфа хил хушбўй доривор кўкатлар ўсаркан. Қиз Петернинг ёнига бориб, жаноб ҳаким сут ичмоқчи эканлигини, шунинг учун у Швэнлини соғиб, уларга сут

келтириши лозимлигини тушунтирди. Петер бир лаҳза унга ҳайрон бўлиб қараб қолди ва сўради:

— Халтадаги овқатлар-чи, уларни ким ейди?

— Уларнинг ҳаммаси сенга, аммо биринчи навбатда бизга сут келтир, тезроқ бўла қол, — деди Ҳайди.

Петер умри бино бўлиб биронта ишни апил-тапил қилмаган эди, аммо бу сафар эчкини зудлик билан соғиб келди, чунки егулик солинган халта унинг кўз ўнгидан кетмас, ичиди нималар борлигини билмаганидан халта унга жуда сирли бўлиб туюлар, оҳанрабодек ўзига тортар, фақат унинг ичидаги барча нарсалар Ҳайдининг гани бўйича унга тегишли эканлиги болани бир оз тинчлантириб турарди, холос. Жаноб ҳаким билан Ҳайди шошилмасдан сут ичишаётганда, Петер ҳовлиққанча халтани очиб, ичига назар ташлади. Қоқланган гўштининг катта бир бўлагига кўзи тушаркан, шодликдан бутун вужудига титроқ кирди. У чиндан ҳам гўшт эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун унга яна бир марта яхднлаб назар солди, сўнгга кўрган кишининг сўлагини оқизадиган даражада мазалик гўштни олиш учун халтага қўлини тикди. Лекин дарҳол тортиб олди. У ўзини гўё гўштни ушлаб кўришга ҳам ҳаққи йўқдек ҳис этди, чунки жаноб ҳакимнинг орқасида туриб мушт дўлайтиргани, узоқдан туриб бўлса ҳам роса «дўппослагани» ёдига тушди. Жаноб ҳаким эса Петерга ўзининг шунчалар мазалик тушлик насибасини тортиқ қилди-я! Петер қилмишинидап хижолат бўлиб кетди, чунки у шундай ажойиб гўштни олиб ейишга тўсқинлик қилаётган эдида. Бирдан у сакраб-сакраб тепага чикди, кейин яна аввалги турган жойига қайтиб тушди. Ҳакимнинг орқасига ўтиб, кафтларини, нанжаларини ёйганча, қўлларини унга чўзиб турди, бу билан гўё бояги мушт дўлайтирганлари ҳисобга ўтмаслигини, уларни қайтариб олаётганлигини тасвирламоқда эди. Петер бир муддат шу ҳолатда қотиб турди, ниҳоят: «Ҳаммаси ўринга тушди, мушт дўлайтирганларимни қайтариб олдим», — деган хулосага келгач, яна сакраб-сакраб халта ёнига келди. Энди унинг кўнглида заррача хижиллик қолмаган, халтадаги егуликлар бутунлай унга тегишли бўлган эди. Шунда у ҳаддан ташқари мазали бу таомларни зўр иштаҳа билан паққос тушира бошлади.

Бу орада жаноб ҳаким билан Ҳайди ширин суҳбат қурганча тоғларни кезиб чиқишди. Сўнгга жаноб ҳаким кетиш вақти бўлганини айтиб, Ҳайдига эчкилар ёнида

яна бир оз қолишни маслаҳат берди. Бу фикр Ҳайдига унчалик ёқмади, чунки у пода ёнида қолса, жаноб ҳаким тоғдан пастдаги қишлоққача бўлган йўлни ёлғиз босиб ўтишга мажбур бўларди. Ҳайди эса уни бобонинг уйигача ва ҳатто ундан ҳам нарироққача кўзатиб қўймоқчи эди. Улар қўл ушлашиб, қирдан эниб бориншарди...

Ҳайди йўл-йўлакай жаноб ҳакимга яна кўп нарсаларни сўзлаб берди, эчкилар мазза қилиб ўтлайдиган жойларни кўрсатди. Ёз ойлари баргисурх (чой ўрнида ишлатиладиган ўсимлик), мингбўғин ва бошқа гуллар барқ уриб очилиб ётадиган тоғ этакларидан ўтаётиб, у Али тоғларида ўсадиган барча гул ва ўсимликларини пойма-пома санаб берди, чунки бобоси қизни бутун ёз бўйи ўзи билан олиб юриб, ҳамма нарсани ўргатган эди. Ниҳоят ҳаким тўхтаб, бу ёгига ўзи кетишини, Ҳайди эса бобосининг уйига қайтиши лозимлигини айтди. Улар хайрлашгач, жаноб ҳаким пастга тушиб кета бошлади. У аҳён-аҳёнда ўгирилиб орқасига қараб қўярди. Ҳайди эса хайрлашган жойидан жилмай, уни кузатиб, қўл силкиб турарди. Жаноб ҳаким бирон иш билан уйдан чиқиб кетаётганида унинг марҳума қизи ҳам ҳар сафар худди шундай қўл силкиб кузатиб қоларди.

Мусаффо, серқуёш куз ойи эди. Ҳаким ҳар кунни тоғда тоққа чиқиб келар ва кун бўйи сайр қиларди. Кўпинча Али тоға унга ҳамроҳ бўлар, улар қадимий арчалар ўсиб ётган ва улкан қора қуш ўзига макон этган чўққиларга чиқишарди. Улар қора қушнинг уясини кўринмаган бўлишса-да, шу яқин атрофда яшашини билишар, чунки қуш тез-тез уларнинг бошларига тегайтегай, деб потирлаб учиб ўтиб қоларди. Ҳамроҳининг гаплари жаноб ҳакимга жуда хуш ёқар, у тоғанинг Али тоғларидаги қарийб барча гиёҳларни, уларнинг қандай касалликларга даво эканлигини аъло даражада билишдан ҳайратга тушарди. Али тоға бу ерда қанчалар қимматбаҳо ва яхши нарсалар борлигини, айниқса, таъсиини елим қоплаган арчалар, хушбўй игнабарг дарахтлар, эски ядизлар орасида ўсиб ётган йўсинлар, тоғ тепасида ўсадиган барча нозик майсалар ҳамда иксоп кўзи зўрға илғайдиган гуллар тўғрисида тўлқинланиб гапириб беради.

Бундан ташқари бобо тоғда яшайдиган барча катта-кичик жониворларни ҳам, уларнинг турмуш тарзини ҳам жуда яхши билар, горларда, чўққиларнинг ковак-

ларида, жарларда ҳамда арчаларнинг тепаларида яшай-
диган бу тоғ ҳайвонларининг гаройиб қилиқлари тўғри-
сида мароқ билан сўзларди. Ҳаким сайр гашти билан
овуниб, вақтининг қанчалар тез ўтиб кетганини сезмай
қолди. У ҳар кунни бобонинг қўлларини қисиб хайрла-
шаётганида шундай дерди:

— Катта раҳмат, азиз дўстим, сиз ҳар кунни мен
билмаган янги-янги нарсаларни ўргатиб бораяпсиз.

Энг сўлим ва чарогон қуиларда эса жаноб ҳаким
Ҳайди билан бирга Петернинг эчкиларига эргашиб, тоғ
тепасидаги ўтлоққа чиқарди. Улар ҳар сафар ўша би-
ринчи кунни ўтирган жойларига ўтиришар ва Ҳайди ҳа-
кимга ўша кунни айтган ашуласини такрор-такрор айтиб
берарди. Петер ҳам одатдагидек ҳакимнинг орқа томо-
нига ўтиб ўтириб олар, аммо у энди ўзини жуда мўмин
қобил тутар, сираям муштини ўгринча дўлайтирмаеди.

Шу тариқа гўзал сентябр ойи ҳам охирлаб қолди.
Бир кунни эрталаб жаноб ҳаким одатдагидан бир оз
гамгинроқ ҳолда фермага кўтарилди.

— Бугун саёҳатимнинг охирги кунини, — деди у, — эн-
ди Франкфуртга қайтишим керак, лекин сираям кетгим
келмаяпти. Али тоғлари менга жуда-жуда ёқди, бу ер-
ларни мен худди ўз она юртимдек яхши кўриб қолдим.

Бу хабар Алп тоғани жиндак хафа қилди, чуқки у
жаноб ҳаким сиймосида ўзига ажойиб бир суҳбатдон
топган эди-да, Ҳайди эса ўзининг қадрдон дўстинини ҳар
кунни кўришга ва у билан суҳбатлашишга шунчалик
ўрганиб қолган эдики, у кетиб қолиши мумкинлигини
ҳамда бу ажаб дамларнинг буткул тугагини тасавву-
рига ҳам сигдира олмасди. Қиз каланасининг учини йўқо-
тиб, ҳакимга саволмуз тикилиб қолди.

Бироқ ҳар қанча аччиқ бўлса ҳам ҳақиқат — ҳақи-
қатдир. Жаноб ҳаким бобо билан хайрлашиб, Ҳайдидан
уни бир оз кузатиб қўйишини илтимос қилди. Улар
қўл ушлашиб наstdаги қишлоқ томон эниб кетишди.
Аммо Ҳайди шунда ҳам жаноб ҳаким бутунлай кетаёт-
ганига ишонгиси келмасди. Анча юришгандан кейин
ҳаким тўхтаб, қизнинг жингалак сочларини меҳр билан
силар экан, Ҳайди бу ердан орқага қайтишини, бобоси-
нинг уйига кетиши лозимлигини тушунтирди.

— Энди мен кетишим керак, қизалоғим. Кошки сени
ўзим билан олиб кетолсам эди!

Ҳайди бир зум Франкфуртни тасаввур қилди. Қатор-
қатор уйлар, тош ётқизилган кўчалар, Роттенмайер хо-

ним ҳамда Тинетти кўз ўнгида жонланди. Сўнгра у бироз уялинқираб, деди:

— Йўқ, жаноб ҳаким, яхшиси сиз бу ерга, бизиникига келинг.

— Ҳа, шундай қилсак - яхшироқ бўлади, шекилли. Хайр, яхши қол, Хайди!

Жаноб ҳаким хайрлашиш учун қизга қўл чўзди. Хайди докторининг қўлларига қўлини қўяркан, кўзларига тикилди. Кутилмаганда ҳакимнинг меҳр тўла кўзларига ёш қалқиди. У шашт билан бурилиб, эниб кета бошладди. Хайди турган жойида тошдек қотиб қолди, бу кўз ёшлари қизчаниннг мургак қалбига қаттиқ таъсир қилди, чуңки у: «Мен Франкфуртга бормаيمان, ўзингиз бизиникига келинг», — деб ҳакимни хафа қилиб қўйдим, деб ўйлаганди. У ҳўнграб йиглаб юборди ва шитоб-ла эниб бораётган қадрдон дўстининг ортидан югураркан, йиги аралаш қичқирди:

— Жаноб ҳаким!.. Жаноб ҳаким!..

Ҳаким тўхтаб, ортига ўгирилди. Хайди югуриб кела солиб, ўзини унинг қучоғига отди. Кўз ёшлари ёноғини юваркан, ҳиқиллаб, деди:

— Жаноб ҳаким, сиз хафа бўлманг, ҳозир, шу ондасқ сиз билан Франкфуртга кетишга розиман ва уйингизда хоҳлаганингизча қоламан, фақат аввал югуриб бориб бобомга айтиб келай, хўпми?

Ҳаким ҳаяжондан титраётган қизнинг бошини силаб, овунтира бошлади:

— Йўқ, йўқ, ҳозир эмас, жон қизим, — деди у мулоимлик билан. — Ҳозир сен бу ерда, арчазор тоғлар қўйнида қолишинг керак, акс ҳолда касалинг қайталаб қолиши мумкин. Гапларимга диққат билан қулоқ сол: мен биронта дардга чалиниб, уйда ёлғиз қолиб кетадиган бўлсам, сен бизиникига келиб, менинг олдимда қоласанми? Кимдир мен ҳақимда ҳам қайғуради, мени яхши кўрадиганлар ҳам бор, деб умид қилсам бўладими?

— Ҳа, ҳа, жаноб ҳаким, мен албатта бораман, эшитган заҳотим бораман. Сизни худди бобомни яхши кўрадигандек яхши кўраман, — деди Хайди ўпкаси тўлиб.

Ҳаким яна бир бор қизчаниннг қўлини сиқиб, сўнгра зўдлик билан йўлга тушди. Хайди турган жойидан жилмай, ҳакимнинг қораси кўринмай қолгунча ортидан қўл силкиб турди. Ҳаким сўнгги бор ортига ўгирилиб, қуёш нурдарига кўмилган Алп тоғларига ва қўл силкиётган Хайдига қараркан, секингина ўз-ўзига деди:

— Ҳа, бу тоғларда ҳамма нарса ажойиб, бу ерда кишининг вужуди ҳам, руҳи ҳам соғломлашади. Бу ерга келганлар ғам-андуҳни унутиб, ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлишади.

Тўртинчи фасл

ҚИШЛОҚДА ҚИШ

Петер янайдиган уй атрофида қор шунчалар қалин эдики, гўё деразалар бевосита қор устига ўринатилгандек туюлар, деворнинг пастки қисми эса бутунлай кўмилиб кетган, эшик ҳам кўринмасди. Қир ёнбагридаги бу уйда бўлганида Алп тоға ҳам Петер ҳар кун бажарадиган юмушларини қилишига тўғри келар, чунки бу ерларда ҳар кун кечаси қор ёғиб чиқарди. Эшикни очишнинг иложи бўлмаганидан Петер ҳар кун тоғда ташқарига деразадан ошиб тушарди. Лекин совуқ кучли бўлмаганидан қор момиқдек юмшоққина эди. Петер қор ичига кўмилиб кетар, сўнгра қўллари, оёқлари, боши ва бутун гавдаси билан уриб-суриб, ўзига бир оз йўл очиб оларди. Онаси деразадан катта супурги узатар, Петер уйнинг бўсағасигача йўл очарди. Остона атрофини эса чийнидек қилиб тозалар, акс ҳолда ерда қор қолса, киши сирганиб йиқилиши ёки қор ичкарига, ошхонага кириб кетиши мумкин эди. Бундан ҳам ёмонроғи, агар остонадаги қор музласа, эшик очилмаслиги ва уй ичидагилар қамалиб қолишлари мумкин эди. Мўъжазгина деразадан эса Петердан бўлак ҳеч ким кириб чиқолмасди.

Бироқ қорнинг музлаши Петерга анча қулайлик ҳам яратарди. Агар у пастдаги, қир этагидаги қишлоққа бормоқчи бўлса, қорга ботиб кетмасди. Онаси деразадан кичик чана узатар, Петер унга ўтириб олиб хоҳлаган томопига жўнаши мумкин эди, чунки сирганиб-сирганиб бари бир пастга тушарди. Қиш ойлари бутун Алп тоғлари чана училадиган улкан майдонга айланарди. Бу йил қишда бобо сўзининг устидан чиқиб, қир тепасидаги қулбасида қишлаб қолмади. Биричи қор ёғиши биланпоқ уйини ва оғилни қулфлаб, Ҳайди ҳамда эчкиларини олиб, пастга, қир этагидаги қишлоққа кўчиб тушди. У ерда, черков ҳамда руҳонийнинг уйи яқинида бир қулба бўлиб, бир вақтлар катта бойнинг хонадонини экан. Гарчи ҳозир кўп жойлари нураб, яроқсиз ҳолга келиб қолса-да, бутун ерларида қадимий маҳобати ва

салобати яққол кўриниб турарди. Бу ерларда ўз вақтида жасур бир жангчи яшаган, дейишади. У Испания қўшинида хизмат қилиб, кўнгина қаҳрамонликлар кўрсатган ҳамда жангларда анча-мунча бойликни ўлжа олган экан. Хизматини тугатиб қишлоққа қайтгач, саройдек муҳташам шу уйни қурдириб, яшаб қолмоқчи бўлган экан. Бироқ у орузсини амалга ошира олмаган, чунки ҳаётининг кўп қисмини шовқин-суронга тўла чет ёлларда ўтказгани, ўша муҳитга ўрганиб қолгани учун бир тупканинг тагидаги бу қишлоқнинг сокинлигига сира кўнжолмаган. Бир муддат яшагач, эрикиб яна ўша иювқин-суронли жойларга кўчиб кетган, сўнгра эса қайтиб келмаган, дейишади. Орадан анча йиллар ўтгач, жангчининг вафот этганидан воқиф бўлган узоқроқ бир қариндоши нурай бошлаган бу уйни ўзига расмийлаштириб олган, бироқ таъмирлатмаган, озгина ҳақ ҳисобига камбағалларга ижарага бериб қўйган. Ўз-ўзидан маълумки, бу уйда ижарада турганлар ҳам уйни таъмирлатишни ҳаёлларига келтиришмаган.

Ушадан бери анча йиллар ўтиб кетди. Али тога ҳам илк бора ўгли Тобиас билан бирга бу ерларга кўчиб келганида, шу уйни ижарага олиб яшаган экан. Сўнгра бобо қир тепасида ўзига уй қуриб олганидан кейин қишлоқдаги бу хонадон бўш турган, чунки бу ерга келиб яшашни ҳеч ким истамаган. Тўкнлиб кетаётган уйнинг ёриқ-тешикларини суваб, яшаса бўладиган ҳолатга келтиришга ҳеч ким ҳафсала қилмаган.

Бу ерларнинг қиши ўта совуқ келиб, узоқ давом этарди. Деворнинг турли томонларидаги ёриқ-тешиклардан чироқларни ўчириб қўядиган даражадаги изғирин шамоллар киравергани сабабли камбағал ижарачилар тун бўйи қалтираб чиқишар, шунинг учун ҳеч қимнинг бу ерда яшагиси келмасди. Аммо бобо нининг кўзини биладиганлардан эди. У қишни қишлоқда ўтказишга қарор қилгач, яна шу эски уйни ижарга олди ва бутун куз бўйи қатнаб, кунора уйни кўнглига ёқадиган даражада эпақага келтирди. Октябрнинг ўрталарида эса Ҳайди билан кўчиб ўтишди.

Уйнинг орқа тарафидан келинса, очиқ бир хонага кирилар, унинг бир томондаги деворни бутунлай ва иккинчи томондагиси эса ярим нураб тушганди. Равоқли дераза кўзлари синган, атрофини қалин печакгул чирмовуққа ўшаб ўраб, шифтгача чўзилган, шифти эса гумбазсимон бўлиб, меҳробсиз ибодатхона мақсадида

қурилганнн якқол кўриниб турарди. Тўғридаги деворда эшик ўрни бўлиб, у срдан катта бир бўлмага ўтилар, унинг сатҳига терилган чиройли тошлар орасидан қилин майсалар ўсиб чиққанди. Бўлма деворларининг кўп жойлари ҳам нурай-нурай деб қолган, ўртадаги бир неча устунлар томини тутиб турмаганда, у босиб қолади, деган хавфда ҳеч ким бу ерга оёқ босмаган бўларди. Бобо бўлма деворларига тахта қоплаб, ерга сомон сочиб ташлаган бўлиб, эчкилар учун ўзига хос оғилхонага айлантирганди.

Бўлмадан йўлак бўйлаб барча хоналарга кириш мумкин, уларнинг деворлари ҳам ёрилиб-тешилиб ётгани учун баъзиларидан заигори осмон, бошқаларидан эса ташқаридаги ўтлоқ ва ёлғизоёқ йўллар кўриниб турарди. Йўлакдан кенг бир хонага ҳам кирилар, хонанинг ўзи ва эман ёғочидан ясалган, катта ошиқ-мошиқларга илинган залворли эшиги жуда яхши сақланган эди. Деворларга тахта қопланган, бир бурчакда қарийб шифтгача етадиган улкан ўчоқ кўринади. Унинг сиртига оппоқ кошинлар терилиб, зангор бўёқда суратлар чизилган. Бир суратда баланд дарахтлар қуршовидаги қадимги миноралар ҳамда тозиларини етаклаб кетаётган овчи тасвирланган. Бошқасида улкан эманлар соясидаги мовий кўл акс этган бўлиб, соҳилда кимдир баллиқ овлаб ўтирибди. Ўчоқ атрофига ўрнатилган айлана шаклидаги ўриндиқдан унинг барча томонларидаги суратларни томоша қилса бўлади. Бу ер Ҳайдига жуда ёқиб қолди. У бобоси билан бу хонага кирган заҳоти ўчоқ ёнига югуриб бориб, ўриндиққа ўтирди ва суратларни кўздан кечириб бошлади. Ўриндиқда суриласурила ўчоқнинг орқа томонига ўтгач, бир парса этиборини жалб этди. Бу ерда деворга тақаб тахтадан ясалган охурга ўхшаш парса ўрнатилган, кўп жойларда уларда олма сақлашади. Аммо бу ерда олма эмас, Ҳайнинг тўшаги кўринади, бобонинг қир тепасидаги кулбасида ҳам Ҳайдининг тўшаги шу хилда эди. Бу чуқур беланчак пичан билан тўлдирилган ва устидан чойшаб ташланган, унинг устида эса Ҳайдининг қопкўрпаси тахлаб қўйилганди. Ҳайди шодликдан қийқириб юборди:

— О, раҳмат, бобожон, демак энди бу ер менинг хонам экан-да! Сиз-чи, сиз қаерда ётасиз?

— Совқотиб қолмаслигинг учун тўшагинг ўчоққа яқинроқ бўлиши керак, — деди бобоси. — Энди бу ёққа юр, менинг хонамни ҳам кўриб қўй.

У хонанинг нариги дворидаги кичикроқ эшикни
 чяб, қўшни хонага ўтди, ортдан Ҳайди ҳам чопқиллаб
 ирди. Бобонинг ётоқхонасида ҳам иккита эшик бор
 қан. Ҳайди кейинги эшикни очиб ҳайрон бўлиб қолди,
 унги бунақа катта ошхонаи умрида кўрмаган эди.
 обо уйни таъмирлашга анча тер тўкканни сезилиб ту-
 ар, аммо ҳали яна анча-мунча иш қилиниши лозим
 ди. Тахта қопламанинг у ер-бу ерида қолган ёриқ-
 эшиклардан нзиллаб совуқ шамол кириб турарди.
 шхонанинг ташқаридан кириладиган эски улкан эши-
 нини ҳам бобо михлаб, тузатиб қўйгани учун яхши очи-
 иб ёпиларди. Кўча томон кўп йиллар қаровсиз ётгани
 нун чангалзор бўлиб кетган, баҳор ва ёз ойлари турли
 ил қўнғизлар ва калтакесакларга макон эди. Янги
 онадон Ҳайдига анча ёқди. Эртаси куни Пестер улар-
 ан хабар олишга келганда, Ҳайди унга уйнинг барча
 оналарини бирма-бир кўрсатиб чиқди, чунки барча
 урчакларни кўздан кечириб улгурган эди. Пестерни
 ам яхшилаб таништирмагунча, қўлидан етаклаб ҳол-
 хонига қўймади.

Ҳайди кечаси ўчоқ ёнида мазза қилиб ухлади, аммо
 онг пайти уйғониб, ўзини тоғдаги кулбада ётгандек ҳис
 илмади. Қулоғига арчаларнинг шовуллаши эшитилмаган
 учунмикин, ўрнидан ирғиб туриб эшикни очмоқчи,
 рчалар ёнига югурмоқчи бўлди. Бир оздан кейин эса
 рчалар қир тепасида экани, қалин қор остида шохлари
 гилиб тургани учун бари бир шовуллай олмаслиги
 нга тушди. Анча пайтгача ҳар кунни тонгда шу ҳол
 авом этди. Қир тепасидаги фермада эмаслиги, арча
 шовулламаётгани, кўнглига яқин бўлиб қолган ҳолат-
 арнинг ногаҳонда ўзгариб қолгани Ҳайдининг мургак
 албини оғир тош каби эза бошлади. Бобосининг оғилда
 Ивэнли ва Бэрлига айтган гаплари ҳамда эчкиларнинг:
 Қайдасан, Ҳайди, тезроқ келақол!» — дегандек чўзиб-
 ўзиб маърашларини эшитганда, Ҳайди яна ўзини
 адрдонлари огушида ҳис этар ва иложи борица тезроқ
 рнидан туриб оғилга чопарди. Кўчиб келганларининг
 ўртинчи куни эса қиз қатъий бир алфозда деди:

— Бугун тепага, бувимнинг ёнига боришим керак, у
 ишни узоқ вақт ёлғиз қолиши мумкин эмас.

Бобоси кўнмади.

— Бугун ҳам, эртага ҳам боролмайсан, — деди у. —

¹ Саржин - уч газ ёки тахминан 2,134 метр.

Тогларга бир саржини' қалинликда қор тушган, ҳа
ҳам тингани йўқ. Бунақа кунларда ҳатто бақуввал
терининг ҳам юрини амри маҳол. Сенга ўхшаганми
қизчалар эса ташқарига чиққани заҳоти қорга қумил
қолади, кейин умуман топиб бўлмайди. Озгина сабр
либ тур, қорнинг усти музласин, кейин хоҳлагўйини
сайр қилишинг, бувининг кўриб келишининг мумкин.

Аввалига кутини Ҳайдига бир оз оғир ботди, кей
эса ишлари шунчалар кўпайиб кетдики, кунлар б
бирини қувалаб ўтишини сезмайдиган бўлиб қолди.
Ҳар кунни эрталаб ва тушдан кейин Ҳайди қишлоқда
мактабга қатнар, тиришқоқлик билан ўқирди. Петер
мактабда жуда кам кўрар, чунки у кўпинча ўқини
келмасди. Муаллим эса жуда мулоим киши бўл
ди, донишмуду шундай дерди:

— Менимча, Петер бугун ҳам келолмаган кўрини
ўқини унга жуда ёқадими, аммо қирларда қор жуда
лишлигидан ўтолмади-ёв.

Баъзан эса кечқурунлари дарс тугаганида, Пет
Ҳайдини кўриб кетини учун мактабга келиб қолар.
Бир неча кундан кейин булутлар тарқаб, осмон ёр
Оппоқ қор кўрпаси остидаги далалар қуёшнинг зарр
нурларидан нуқрадек товланади. Бироқ ёз ойлари
теннадан туриб ям-яшил майсаларга бурканган, айв
гуллар барқ уриб очилиб ётган далалар, қир-адирлар
тўймай термулиш, қор қўйидаги чексиз кенгликлар
нигоҳ ташлашга қараганда минг чандон ҳузурли ше
ди, қуёш зеррикканидан тез орада тоғлар ортига яши
ниб олди. Оқшом тушиб, осмонда баркашдек ой кўр
ди. У узун тун бўйи қор босган далалар устига ўзини
совуқ нурларини сочиб чиқди. Эртасига эрталаб эса А
тоғлари, наст-баланд қир-адирлар бошдан-оёқ бил
сингари жимирлаб, ярақлаб турарди.

Уша кунни тонгда Петер ҳар кунги одати бўйи
деразадан настга момик қор устига сакради-ю; ам
аҳвол у кутганчалик бўлмади. У қалин қор ичига қўм
либ кетини ўрнига қарс этиб музга урилди ва эгас
чана сингари анча жойгача сирланиб кетди. Ҳайр
бўлганча ўридан тураркан; тушимми, ўнгимми, .
музини тешиб-тешиб кўрди. Қанчалик тепкилмасин, бир
та кичик бўлакни-да, кўчириб чиқаролмади. Бутун А
тоғлари, қир-адирлар устини қоплаб ётган қор марм
тошдек қотиб, музлаб қолганди. Демак, айнан Пете
рининг қўнғилидаги иш бўлибди, чунки Ҳайди бу ер

уйининг ҳузурига келиш учун қорнинг музлашини кўп-
дан бери кутиб юрганди. Петер зудлик билан дераза-
дан уйга қайтиб кирди, онаси устол устига қўйган бир
эса сутни аниқ-тапиқ ичди, бир бўлак нонни чўнтагига
ларқани.

— Ойи, мен мактабга боришим керак, — деди.

— Майли ўғлим, борақол, аммо эҳтиёт бўлгин. Ях-
ни ўқиб келгин, — деди онаси унинг фикрини маъқула-
б.

Петер яна деразадан ташқарига чиқди, чунки уйининг
ниги музлаб очилмайдиган бўлиб қолганди. Кичкина
насини сошлаб ўтирди-ю, настанққа қараб гизилла-
нча сираниб кетди. Чана яшиндек учиб бораркан,
Петер қишлоқча ёнидан ўтаётганда ҳам, ундан кейин,
илгина қуйроқдаги Майенфэлд даласи бўйлаб сирпа-
иб бораётганда ҳам чанани тўхтатмади, чунки: «Тўхтат-
им бирор ерим лат ейди, чанам ҳам синиб кетади», —
деб қўрқарди. Шундай қилиб, у энг пастликда, чанани
ртмаса ўзи сирпанмайдиган даражада текис майдон-
га келиб тўхтади. Тушиб у ёқ-бу ёққа алаңглаб қаради.
Чанадан пастга интилувчи куч уни Майенфелд даласи-
ни ҳам анча нарига суриб кетган эди. «Энди бари бир
мактабга кеч қолдим», — деб ўйлади Петер, чунки дарс-
лар аллақачон бошланиб кетган, у эса тепага, қишлоқ-
дан мактабга етиб бориши учун салкам бир соат юри-
ш керак эди. Чанасини судраб, зўрға қишлоққа етиб
илганда, аллақачон катта танаффус бўлган. Ҳайди
мактабдан қайтиб, бобоси билан тушлик қилаётган
эди. Петер ичкарига кирган заҳоти тилининг учидан
рега гапларини айтиб, кўнглини бўшатиб олмоқчи
эди.

— Бутунлай қотириб ташлабди, — деди Петер ва
насининг ўртасида жим туриб қолди.

— Ким кимни қотириб ташлабди, генерал? — дея
ради бобо. — Гапларининг худди жангариларининг гап-
ларига ўхшайди-я, сираям тушуниб бўлмайди.

— Қор, қор, — тушунтирди Петер сал дудуқланиб,
яна билан ташқарига имо-ишора қиларкан.

— О, қандай яхши-я, энди бемалол бувимнинг олди-
боришим мумкин, — деди Ҳайди шолланиб, чунки
Петернинг ўз фикрини ифода қилиш усулини аллақа-
ча ўрлаштириб олган, узук-юлук сўзларида айтмоқчи
эди гапини дарҳол англаб оларди.

— Петер, нега бугун мактабга келмадинг? — деб сў-

ради Ҳайди. — Қор музлаган бўлса, бемалол чана ўтириб, сирпаниб келаверардинг.

Мактабга келиш ўрнига кўчаларда сандирак юриш мумкинлигини Ҳайди тасаввур ҳам қилол буни жуда катта интизомсизлик, деб биларди.

— Чанада сирпаниб анча пастга тушиб кетдим, тиб қишлоққа чиққунимча туш йайти бўлиб қолди-де дея жавоб қилди Петер.

— Буни қочоқлик дейдилар, — тушунтирди боб Қочоқларни эса қулоқ-чаққасига яхшилаб шап тушириш керак, эшитаяпсанми?

Петер қўрқиб кетганидан бсихтиёр қўлидаги кийимини гижимлай бошлади, чунки у дунёда ҳеч кимни Алп тоғани ҳурмат қилганчалик ҳурмат қилмасди.

— Сенга ўхшаган бир бошлиқнинг ўзи қочоқ қилса, икки баробар уят эмасми? — дея гапнида дедди Алп тоға. — Қани, танангга мундоқ бир ўйлаб сеи эчкиларингни серўт далаларга бошламоқчи санг-у, уларнинг бири у ёққа, бошқаси бошқа ёққа чиб кетаверса, яхши бўладими? Айт-чи, у ҳолда нима қилган бўлардинг?

— Уларни хивич билан савалайман, — деди П билагонлик билан.

— Хўш, биронта бола худди ўша гапга кирмайд эчкилар сингари қочоқлик қилиб, бу қилмиши учун золанса, сен нима деган бўлардинг!

— Нима ҳам деган бўлардим, қилмиш-қидирмиш жазосини олибди, дейман.

— Ҳа, шунақа дегин, жаноб эчкилар сардори. У бўлса қулогингга қўйиб ол. Агар яна бир марта маңга бориш ўрнига чанада сирпаниб, мактабнинг ён ўтиб кетганингни эшитсам бўлди, кейин тўғри ме олдимга келиб, қилмишингга яраша ҳаққингни кетаверасан.

Петер ниҳоят Алп тоға айтган гапларнинг умум мазмунига тушуниб етди. Демак, ганга кирмайд эчкига ўхшаш бола, деганда бобо Петерни назарда ган экан-да. Бола бу ташбеҳдан жуда уялиб ва қўрқуларини хопанинг кунжагига тикканча серрайиб раверди. Бироқ Алп тоға унга далда бериб, деди:

— Бўпти, қовоқ-тумшугингни осилтираверма, ўтир, биз билан овқатланиб ол, сўнгра Ҳайдини куз кетасан. Кечқурун ўзинг келтириб қўясан, шомда биргалашиб еймиз.

Бобонинг авзойи ўзгарганидан Петер ниҳоятда қувониб кетди, юзлари ёришиб, оғзининг таноби қочди. Таклифга бажонидил рози бўлиб, Ҳайдининг ёнига ўтирди. Қизнинг томоғидаги овқат ўтмас, бувисининг ёнига бориш имкони туғилганидан ўзида йўқ бахтиёр эди. У ўзининг ликопчасидаги катта бир картошка ва қовурилган пишлоқ бўлагини бир амаллаб Петернинг ликопчасига солиб қўйди, чунки Алп тоға ҳам Петерга илдинини тўлдириб овқат солиб берган эди-да. Петер эса овқатдан ўзини тортадиганлар сирасидан эмас. Ҳайди югуриб бориб, кийим жавонидан Клара совға қилиб бериб юборган палточасини олиб кийди. Қайтарма қалпоғини бошига тортиб, бўйнидаги богичини боғларкан, саёҳатга шай бўлиб, Петернинг ёнига ўтирди. Бола ликопчадаги сўнги луқмани оғзига солганда, Ҳайди уни туртиб, деди:

— Бўлақол энди, кетдик!

Улар йўлга тушинди. Ҳайди йўл-йўлакай Петерга Швэили ва Бэрли тўғрисида, уларнинг инги оғилда биринчи кун ҳеч нарса ейини хоҳлашмагани, кун бўйи бошларини қуйи солиб, бироқ марта маърашмаганини сўзлаб берди.

Бобомдан эчкилар нега бундай қилишаяпти, деб сўрасам, у киши: эчкилар биринчи марта тоғдан пастга тушини эмасми, янги жойга кўника олишмаяпти, сен ҳам Франкфуртда биринчи кун шунақа қилгандинг, дедилар.

— Сен ҳам бунинг қандай бўлишини билгапингда яхши бўларди, Петер, — деб қўшиб қўйди Ҳайди.

Буви яшайдиган уй пастдаги қишлоқ билан Алп тоғанинг қир тепасидаги кулбаси ўртасида эди. Болалар уйга етгунга қадар Петер чурқ этиб оғиз очмади. Чуқур ҳаёллар билан банд бўлиб, Ҳайдининг гапларини ҳам эшитмайди, чоғи. Бироқ улар уй эшигига яқинлашганда, Петер бир зум тўхтаб, оҳиста деди:

— Алп тоғанинг олдига бориб таъзимимни егунча, ҳар кун мактабга қатнаганим яхшироқ, шекилли.

Ҳайди ҳам шу фикрда эди, шунинг учун унинг гапларини маъқуллаб, далда берди. Ичкарида онаси ёлғиз ўзи бичиб-тикиб ўтирган экан.

— Бувинг кун бўйи тўшакда ўралиб ётиши керак, аёс ҳолда мазаси қочиб қолади, чунки ҳаво жуда совуқ, — деди у.

Бу гап Ҳайдига қандайдир нохуш янгилик бўлиб

туюлди, чунки одатда бувиси кундузлари уйининг бир бурчида урчуқ йигириб ўтирарди-да. Ҳайди югуриб ётоқхонага кирди. Бувиси кулранг жун рўмолга ўраниб олганча ўзининг энсизгина катида ётар, устига юпқа кўрпа ташлаб олганди.

— Ўзингга минг қатла шукур, Худойим, — деди ўй-ноқлаб, сакраб келаётган Ҳайдининг қадам товушларини эшитган бувиси.

Куз бўйи унинг юрагини аллақандай гамлик кемирган, Ҳайди келмай қолганда ёки кечикканда ҳар доим юрагини ҳовучлаб ўтирарди. Бир кун Пётёр унга Франкфуртдан бир жаноб келганини, ҳар кун улар билан ўтлоққа чиқаётганини, кун бўйи Ҳайди билан гаплашиб ўтиришини айтган эди. Шунда бечора каминир бу жаноб Ҳайдини олиб кетиш учун келган бўлса керак, деб ўйлаганди. Уша жаноб Франкфуртга ёлғиз ўзи қайтиб кетганини эшитганда ҳам бувининг кўнглини қуюқ тумандек чулғаб ётган шубҳалар тарқалмади, чунки: «Уша жаноб Ҳайдини олиб кетиш учун бари бир киминдир жўнатса керак», — деб ўйларди. Ҳайди тўшак ёнига бориб, ташвишли оҳангда сўради:

— Қаттиқ касал бўлиб қолдингизми, бувижон?

— Йўқ, йўқ, қизим, соппа-согман, — тинчлантирди уни бувиси, меҳр билан сочларини, елкаларини сийпа-лар экан, — фақат бу изғирин совуқ суяк-суягимдан ўтиб борапти-да.

— Кунлар исиб кетгач, дарҳол тузалиб қолаёсизми? — сўради Ҳайди.

— Ҳа, ҳа, албатта, Худо хоҳласа, тез орада тузалиб кетаман. Эҳтимол, сен айтганингдан эртaroқ оёққа туриб, яна урчуқ йигира бошларман. Бугун ҳам бир оз ишланга ҳаракат қилдим, аммо қувватим етмади, натижада исиб қилса, эртага ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади, — деди буви ишонарли қилиб. Ҳа, у Ҳайдининг кўрқиб кетганини сезиб турарди. Бу гаплар Ҳайдини анча тинчлантирди, чунки қиз бувисининг касал бўлиб тўшакда ётганини сираям кўрмаганди-да. У бувисига бир оз ажабланиб, тикилиб турди, сўнгра сўради:

— Франкфуртда аёллар кўчага сайрга чиқишаётганда елкаларига рўмол ташлаб олишади. Нима, сиз тўшакда ётганда рўмол ўраш керак, деб ўйлайсизми?

— Вой қизгинам-эй, мен рўмолимни кўз-кўз қилиш учун эмас, совқотганлигимдан ўраб олганман. Рўмолга

ўраниб ётсам анча ором оламан, чунки кўриб турибсан, кўрнам жуда юнқа, совуқ ўтиб кетаяпти.

— Бувижон, ёстигингиз нега бундай паст, бу аҳволда қандай ухлайсиз?

— Биладан, болам, биладан, бунин ўзим ҳам аллақачон сезганман, — деди бувиси, боши тагидаги юнқа ёстиқнинг сал қалинроқ жойини топишга ҳаракат қилиб, — аслида у янгилик пайтида ҳам қалин эмасди. Энди эса кўн йиллардан бери тутилаётганлиги учун янада юнқалашиб кетган-да, қизим.

— Қанийди, Франкфуртда Кларадан «тўшагимни ҳам олиб кетай», — деб илтимос қилган бўлсайдим, — деди афсусланиб Ҳайди. — Биласизми, менга у ерда учта катта, қалин ёстиқ беришганди, мен эса бошим баланд бўлса яхши ухлаёлмайман. Шунинг учун кечалари ёстиқдан сирғалиб тушиб, кўрпачанинг устида ухлардим, тонг пайти ўйғониб, яна ёстиқларга бош қўйиб олардим, чунки у ерда шунақа ётиш одат экан-да. Сиз ҳам шунақа ҳолда ухлай оласизми, бувижон?

— Ҳа, албатта, бунақа ухлаш соғлиққа жуда фойдали, кўрпаси юнқа бўлса ҳам киши совқотмайди. Бундан ташқари бош тагига қалин ёстиқ қўйилса, киши енгил нафас олади, — деди бувиси ёстиғини баландроқ қилиш учун икки буклар экан. — Кел, ҳозир бу тўғрида гапириб, тақдирдан шикоят қилиб ўтирмайлик. Мен доим Худога шукроналар айтаман, чунки У кўплаб беморлар ва ишга яроқсиз бўлиб қолган қариялар етишолмай, орзу қилиб юрган нарсаларни бизга муҳайё қилиб қўйибди. Худога шукр, ош-ноним старли, мана бу чиройли, иссиқ жун рўмолини ҳам Ўзи стказди, ҳа, ҳа, Худо Кларахонининг кўнглига солган-да, бу рўмолини бувингга бериб юбор, деб. Бундан ташқари, мана сен келиб ҳолимдан хабар олиб турибсан. Айтгандай, бугун менга бирон нарса ўқиб берасанми?

Ҳайди югурғилаб қўшни хонадан қўшиқлар тўпламини олиб келди ҳамда уни варақлаб, яхшироғини ахтара бошлади. Қадимги диний қўшиқлар бир-биридан яхши бўлгани учун, қайсининини танлашга ҳам қийналиб, бир бошдан ўқий бошлади. Ҳайди уларни кўндан бери мутолаа қилмагани учунми, ич-ичидан қувониб ўқир, бувисига ўқиб бериш баҳонасида ўзи ҳам мириқиб завқ олиш имкони туғилганидан ниҳоятда хурсанд эди. Бувиси қўлларини кўксига қўйганча, жимгина тинглар, шу пайтгача ташвишли кўринган чехрасига ёқимли бир

табассум югурган, бамисоли улкан бахтга мушарраф бўлгандек ҳис этарди ўзини.

Ҳайди бир лаҳза жимиб қолди, кейин сўради:

— Бувижон, энди тузалиб қолдингизми?

— Ўқиб берган қўшиқларинг менга жуда ёқди, қизим, раҳмат, гўё руҳим ором олгандек бўлди. Нега жини қолдинг, ўқиб бўлдингми?

Ҳайди қўшиқнинг сўнгги мисраларини ўқиди:

Қўллар хираланиб, кетганди мадор,
Руҳимни эритган, бағишла йимон.
Сен томон интилай, шодон, беихтиёр,
Юртига қозланган йўловчисимон.

Буви бу мисраларни бир неча бор ёддан такрорлади чехраси бахтиёрликдан, қўшиқларда олган ҳузур-ҳаловатдан ёришиб кетди. Ҳайди ҳам бундан жуда роҳатланди. Бугун бувисиникига келаётгандаги ҳолати, хурсандчиликдан қадамларининг шахдамлашгани, тспаликка эмас, гўё қияликдан энаётгандагидек снгиллик билан учиб келгани ёдига тушди ва шодликдан қийқириб юборди:

Бувижон, ватанига қайтаётган кишининг ҳолатини, қанчалар хурсанд бўлишини мен ҳам биламан!

Бувиси жавоб қилмади, Ҳайди болалигига бориб қўшиқни айнан тушунганини, қўшиқдаги қаҳрамоннинг ҳолатини ўзининг бу ерга келаётгандаги ҳолатига таққослаб хурсанд бўлаётганини англаб, ичида кулиб қўлди, бу унинг чехрасида ҳам акс этди.

Ҳайди деразадан ташқарига нигоҳ ташлаб, деди:

— Қоронгу тушиб қолаяпти, бувижон, энди мен уйга қайтишим керак. Қўшиқлар сизга ёққанидан, баҳридалингиз очилганидан хурсандман.

Бувиси Ҳайдининг қўлларидан тутиб деди:

— Мен ҳам хурсандман, болам, гарчи ҳали тўшадан туролмасам-да, бари бир димоғим чоғ бўлди. Кўра янсанми, қизим, киши узоқ вақт тўшакка миҳланган қолса, кўнглини очиб гаплашадиган биронта киши топилмаса, бунинг устига ҳеч нарсани, ҳатто қуёш нурларини ҳам кўрмайдиган ҳолга тушса, қийин бўларкан. Бунинг қапчалар оғир эканлигини фақат бошидан ўтказганлар билади. Шундай ҳолларда кишини зилде оғир хаёллар эза бошлайди, гўё энди ҳеч қачон топиб отмайдигандек, ҳаёт билан видолашиш вақти етгандек туюлади. Аммо бугун сен менга ўқиб берган қўшиқлар

ни кимки эшитса, кўнгли ёришиб кетди, дунёда шодлик, қувонч деган нарсалар ҳам борлигига иймон келтиради.

Бувн Ҳайдининг қўлларини қўйворди. Қиз унга яна бир бор хайрли кеч тилаб, Петер кутиб ўтирган иккинчи хонага ўтди. Аллақочон қош қорайиб қолганига қарамасдан ташқари кундузгидек ёруғ, осмонда тўлини ой чарақлаб турар, чор атрофини қоплаган охиноқ қор ойнинг кумуш нурларида жимирларди. Петер дарҳол чанасига ўтириб, орқасига Ҳайдини мингаштириб олди. Улар Алп тоғларидан настга, қир этагидаги қишлоққа қараб бамисоли қушлардек учиб кетишди. Кўн ўтмай Ҳайди ўзининг ўчоқ орқасидаги юмшоқ, иссиқ тўшагига кираркан, бувисининг эски ва юпқа ёстиққа бош қўйиб, қийналиб ётганини кўз олдига келтирди. Унинг гаплари ёдига тушди. «Қушиқларни эшитсам кўнглим ёрнишиб, баҳридилм очилади» деганларни ўйлаб, чуқур хаёлга ботди, демак, бувисининг кўнглини кўтариш учун кимдир ҳар кунни ўша қўшиқларни ўқиб бериб турса қандай бўларкан? Афсуски, Ҳайди бувисининг олдига ҳар кунни боролмайди, энди фақат бир-икки ҳафтадан кейингина бориши мумкин, холос. Бувиси ўша қўшиқларни ўқий олмайди, чунки кўзи ўтмай қолган. Нима қилса бўларкин-а? Бирдан қизнинг миясига ярқ этиб бир фикр келди, буидан у шунчалар хурсанд бўлиб кетдики, шартта ўрнидан туриб, хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юрар экан, режасини қандай амалга ошириш йўлларини ахтара бошлади. Ниҳоят у бир қарорга келди шекилли, тўшақка ўтириб тунги ибодатга киришди. Хаёллари билан банд бўлиб, ибодат қилишини унутаёзибди, бу ахир катта гуноҳ-ку! У чин юракдан берилиб ибодат қилиб, Худодан ўзига, бобо ва бувисига тан-сиҳатлик ва бахт-саодат тилаб, қуритилган юмшоқ пичан солинган, турли хушбўй гиёҳларнинг ҳиди анқиб турган тўшагига ётиб, тоғ отгунча мириқиб ухлади.

Бешинчи фасл

ҚИШ ЧУЗИЛИБ КЕТДИ

Эртасига Петер мактабга ўз вақтида етиб келди. Тушлик овқатни ҳам халтасига солиб келганди. Пешин пайтида қишлоқ болалари уй-уйларига кетишар, мактабдан анча узоқда яшайдиганлар эса синфнинг ўзида

уйда келтирган овқатларини еб, тамадди қилиб олишарди. Улар соат биргача бемалол тушлик қилиб улгуришар, кейин эса яна дарслар бошланарди. Сабоқ ниҳоясига етгач, Али тога ва Ҳайдини бирров кўриб ўтарди. Бир кунин уин Ҳайди қарши олиб, деди:

— Петер, мен бир нарсани ўйлаб қўйдим.

— Айта қол! — деди у қисқа қилиб.

— Энди сен ўқишни ўрганиб олишинг керак.

— Урганипман-ку, — жавоб қилди Петер.

— Йўқ, йўқ, сен сал бошқачароқ ўрганишинг керак, — деди Ҳайди шошилиб, — яъни ўрганиб олганларингни амалда ишлата билишинг ҳам керак.

— Йўқ, қўлимдан келмайди, — деди чўрт кесиб Петер.

— Бу гапингга ҳеч ким ишонмайди, мен ҳам ишона олмайман, — деди Ҳайди қатъий қилиб. — Франкфуртдаги буви ҳам буниинг ғирт ёлғон эканлигини билади. У киши менга: «Петернинг бунақа гапларига ишонмагин», — деб тайинлаганлар.

Петер бу хабардан ҳайрон бўлиб қолди. Франкфуртдаги буви Ҳайдига нега бундай деди экан-а?

— Сенга ўқишни мен ўзим ўргатаман, ўргатиш йўлларини ҳам аллақачон ўйлаб қўйганман, — деди Ҳайди. — Сен ўқишни ўрганиб олишинг керак, сўнгра ҳар кунин кечқурун бувимга биттадан қўшиқ ўқиб берасан.

— Йўқ, тўғри келмайди, мен қўшиқ ўқийёлмайман, — ғўлдиради Петер.

Петернинг қатъий қилиб айтган бу гаплари Ҳайдининг юрагига наштардек санчилиб, жаҳлнинг чиқарди. У кўзлари чақнаб, болага яқин келди ва таҳдид қилди:

— Уқишни ўрганишни истамасанг, нималар бўлишини мен ҳозир тушунтириб бераман. Онанг сени Франкфуртга ўқишга жўнатиш лозимлигини икки марта айтгандилар. У ердаги мактаб қаерда жойлашганлигини жуда яхши биламан. Бу ёққа жўнашимдан аввал Клара менга ниҳоятга катта бир бинони кўрсатган эди. Аммо болалар у ерга фақат болалигида эмас, катта киши бўлганларида ҳам қатнашга мажбур этиларкан. Эҳтимол, яхши ўқимаганлари учун бўлса керак. У ерга жуда кўп болалар ва катта кишилар кириб чиқишганини ўз кўзим билан кўрганман. Уша бинода бизнинг мактабдагига ўхшаб биттагина хушфёел, олижаноб муаллим дарс беради, деб ўйласанг қаттиқ янглишасан. Муаллимлар жуда кўп, барчаси худди черковга боришаёт-

гандек қора либос кийган, бошларида мана бундай катта қора шляпа... — деди Ҳайди қўллари билан ердан ўлчаганда, ўзининг бошидан ҳам баландроқ нуқтани кўрсатаркан.

Кўрқиб кетганидан Петернинг вужудига титроқ кирди. Буни пайқаган Ҳайди темирни қизигида боснишга ошиқди:

— Сени ўша эркаклар орасига олиб бориб қўйишадди. Айт-чи, жавоб бериш навбати сенга келганда нима қиласан? Сен ахир ҳали ўқишни билмайсан-ку, ҳатто алифбодаги ҳарфларин ҳам охиригача ёдлаб олмагасан, хато устига хато қиласан. Шуида ўша жаноблар сени масхара қилиб, устингдан кулишади. Тинетте кишиларни қандай масхаралашини ўзинг биласан, у жаноблар эса Тинеттедан минг баробар қаттиқроқ масхара қилишади.

Петер Тинеттеннинг кишиларни масхаралаб, ҳолжонига қўймаслигини яхши билар, шунинг учун ундан минг баробар қаттиқроқ масхара қиладиган жанобларни кўз олдига келтириб, даг-даг қалтирай бошлади.

— Уидан яхшиси ўқишни ўрганиб олганим маъқулроқ, — деди у ярим ўқинч, ярим илтижо аралаш.

Бу гапни эшитган Ҳайди бир зумда мулойимлашиб қолди.

— Ҳа, мана буниси дуруст, — деди чехраси очилиб, — демак, ҳозирнинг ўзидаёқ бошлаб юборамиз.

У Петерни устол ёнига ўтқизиб, дарҳол керакли китоб-дафтарларни олиб келди. Клара бериб юборган тугун ичида битта Алифбо ҳам бўлиб, унда ҳар бир ҳарфга икки қатор-икки қатордан шеър битилганди. Китоб Ҳайдига жуда ёқиб қолган ва ҳар оқшом уйқуга ётишдан аввал уни варақлаб чиқиб: «Петерга ўқишни ўргатаётганимда шундан фойдалансам яхши бўларкан», — деган қарорга келганди. Улар устол атрофига жойлашиб, ўқиш қулай бўлиши учун Алифбони ўртага қўйиб олишди. Энди бемалол дарсни бошлаш мумкин эди. Ҳайди Петерга дастлабки икки қаторни уч-тўрт марта ҳарфма-ҳарф ўқиб чиқишни буюрди, чунки у ҳали ҳижжалаб ўқиёлмас, қиз эса ҳар бир ишни маромига етказиб адо этишни яхши кўрарди. Петер ҳамма ҳарфларни ўқиб тугатгач, Ҳайди деди:

— Шеърни ўқиб чиқдинг, лекин бари бир ҳеч насага тушунмадинг. Кел, яхшиси, сенга ҳижжалаб ўқишни ўргатай. Ҳарфлардан бўғинлар, бўғинлардан эса

сўзлар ҳосил бўлишини ва уларнинг маъносини тушуни-санг, ўқишни тезроқ ўрганиб оласан.

Қиз шундай деб Алифбога бағишланган биринчи шеърни ҳижжалаб ўқиб берди:

А-лиф-бо-ни ў-қий ол-ма-ган киши
Мак-таб-нинг ҳук-ми-га ту-ша-ди и-ши.

— Йўқ, бормайман, бормайман, — деди Петер эсан-кираб.

— Сенга нима бўлди, қаерга бормайсан? — дея сў-ради Ҳайди ажабланиб.

— Мактабнинг ҳукмига, — жавоб қилди Петер.

— Ҳарфларни қўшиб, ҳижжааб ўқишни ўрганиб ол-санг, албатта бормайсан, — тинчлантирди уни Ҳайди.

Петер бу ҳарфларни йигирма-ўттиз марта такрорла-гач, қизнинг кўнгли жойига тушди:

— Мана, ниҳоят, бу ҳарфларни ўрганиб олдинг.

Мақолга ўхшаган бу ҳикматли сўзлар Петерга қан-дай таъсир қилганини кўрган Ҳайди кейинги дарсларга ҳам озгина тайёргарлик кўриб қўймоқчи бўлди.

— Шошмай тур, сенга бошқа ҳикматли сўзларни ҳам ўқиб берай, шунда ўқишни билмайдиганларнинг ҳоли қандай бўлишини биласан-қўясан. Шундай деб, у шеърларни аниқ ва тушунарли қилиб ўқий бошлади:

«Ўқигин Д, Э ни, Ф, Г ни равон,
Акс ҳолда бахтсизлик юз берар шу он».

«Ҳ, Н билан К ни қўйсанг унутиб,
Бахтсизлик турибди қўлингдан тутиб»

«Л, М ни тутилиб ўқисанг агар,
Жарималар тўлиб, юзинг қизарар».

«Н, О ва П, Қ ни ўргансанг аъло,
Қолмас сен билмаган нарсалар асло»

«Тўхтаб қолсанг С, Т ва Р да шу тоб,
Бир оғриқ жонингга беради азоб».

Ҳайди ўқишдан тўхтаб Петерга разм солди. Бола пафасини ичига ютиб жим ўтирар, шеърларда тасвир-ланган таҳдид-пўнисалар унга шу қадар қаттиқ таъсир этганди-ки, вужуди тош қотиб, кўзларини бақрайтир-ганча, Ҳайдининг оғзига тикилиб қолганди.

У эса жуда раҳмдил қиз бўлгани учун Петернинг ҳо-лига эчиниб, юпата бошлади:

— Сен бунчалар қўрқма, ҳар кун мактабдан қайт-
гач, олдимга кел, тез ва равон ўқишни ўргатаман.
Бугунинга ўхшаб дарс қилсак, барча ҳарфларни тезда
ёдлаб оласан. Бироқ мактабга қатнаганингдек бир кун
келиб, бир кун келмай юрсанг, ҳеч нарсани ўргана ол-
майсан. У ҳолда сени Франкфуртдаги мактабга жўна-
тишдан бўлак йўл қолмайди. Демак, ҳар кун кела-
сан-а? Қалин қор ёққан кунлари келмаслигининг мумкин,
чунки бунга сен айбдор эмассан.

Петер: «Худди сен айтганингдек қиламан», — деб
Ҳайдига сўз берди, чунки шеърлар қолдирган қўрқинч-
ли таассурот уни жуда юввош ҳамда мулойим қилиб
қўйганди. Сўнгра хайрлашиб, уйига равона бўлди.

Петер Ҳайдининг барча кўрсатмаларини бажариб,
ҳар оқшом янги-янги ҳарфларни ўрганди, ҳикматли сўз-
ларни ёд олди. Кўпинча бобо ҳам тамакисини тутатган-
ча, болаларнинг ёнида ўтириб, машқларига разм солар,
баъзан лабларида енгил табассум пайдо бўлар, гўё бу
машқлар унинг вужудини завқ-шавққа тўлдириб, бола-
лик даврини эслатаётганга ўхшарди. Баъзан эса, дарс-
лар жуда қийин бўлганда ёки чўзилиб кетиб кеч кир-
ганда, Петер шу ерда қолиб, бобо ҳамда Ҳайди билан
шомликни тановул қилар, бу ҳол бамисоли оғир бир
юмушни аъло даражада адо этгани учун берилган муко-
фотга ўхшарди.

Қиш кунлари шу зайлда ўтиб кетди. Петер ҳар оқ-
шом Ҳайдидан сабоқ олиб, ҳарфларни ёдлашда чиндан
ҳам анчагина муваффақиятларга эришди, бироқ шеър-
ларни ёдлашда қийналар, тинмай шуғулланишга тўғри
келарди. Ниҳоят улар У ҳарфига етиб келишди. Ҳайди
шеърни ўқиб берди:

«У ҳарфин В билан чалкаштира ким.
Хоҳламаган жойга боришга маҳкум».

— Хоҳламаган жойимга мен бари бир бормайман, —
деди Петер гўлдираб. Аммо агар яхши ўқимаса кимдир
унинг ёқасидан тутиб, хоҳламаган жойига судраб эл-
тиб ташлайдигандек қўрқиб, жон-жаҳди билан ўқий
бошлади. Кейинги оқшом Ҳайди наратдаги ҳикматли
сўзини ўқиб берди:

«Қара, В ҳарфин билгинг келса гар,
Девордаги қайчи думига ўхшар».

Петер ўғирлиб деворга қаради, сўнгра ҳайрон бўлиб деди:

— Деворга қайчи-пайчи осилмаган-ку?..

— Ҳа, ҳа, бизнинг деворда йўқ, аммо кўпинча қачини деворга осиб қўйиш одат бўлгани учун шунда ёзилган бўлса керак. Бобонинг асбоб-ускуналар соладиган темир қутисидан нималар борлиги эсингдами? — сўрди Ҳайди. — Унда йўғонлиги менинг билганимдек, келдиган катта темир қайчи бор эди. В ҳарфи қайчининг думига ўхшайди¹. Шунга кўра шеърни озгина ўзгартганимиз мумкин, яъни:

«Икс»ни унутиб қўйсанг, ҳалинг вой,
На овқат берилар сенга ва на чой».

Петер нон ва пишлоқ турадиган жавонга саволом назар ташлаб, секингина деди:

— Мен ахир «икс» ҳарфини унутиб қўяман, дедим-ку! Ҳали уни ўрганиб олмаган бўлсам, қандай қилиб унутаман?

— Вой Петер-ей, бунча ўзингни соддаликка солисанг, ўрганган нарсангни унутиб қўймасанг ўзинг яхши-ку, — деди Ҳайди. — Кел, бугун яна битта шеър ўқиб, битта ҳарфни яхшилаб ўрганиб олайлик, шундан эрта учун фақат биттагина ҳарф қоладн.

Петер рози бўлмасдан, ўрнидан турмоқчи эди, аммо Ҳайди шеърни ўқий бошлади:

«Иксилон»ни билмай қолсанг тутилиб,
Ўстингдан қулишар масҳара қилиб».

Петернинг кўз ўнгидан бошларига баланд қора шилпа кийиб олган, чеҳраларида истеҳзо ва масҳаралик аломатлари акс этиб турган жаноблар намоён бўлди. Қўрқиб кетгани учун китобдан дарҳол «иксилон» ҳарфни топиб, уни кўзларини юмиб турганда ҳам кўз ўнгидан пайдо бўлиши учун йигирма-ўттиз марталаб такроқлади. Эртасига Петер қаддини роз тутиб, масрур ҳолда Ҳайдининг олдида келди, чунки у қарийб бутун алифбонинг ёд олган, ўрганиш учун биттагина ҳарф қолиб эди-да. Ҳайди охириги шеърни ўқиди:

¹ Лотин алифбосида «В» ҳарфи кирилл ёзувидаги «У» ҳарфи билан тарж. изоҳи.

«Тсет» (Z) ҳарфини ўрганиб олмасанг, билгин,
Ҳоттентот! Сенига этишар сургун».

Петер бир оз истеҳзо билан деди:

— Қандай қилиб сургун қилишди, ахир, ҳоттентот-
лар қаердалигини ҳеч ким билмайди-ку!

— Гапинг тўғри, Петер, ҳеч ким билмайди, лекин
бюм биладилар, — деди Ҳайди ишонч билан. — Бир
ис сабр қилиб гур, у киши нариги хонада руҳоний би-
ни гаплашиб ўтиргандилар, ҳозир бориб, ҳоттентотлар
ерда янашини сўраб келамап.

У ўридан туриб, эшик томонга йўналган эди, Петер
оҳима аралаш қичқирди:

— Тўхта!

У чиндан ҳам «тсет» (Z) ҳарфини билмас, шунинг
учун ҳозир Али тоға билан руҳоний келиб, қўл-
ёғимни боглаб, ҳоттентотлар юртига жўнатиб юбориш-
и керак, деб ўйланганди. Петернинг ўтакаси ёрилгани-
ни қўрқиб кетган Ҳайди жойида тош қотди, фақат бир
ета дақиқадан кейингина юрак ютиб сўради:

— Петер, сенга нима бўлди, нега бақирдинг?

— Ҳеч нарсаси... қайт... ўтир... ўрганаман, — деди Пе-
тер бўлиб-бўлиб.

Ҳайди бундай ўйлаб қараса, ҳоттентотлар қаерда
янашини ўзи ҳам билмас экан, шуни бобосидан сўраб
илиш мақсадида ўридан турмоқчи бўлган эди, Петер
эягидан баттарроқ бақириб юборди. Қиз фикридан
айтиб, жойига ўтиришга мажбур бўлди. Ҳайдини маж-
бурлаб ўтказганидан кейин Петер ҳам бунинг эвазига
имадир қилиши керак эди-да. Улар ўша оқшом жуда
ўп-шугулланишди. Петер «тсет» ҳарфини шунчалар
ўп такрорладики, у бир умр эсидан чиқмайдиган бў-
либ, хотирасида муҳрлашиб қолди. Бундан ташқари
ўз унга сўзларни бўғинлаб ўқишни ҳам ўргатди. Қис-
си, ўша кеча Петер билим олишда анча илгарилаб
етди. Кейинги кунлар ҳам шу тарзда ўта бошлади.

Қор анча юмшаб қолгани ва бунинг устига ҳар кун
иб тургани учун Ҳайди уч ҳафталаргача бувисиникига
ролмади. Шунинг учун ҳар оқшом: «Петер мейинг
нимни босиб, йўқлигимни билдирмасин, бувимга қў-
йиқларни ўқиб берадиган бўлсин», — деб жон-жаҳд
билан унга ўқишни ўргатарди. Натижада бир кун оқ-

¹ Ҳоттентотлар - Жануби-ғарбий Африқода яшовчи халқ. Ов-
лода уларни қўрқинчли ва суз кишилар, деб тасвирлаб, бола-
рини қўрқитишган.

шом Петер Ҳайдининг олдида қайтиб уйга кирари деди:

— Ана энди қўлимдан келади.

— Қўлингдан нима келади, Петержон? — сўрайди.

— Ҳқиш, — деди у қисқа қилиб.

— Наҳотки, ўрганиб олган бўлсанг? Бувижон эшитдингизми, Петер ўқишни ўрганиб олибди. — 1 қирди Бригитта.

Буви унинг гапларини эшитган, аммо Петер ўқигандай қилиб ўрганиб олганини тушунолмади гап эди.

— Бугун сизга битта қўшиқ ўқиб беришим келди Ҳайди шундай деди, — тушуитирди Петер буви.

Онаси тезда нариги хонадан қўшиқлар тўплам келтирди. Буви ҳам анчадан буён бу қўшиқларини эшитамагани учун ўзида йўқ хурсанд бўлди. Петер онаси китобни олиб, устол ёнига ўтирди ва ўқий бошлади. Онаси унинг ёнига ўтириб, ўқилган ҳар бир шеър кейин завқ билан дерди:

— Ажабо, шундай кунлар ҳам келади, деб ҳеч ўйламаган бўлса керак. Менинг ўғлим ҳам ўқишни гапар, деб сираям ўйламагандим.

Буви эса ҳар бир шеърни диққат билан тинди, бироқ ҳеч нарса демас, ҳузур қилаётгани сезилмасди.

Эртасига Петернинг сонифида ифодали ўқиш дати ўтказилди. Навбат Петерга келганда, муаллим сўради:

— Эҳтимол, ҳар сафаргидек сени ўқитмасдан ўқиб юборганимиз маъқулроқдир ёки яна бир марта қатор матини, йўқ, йўқ, ўқишга демоқчимасман, акча, дудуқланиб, ҳарфларни чалкаштиришга уриниб кўрмақчимисан?

Петер ўрнидан туриб, бир қатор эмас, бир йўл қатор матини тўхтамасдан, шариллатиб ўқиб ташди. Муаллим китобини устол устига қўйиб, гўё Петер биринчи марта кўраётгандек ҳайрон бўлиб тикилиб қолди. Бир неча дақиқа жимликдан сўнг деди:

— Гаройиб мўъжиза юз берибди-ку. Петер! Сени ўқишни ўргатаман, деб ҳар қанча уринган бўлсам, худасидан чиқолмагандим. Сўзларни ҳижжалаб эҳтарфма-ҳарф ҳам ўқиёлмасдинг. Ахири сенга ўқигандай бўлмас экан, деб қўлимни ювиб қўлтиғимга ганимда, сен ҳаммани ҳайрон қолдириб, матини тўхтамасдан шариллатиб ўқиб бераяпсан, бу ахир чини

мўъжиза-ку! Бизнинг давримизда бунақа мўъжизалар кўрсатиш кимнинг қўлидан келди экан?

— Ҳайдидан! — жавоб қилди Петер. Унинг нутқиға кўникиб қолган муллим ажабланиб, Ҳайдига қаради, қиз эса ҳеч қандай гаройиб ҳодиса юз бермагандек ўтирарди:

Муаллим сўзида давом этди:

— Сёнда қандайдир ўзгаришлар содир бўлаётганини сезгандим, Петер. — илгарилари бир-икки ҳафта давомида мактабга келмай юрарднинг, кейинги пайтларда эса бирорта дарсни ҳам қолдирганинг йўқ. Бундай яхши хислатлар сенга кимдан юқди? — сўради муаллим Петернинг сўзлаш усулига мослаб.

— Алп тогадан, — деди Петер кўзларини срга тиккача.

Муаллим янада ажабланиб бир Ҳайдига, бир Петерга қарар, лекин бари бир боладаги бу ўзгаришларнинг асосий сабабини англаб етолмасди.

— Кел, сени яна бир марта текшириб кўрайлик, — деди у шижоат ва Петерга китобнинг бошқа бетидаги матинни ўқитиб кўрди. Эҳтимол, у: «Петер китобнинг шу ерини ёллаб олган бўлса керак», — деб ўйлагандир. Бироқ унинг шубҳалари ўринсиз экан. Петер бу матинни ҳам шариллатиб ўқиб, яхши ўқишни ўрганиб олганини исбот қилди.

Дарс тугаши биланоқ муаллим руҳоний ёнига бориб, қандай воқеа юз берганини, Алп тога билан Ҳайди қишлоқда жуда яхши ишларни амалга оширганликларини маълум қилди.

Петер Ҳайдига берган вазъасининг устидан чиқиб, ҳар оқшом бувига фақат битта қўшиқ ўқиб берар, аммо иккинчисига ўтмасди. Буви ҳам ундан «Иккинчи қўшиқни ўқи», деб талаб қилмасди. Петернинг онаси Бригитта хоним эса ўглининг ўқишни ўрганиб олганидан ўзида йўқ қувонар, қўшиқ ўқилиб, бола тўшакка ётгач, бувига дерди:

— Петер ўқишни ўрганиб олганидан ҳар қанча қувонсам камга ўхшайди. Улғайгандан кейин ким бўлар экан-а? Сиз нима дейсиз, бувиси?

Буви жавоб қилди:

— Ўқишни ўрганиб олгани ўзига яхши, лекин мен: «Тезроқ қорлар эриб, баҳор бошланса-ю, Ҳайдигинам ёнимга келса», — деб Худога иола қилиб ётибман. Ҳайди қўшиқларни бутунлай бошқача ўқийди, эшитганимда

бутун вужудим яйраб кетади. Углинг ўқиганда эс шеърлардаги қандайдир сўзларни қолдириб кетади шиклли, улар қалбимга етиб бормайди, мазмунига тўшунмай қоламан. Ҳайди ўқиса қўшиқларининг мазмун тўлиқ бўлади, улар кишининг кўнгил торларини черти ўтади.

Чиндан ҳам бувининг гапларида жон бор эди. Қўшиқни ўқиётганда Петер бир оз узун бўлган ёки ўзининг кўнгилга ўтирмаган сўзларини ўқимасдан, ташлаб ўтади чунки у: «Қўшиқ жуда узун-ку, ҳали у ёқда қанча сўзлар бор, битта-иккитасини ташлаб кетсам зарар йўқ», — деб ўйларди. Шунинг учун Петер ўқиганда қўшиқлар ўз жозибасини йўқотар, баъзи ҳолларда мазмунига ҳам путур стар, тинглаб ўтирган буви эса гапни мадалингини англабмай ҳаёл суриб қоларди.

Олтинчи фасл

БИР-БИРИДАН ОЛИСДАГИ ДУСТЛАР

Ниҳоят, май ойн ҳам етиб келди. Али тоғлари устин баҳор қуёшининг илиқ ва ёруғ нурлари сочилгани. Сабз бабди чўққилардаги қорлар эриб, пастга, водийга аририқ сувлар оқа бошлади. Қирлар эгнига яшил тўкинди. Энг сўнгги қорлар ҳам эриб битгач, янги чиққам-яшил майсалар орасидан бамисоли қуёшнинг жиннакор шуъалаларидан уйғониб кетгандек, илк баҳар гуллари кўз очди. Тепаликларда баҳорий ўйишқар шаббода шовуллаб, тинмай ўзини арчаларга урар, уларнинг ўтган йилги қорамтир игнабарглариини силкита тезроқ янги оч-яшил игнабаргллар ўсиб, дарахтлар баромона безансини, деяётганга ўхшарди. Осмонда яна ўлкан қари қорақушнинг қанотлари билан мовий ҳавларини кесиб учишлари бошланди.

Бобонинг қир тепасидаги кулбаси атрофига ҳам яёшининг олтин нурлари ёйилиб, онда-сонда учрайди кулмакларин ҳам қуритди. Энди киши бемалол ҳоҳлаг жойида ўтлар устига ўтириб, атрофини кузатса бўларди. Ҳайди ҳам бобоси билан қир тепасидаги кулбага кўч келди. У гоҳ бир томонга, гоҳ иккинчи томонга иргиш чопар, қаср гўзалроқ эканини аниқлаёлмасди. Баъзан тепадаги чўққидан пастга қараб шовуллаб эсаётган шимолга қулоқ тутиб қолар, шамол эса янада кучлир эсиб арчаларга урилар, уларни силкитиб, қайирмоқчи (

лар ва ҳузур қилганидан шодумон садолар тарқатарди. Бундай пайтларда Ҳайди ҳам унга тақлид қилиб қийқирар, у ёқдан-бу ёққа сакрагани учун шамолда учиб юрган баргчага ўхшаб кетарди. Сўнгра у яна қуёш нурларига кўмилган уй олдига қайтиб, ўтлар устига ўтирар ва майсалар орасида ўсган гуллар устига энгашиб, очилган, очилмоқчи бўлиб турган гулкосачаларни санашга тушарди. Турфа хил табиий мусиқий оҳанглар, намолар қулоққа урилар, чунки гир атрофда қувноқ пашшалар ва тиллақўнғизлар қуёш нуридан рақсга тушиб, шодланнлар. Ҳайди ҳам улар билан бирга қувонар, майсалар, гуллар ва бўлиқ бўз тупроқ ҳиди қўшилиб, омукта бўлиб кетган сўлим баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олар ва Али тоғлари ҳеч қачон бвичалар гўзал бўлмагандир, деб ўйларди. Атрофдаги минг-минглаб жонизотларнинг ҳам кайфияти Ҳайдиникидан баланд бўлса баланд, аммо паст эмасди, чунки улар бир-биридан ўтиб сувилашар, ғингилашар, гўё бутун вужудлари шодликка тўлганча Али тоғлари мадҳиясини куйлашаётганга ўхшарди.

Кулба ортидаги оғил тарафдан болганинг урилиши ва арранинг гижиллашига ўхшаган товушлар кела бошладди. Ҳайди ўйиндан тўхтаб бир зум қулоқ солди, чунки улар қадим-қадимдан Али тоғларида яшовчи аҳолига танини, қадрдон товушлар бўлиб, Ҳайди уларни яхши биларди. Қиз ўрнидан сакраб туриб, бувасининг нималар қилаётганини билиш мақсадида ўша ёққа югурди. Оғил эшиги ёнида янги ясалган бир курси турар, бобоси чапдастлик билан иккинчи курсни ясамоқда эди.

— Нега курси ясаётганингизни билиб турибман, — деди Ҳайди қувонч билан, — Франкфуртдан келадиган меҳмонлар ўтириши учун, тўғрими? Мана бу тайёри Франкфуртлик буви учун, ҳозир ясаётганингиз эса Кларага, лекин бизга яна битта курси керак бўлади-ку?

Ҳайди шундай дегач, бир оз тортинброқ сўради:

— Бобожон, ҳалиги... ёки сиз Ротетимайер хоним келмайди, деб ўйлайсизми?

— Билмадим, аниқ бирон нарса деёлмайман, — жавоб берди бобо, — лекин ҳар ҳолда битта ортиқча курси ясаб қўйганимиз маъқулроқ, чунки келиб қелишса, ўялиб қолмайлик-да.

Ҳайди бир лаҳза хаёл сурганча, суянчиқсиз ёғоч курсига тикилиб, Ротетимайер хонимнинг шу олдий кур-

си устида ўтирганини тасаввур қилди, сўнгра боши чайқаганча деди:

— Бобожон, Роттенмайер хопим бу курсига ўтирма керак.

— У ҳолда биз унга гўзал, ям-яшил чим босилга «оромкурси»да ўтиришни таклиф этамиз, — деди че кулимсираб.

Ҳайди бобоси айтган гўзал, ям-яшил чим босилга «оромкурси» қаерда эканлигини ўйлаб турганда, тўсдан тепаликдан ҳуштак овозлари, қийқириқ ва қамчинининг қарсиллаши эшитила бошлади. Гап нимадалигини тушунган Ҳайди югуриб ташқарига чиқди ва бир зумд тепадан пастга сакраб-сакраб тушиб келаётган эчкила қуршовида қолди. Улар ҳам худди Ҳайдига ўхшаб ян баҳор келганидан, ям-яшил ўтлар ўсиб ётган қирларг қайтишганларидан бениҳоя хурсанд кўринишарди. Ўйноқлаб, баланд-баланд сакрашгани, шодумон маъраи гани шундан далолат бериб турарди. Эчкилар бир олиб, бири қўйиб Ҳайдига сўйкалишар, гоҳо талаши қизни у ёқдан-бу ёққа суришар, ҳар бири бошқаларда билдирок унга ўз меҳр-муҳаббатини изҳор этишга уринарди. Подани ҳайдаб келган Петер эчкиларни уриб суриб Ҳайди томонга интилди, чунки қизга хат келтирганди. У бир амаллаб Ҳайдининг ёнига етиб келди-да хатни тутқизди.

— Мана... — деди қисқа қилиб.

Қиз жуда ҳайрон бўлиб қолди.

— Нима яйловдан менга хат бериб юборишдими? — сўради у ажабланиб.

— Йўқ...

— У ҳолда бу хатни қаердан олдинг, Петер?

— Нон тўрвадан...

Бу гап тўғри эди. Кеча кечқурун қишлоқда ёмчиҳона ходими Ҳайдига аталган хатни унга берган экан.

Ушанда Петер хатни бўш турган нон тўрвасига солиб қўйибди. Тонг пайти эса унга нон ва нишлоқ жойлаб елкасига илганча, эчкиларни ҳайдаб кетибди. Бобонини уйи ёнидан ўтаётганда у билан ҳам, Ҳайди билан ҳам саломлашиб ўтган, аммо тўрвадаги хат эса умуман ёдидан кўтарилган экан. Тушлик пайти нон ва нишлоқ еб бўлгач, қолган-қутган ушоқларни олмоқчи бўлган Ҳайдига хат илашиб чиқибди.

Ҳайди унда кўрсатилган манзилни диққат билан ўқиб

и да, хурсандлигидан ирғишлаб, оғил томонга, бобоенинг ёнига югурди ва хатни унга берди:

— Бобожон, хат, хат келди! Франкфуртдан хат кели... Клара менга хат ёзибди, хоҳласангиз ҳозироқ қиб бераман.

Бобо албатта бу гапни маъқуллади. Ҳайдига эргашиб келган Петер ҳам уларга қўшилди. У қизга яқинроқ келиб, нималар ёзилганини ёнбошдан кўриб туриш чун эшикнинг кесакисига суяниб олди.

Ҳайди хатни ўқий бошлади:

«Салом, азизим Ҳайди!

Биз барча сафар анжомларимизни тахлаб қўйдик. Ёкки-уч кундан кейин йўлга чиқамиз, фақат дадамининг сўнаб кетишини кутиб турибмиз, холос. Дадам биз билан бормайди, у киши аввал Парижга боришлари ерак экан. Жаноб ҳаким ҳар куни кўчадан ўтаётганда, шигимиз олдида тўхтаб: «Тез-тез қимирланглар, Алп тоғлари сизларга мунтазир бўлиб қолди», — деб кетдилар. Булар қачон йўлга чиқаркан, деб тоқати-тоқ ўлиб кетди, бечоранинг. Алп тоғларида ҳаким қанчалар узур қилганини билсайдинг қошки! Бутун қиш давомида у ҳар бизникига келиб турди. Кетаётганда эса: «Эр-ага яна келаман, Ҳайди билан тоғларни кезганимизни на сўзлаб бераман», — деб кетарди. Жаноб ҳаким жуда жойиб одам-да.

Ҳар сафар ваъдасининг устидан чиқиб, айтган пай-ида етиб келар ва сизлар билан бирга Алп тоғларида ткаган қуиларини, тоғлар, гуллар, тепаликларнинг су-учити ва мусаффо ҳавоси тўғрисида батафсил ҳикоя қилиб беради. Кўпинча у киши: «Тепада, қирларда шайдиган кишилар барча касалликлардан фориг бў-лишди», — деб такрорлайдилар. Тоғларга, сизларнинг олингизга бориб келгандан бери ҳаким анча ўзгариб, шариб кетган. Қайфияти ҳам доимо кўтаринки ҳолат-та. Мен ҳам бундан жуда хурсандман, бундан ташқари, тез орада ўзим бориб, жаноб ҳаким сўзлаб берган на-раларни ўз кўзларим билан кўришимдан, Алп тоғлари-да, сенинг ёнингда бўлишимдан, Петер ва унинг эчкила-ри билан ҳам дўст тутинишим мумкинлигидан қанчалар бахтиёрлигимни билсанг эди. Э-ҳе, қалбимдаги ҳис-уйғуларини тасвирлаб беришга сўз етишмайди, бироқ мен анзалига Рагазда бир ярим ойча даволаганим ке-рак экан, жаноб ҳаким шундай дедилар. Сўнгра қир э-та-идаги қишлоққа бориб, ўша ерда яшаймиз. Об-ҳаво ях-

ши бўлган кунларда мени ўзимнинг махсус ўриндигим кўтариб қирга, сенинг олдинга олиб чиқишди, кўйи бирга бўламиз, кечқурун эса яна қишлоққа қатамиз. Биласанми, бувим ҳам мен билан бирга борадилар. Сенинг ёнингга бораётганимиздан у киши жухурсанд. Сенга яна бир гап айтмоқчиман, сен буни саввур ҳам қилолмайсан, Роттенмайер хоним биз билборишга рози бўлмади. Бувим ҳар куни унга: «Швейсарияга саёҳат масаласи нима бўлаяпти, ҳурматли Роттенмайер хоним? Биз билан бирга боришга иштиёқгиз бўлса, уялманг, тортинмасдан айтаверинг», — дейдилар. У эса эҳтиромлар билан мингдан-минг ташаккур билдириб, беодоблик қилгиси келмаётганини таъкидлади. Аммо мен унинг нималар тўғрисида ўйлаётган ва нега биз билан боришга рози бўлмаётгани сабаби жуда яхши биламан. Себастьяннинг ҳикоялари уни юрагини олиб қўйган. Сени бувининг олдинга эли қўйиб, уйга қайтгандан кейин Себастьян Алп тоғлари шунчалар даҳшатли қилиб тасвирладик, эшитган кишининг ҳуши бошидан учиб, эси чиқиб кетарди. Айниқ у улкан қояларнинг тушиб кетай-тушиб кетай, деб олиб турганини, киши ҳар қадамда тубсиз жарликлар ағдарилиб кетиши мумкинлигини, баъзи жойларда симоқ йўллар жуда тиклиги учун бир қадам олдинга имоқчи бўлган киши ўн қадам орқага кетиб қолиши кўрқиб, юрак ҳовучлаб туришини ва бу сўқмоқлар фақат эчкилардек эпчил ва чаққон кишиларгина ҳаёни ҳавф остига қўймай юра олишини сўзлаб берган бечора Роттенмайер хоним адоий тамом бўлди. Себастьяннинг гаплари уни шунчалар даҳшатга солдики, у ман Швейтсария саёҳатини тилга ҳам олмайдиган, оҳам қилмайдиган бўлиб қолди. Тинетте ҳам биз билан бирга бормади, афтидан Себастьяннинг гаплари ҳам ваҳимага солиб қўйган кўринади. Шунинг у фақат бувим билан мен бораман. Себастьян эса би Рагазгача элтиб қўйиб, сўнгра уйга қайтади.

Қачон олдинга борарканман, деб ўзимни қўйиб жой тополмай юрибман. Яхши қол, азизим Ҳайди. Бувим ҳам сенга мингдан-минг саломлар айтиб қўйишни илтимос қилаяптилар. Яна бир бор хайр, тез орқўришгунча!

Сенинг содiқ дiгoнaнi Клар

Бу гапларни эшитган Петер эшик бўсағасидан сакраб ташқарига отилди, азбаройи жаҳли чиққани

қамчиси билан гоҳ ўннга, гоҳ чапга қаратиб қарсиллатиб ура бошлади. Ваҳимага тушган эчкилар сакраб-сакраб тепадан пастга ура қочишди. Улар камдан-кам ҳоллардагина, яъни жуда қўрқиб кетишганда шундай қилинади. Пестер ҳам эчкилар ортидан пастга йўналди. У қўлидаги қамчисини қарсиллатар, гўё бутун вужудини қамраб олган қаҳру газабини кўп ўнгида пайдо бўлган хаёлий душманига сочаётгандек туюларди.

Пестернинг қаҳру газабини кўзгаб юборган бу «душман» Франкфуртдан келаётган меҳмонлар эди. Ҳайди эса бахт ва шодликдан ўзини қўярга жой тополмасди, шу сабабдан эртасигаёқ бувисиникига йўл олди. У бувисига Франкфуртдан кимлар келаётганини ва айниқса кимлар келмаётганини сўзлаб бериши лозим эди, чунки бу хабарлар буви учун жуда муҳим, у келаётган меҳмонларни жуда яхши танир ҳамда Ҳайдининг ҳаётинга тааллуқли барча воқеаларда ички бир яқинлик ва орзиқини билан иштирок этарди. Эртасига тушдан кейин қиз бувисиникига йўл олди, у энди ёлғиз ўзи ҳам бора оларди. Осмонда қуёш чарақлаб ёлғизоеёқ сўқмоқларни бутунлай қуритган, май ойининг қувноқ шаббодаси эсиб, Ҳайдининг олкаларига урилиб тургани учун қир тепасидап эмиш, умуман олганда, жоннинг роҳати эди. Буви энди қиш ойларидагидек тўшакка миҳланиб ётмас, хона бурчагидаги ўз ўрнида ўтириб, алланималарни тўқирди. Унинг чеҳраси гамгин, аллақандай огир хаёллар билан банд эканлиги кўриниб турарди. Кеча кечкурун Петер қаҳру газабга тўлиб уйга қайтганда, буви унинг узук-юлуқ гапларидан бир гуруҳ кишилар Франкфуртдан бобонинг қир тепасидаги уйига меҳмон бўлиб келаётганини англаб олган, шундан кейин узун тун бўйи кўзларига уйқу келмай, чуқур хаёлларга чўмганча ўтириб чиққанди. Албатта, Петер бу меҳмонлар қандай мақсадда келаётганини билмас, аммо буви ўзини турли хаёлларга борар ва бу хаёллар унинг оромини бутунлай ўғирлаб қўйганди.

Ҳайди югуриб хонага кирди ва бувиси билан саломлашгач, унинг ёнида турган бўш курсичага ўтириб, шоша-пиша қўрган-кечирганларини сўзлай бошлади. Гапирган сайини ўзининг сўзларидап ўзи илҳомланиб бораётгани кўриниб турарди, лекин тўсатдан бир зум тин олиб, бувисига тикилди, сўнгга ташвишланиб сўради:

— Бувижон, мен келтирган хабар сизни заррача қувонтирмадими? Нега бунча гамгинсиз?

— Йўқ, йўқ, гамгин эмасман, қизим, сени қувонтирган нарсалар нега энди мени қувонтирмасин, мен ҳам жуда қувонайман, — деди буви бир оз жилмайишга уриниб.

— Бувижон, мен сезиб турибман, сиз нимадандир қўрқаяпсиз. Эҳтимол, Роттенмайер хоним ҳам меҳмонларга қўшилиб келади, деб ўйлаётган бўлсангиз керак, аммо у киши келмас экан, чунки дугонам хатида: «Роттенмайер хоним биз билан боришга рози бўлмади», — деб ёзибди деди Ҳайди ўзи ҳам бироз қўрқиб.

— Йўқ, қизим, қўрқаётганим йўқ, — тинчлантирдигани бувиси. — Менга қўлингни бер, ёнимда эканлигингни ҳис этиб турай. Эҳтимол, қандайдир ишлар менга ёқмаслиги мумкин, аммо сенга яхши бўлиши учун мен ҳамма нарсага чидашга розиман, қизим.

— Сиз ёқтирмаган ишлар менга ҳам яхшилиқ келтирмайди, бувижон, — деди Ҳайди қатъий қилиб.

Қизнинг бу гаплари бувининг қалбига баттар гулгула солди. У франкфуртлик меҳмонлар Ҳайдини олиб кетиш учун келаётган бўлсалар керак, деб ўйлай бошлади, чунки қизча бутунлай соғайиб кетган, энди уни бу ерда қолдиришнинг зарурати ҳам қолмаганди. «Ҳа, меҳмонлар Ҳайдини олиб кетишади, бошқача бўлиши мумкин эмас, — ўйларди буви ва бу хаёллар унинг вужудига баттарроқ ваҳима соларди. Бироқ ўзининг қўрқаётганини, ваҳимага тушганини Ҳайдига билдириб қўймаслиги керак, акс ҳолда қиз буvingа жуда ўрганиб қолгани учун кетмайман, деб оёқ тираб олиши мумкин. Буви ўзининг қўрқаётганини билдирмаслик чорасини ахтара бошлади. Тез орада чора ҳам топилди.

— Ҳайди, қизгинам, кўнглимни кўтаришнинг биргина йўли бор, — деди буви. — Мени хурсанд қилай десанг, ҳозир битта қўшиқ ўқиб бер! Иложи бўлса, «Худо хоҳлар» дан бошланадиган қўшиқни ўқи.

Ҳайди эски «Қўшиқлар тўплами»нинг қайси саҳифасида қанақа қўшиқ борлигини қарийб ёддан билар шу сабабдан бир зумда буви айтган қўшиқни топиб жараңдор овоз билан ўқий бошлади:

«Худо хоҳлар,
Барча ишлар
Бўлсин яхши, фойдали.

— Ҳа, худди шундай, — бош ирғаб қизиниң гапини маъқуладан буви. — Худди таоло ҳамма ишлар ўз маромида бўлишини, одамларга фойда келтиришини хоҳлайди. Шунинг учун барча кишилар доимо яхши ишлар билан машғул бўлиб, кўнглини тўқ қилиб юришлари лозим. Барча ишлариниң калити Худонинг қўлида, унинг рухсати ёки хоҳишисиз биронта иш содир бўлмайди. Бу қўшиқни яна бир марта ўқиб бер, қизим, токи биз уни ёдлаб олайлик ва ҳеч қачон эсдан чиқармайлик.

Ҳайди қўшиқни бир неча марта такрорлаб ўқиб берди, чунки кўнглини тўқ қилиб юришга чорлаётган бу қўшиқ унга ҳам жуда ёқиб қолган эди.

Оқшом чоғи қиз қишлоқдан тепага, бобонинг қир тепасидаги уйи томон йўл олганда, осмонда биринкетин юлдузчалар пайдо бўлиб қизнинг қалбига ҳўрсандилик бахш этиш учун милтиллаб нур соча бошлади. Ҳайди аҳён-аҳёнда тўхтаб осмондан унга шодон термулиб турган кўзчаларга тикилар ва уларга қарата: «Ҳа, биламан, Худойи таоло барча ишлар одамларга фойда келтиришини, ўз маромида бўлишини хоҳлайди, шу сабабдан кишилар кўнглини тўқ қилиб, савобли ишларни адо этиб юришлари лозим», — деб қичқирмоқчи бўларди. Юлдузчалар эса қиз бобосининг қир тепасидаги уйига етиб келгунча милтираб, ярақлаб, нималардир демоқчи бўлгандек, Ҳайдига кўз қиснашарди. Қиз уйга етиб келганда, бобоси ҳам ташқарида, жимирлаб турган юлдузларини томоша қилаётган экан, чунки кўн вақтлардан бери осмон бу қадар юлдузга тўлмаган, юлдузлар ҳам бунчалар ёрқин чарақламаган эди. Май ойининг фақат тунлари эмас, балки кунлари ҳам кўн йиллардан бери бунчалар ёруғ ва мусаффо бўлмаган, шу сабабдан бобо тонг пайтлари тез-тез ташқарига чиқиб, ҳайрат билан қуёшни кузатар, қуёш эса кеч кечқурун қанчалар ҳашамат билан ботган бўлса, тонг пайти ҳам шундай ҳолатда булутсиз осмонга кўтариларди. Шундай пайтларда бобо ўзинча: «Бу йил бошқа йиллардан фарқли ўлароқ алоҳида қуёш йили бўлди», — деб қўярди. Петерга эса: «Ҳой, эчкилар сардори, бу йил ўт-ўланлар жуда бўлиқ ўсди, кўзингга қараб юр, тагин бу сакрогичларнинг бўкиб қолмасин», — деб яси-

хат қиларди. Унинг насиҳатларини жон қулоғи билан эшитадиган Петер эса қамчинни қарсиллатар, юзларида «Эчкиларни тартибга чақириб қўйиш қўлимдан келарди», — деган матно ақс этарди. Шундай қилиб, янги май ойи ҳам ўтиб, июн бошланди. Энди қуёв янада кучлироқ қизитар, кунлар анча узайиб кетганди. Алл тоғларидаги барча дов-дарахт чаншар уриб гуллаган, майсазорларда тоғ гуллари яшнаб очилган, уларнинг хушбўй ислари чор атрофини тутиб кетганди. Июн ҳам охирлаб қолди.

Бир кунни эрталаб Ҳайди уйдаги юмушларини бажариб бўлгач, ташқарига чиқди. У бирров арчалар ёнига бормоқчи, кейин эса яна бир оз юқорига кўтарилиб сайхонликдаги мингчервон гуллар очилибдимми ёки йўқми, шунга қўрмоқчи бўлди. Бу гуллар қуёшнинг олтин нурларида шунчадар мафтункор жимирлайдики, аста-қўяверасиз. Ҳайди унинг айланиб ўтиб, арчалар томонга йўналганда тўсатдан қаттиқ қичқириб юборди. «Қизганима бўлди экан?» — деган хавотирда бобо оғилда югуриб чиқди, чунки Ҳайдининг овози уни жуда қўрқатиб юборганди.

— Бобо, бобо! — қичқирди қиз. — Бу ёққа келини қаранг, қаранг!

Бобо шахдам қадамлар билан Ҳайдининг ёнига келиб қизча қўли чўзиб турган томонга қаради. Пастда гаройиб бир карвон эшилиб-буралиб, ёлғизоёқ йўлдан тепага кўтарилмоқда эди. Олдинда икки эркак бир ўриндининг икки ёнидан ёғоч ўтказиб, замбилга ўхшатиб кўтариб келишарди. Ўриндиқда бир қизча ранг-баранг рўмолларга ўралган ҳолда ўтирарди. Уларнинг ортида бир йиғит от стақлаб келар, от устида эса қадди-қомат келишган бир аёл ўтирар, у тез-тез ўгирилиб атрофни кузтар, гоҳи отнинг юганидан тутиб келаётган йиғитга ҳам гап ташлаб қўярди. Улардан бир оз кейинроқда бир йиғит беморлар олиб юриладиган аравагани сурга келарди, чунки касал қизгани араваганига ўтказиб, гилдиратиб чиқишдан кўра ўриндиққа ўтказиб, кўтариб чиқиш қулайроқ ва хавфсизроқ эди-да. Энг орқадагилардан бир ҳаммол турли кўрпача, рўмол ҳамда мўйна кийимларини кажавача тоғдай уйиб, орқалаб олганди.

— Улар келишмаяпти! — дея қичқирди Ҳайди ва шонлиқдан иргиншай бошлади.

Ҳа, улар чиндан ҳам Франкфуртдан келиши кутилётган меҳмонлар эди. Шаҳарликлар аста-секин яқинла

шиб, ниҳоят етиб келишди. Ҳаммоллар ўрнидиқни срга қўйишди. Ҳайди югуриб уларнинг олдига борди.

Иккала дугона қучоқ очиб кўришишди. Ниҳоят, от минан буви ҳам етиб келди. У отдан тушгач, Ҳайди югурсилаб унга яқинлашди. Буви қизни қучоғига олиб, юзларидан ўйиб саломлашди. Сўнгра: «Хуш келибсизлар!» — деб қўл чўзиб келаётган Алп тоғага юзланди. Улар тўё анча пайтлардан бери бир-бирини яхши танийдиган кишилардек жуда дўстона саломлашдилар. Бир-биридан сира тортинмас, бегонасирамасдилар. Саломлашаётганда буви шодон ҳолда Алп тоғага деди:

— Алп тоға, азизим, бу кулба эмас, чинакам қасрку! Бунчалар деб сираям ўйламаган эдик. Ҳатто баъзи бир қироллар ҳам сизга ҳавас қилса керак. Ҳайдигинам эса, қаранг, қандай тўлишиб, атиргулдек очилиб кетибди. Буни қизни бағрига олиб, яшнаб турган ёноқларидан сийпалар экан, сўзида давом этди:

— Атроф бунчалар гўзал-а, Кларахон, айт-чи, бу ерлар сенга ёқаянтими?

Клара қувончдан энтикиб, атрофга аланглади. У умрида бундай гўзал жойларни кўрмаган, ўраман, деб ўйламаган ҳам эди.

— Эҳ, қанчалар гўзал, қанчалар ажойиб экан-а бу ерлар! — деди у бир неча бор такрорлаб. — Мени буни тасаввур ҳам қилмаган эдим. Бувижон, рухсат берсангиз, мен шу ерда қоламан.

Алп тоға бу орада беморлар аравачисини иқинроқ келтирди ва кажавадан бир қанча рўмол олиб, унинг ичига тўшади. Сўнгра Клара ўтирган ўриндиқ ёнига келди.

— Энди қизимизни ўзининг аравачасига ўтқазсак яхши бўларди, чунки у аравачага кўникиб қолган. Бундан ташқари бу ўриндиқ анча қаттиқ кўринади, — деди у ва сўнгра ўзгаларнинг ёрдамини кутиб ўтирмасдан бақувват қўллари билан Кларани оҳиста кўтариб олди ва эҳтиёткорлик билан юмшоқ аравачага ўтқазди. Кейин эса умр бўйи бўғинлари касалланган беморларин парвариш қилиб юрган кишидек сингил ҳаракатлар билан қизнинг оёқларини аравачага қулай қилиб жойлаштирди ва тиззасига жуп рўмол ташлаб, оёқларини яхшилаб ўраб қўйди. Буви унинг эпчил ҳаракатларидан ҳайратга тушиб, анграйиб қараб турарди.

— Алп тоға, азизим, — деди у ниҳоят, — беморларни парвариш қилиш санъатини қаердан ўрганганингизни

билсам эди, ўзим билган, таниган ҳамшираларни ўқ
ёққа жўнатиб ўқиттирган бўлардим. Бунн сиз қасрд
ўргангансиз?

Тоға мийингида кулимсираб қўйди.

— Бунн ўқиб, ўрганиб бўлмайди, амалда синаб к
риб ўрганган маъқулроқ. — Упинг кулимсираб турга
чеҳрасида аллақандай ички бир дард, гамгинлик ам
матлари ҳам намоён бўлди. Узоқ ўтмиш, азоб чекаётга
бир кишининг сиймоси кўз ўйида жонланди. У ҳа
мана шунақа майиб-мажруҳлар аравачасига ўтқаз
қўйилган, лекин суяклари майда-майда бўлиб кетганли
ги учун қўл-оёқларини қимирлата олмасди. У киши б
боининг капитани бўлган. Алн тоға уни Ситилияда
қонли уруш чоғида ярадор бўлиб ётган ҳолатида топ
олган ва чеккага судраб чиққанди. Кейин эса то уни
оғир дардлари ниҳоясига етгунча, ёлғиз ўзи парвари
қилганди. Тоға ярадор капитанини кўз олдига келтири
бир зум хаёлга чўмди, сўнг қатъий қарорга келди ҳ
Кларани ўзи парвариш қилиши ҳамда ўзи билган б
беморнинг дардларини енгиллаштирадиган барча усу
ларни ишлатиши, ёрдам бериши керак. Бошқача бўлиш
мумкин эмас.

Бобонинг кулбаси ҳамда арчалар ва қўнғир тус
товланиб, кўкка бўй чўзиб турган баланд қоялар уст
даги осмон тиниқ зангори рангда эди.

Клара атрофга термулиб тўймас, кўриб турган ма
зара унинг қалбини ҳайратга тўлдирганди.

— О, Ҳайди, қошки мен ҳам сен билан бирга бобон
нинг кулбасини айланиб ўтиб, арчалар ёнига боролса
эди. — деди у орзиқиш билан. — Қошки сен билан би
га ўзим яхши билган, аммо ҳали умримда бирон мар
кўрмаган нарсаларни кўрсам эди.

Бунн эшитган Ҳайди бутун кучини тўплаб, аравача
чим устида гилдиратиб, арчазор ёнига бориб тўхтатди.
Бунақа баланд, катта ва қалин, шохлари тарвақайла
ср қучиб турган қадимий арчаларни Клара чинди
ҳам умрида биринчи бор кўриши эди. Болаларга эрг
шиб келган буви ҳам ҳайратдан ёқасини ушлаб қолга
ди. Бу қадимий арчаларнинг қайси бир қисми энг гўза
эканини, бўлиқ, яшил ва шовўллаб турган тепа қисм
ми ёки олис ўтмиш тўғрисида ҳикоя киладиган, тепада
туриб настга, одамлар келиб кетадиган жойларга к
тиккан, ҳамма нарсалар ўзгариб туришига қарамасди
ўзлари ўзгаришсиз қолган, улкан шохлар ўсиб чиққ

тик, мустаҳкам устундек танасими — буни буви аниқ билмасди.. Бу орада Ҳайди Клара ўтирган аравачани эчкилар оғили эшиги ёнига гилдиратиб борди, дугонаси оғилнинг ички тарафини яхшилаб кўриб олишга учун кичкина дарчани очиб қўйди. Бироқ бу ерда ҳозир кўришга арзыйдиган нарсалар жуда кам, чунки эчкилар Петернинг подаси билан бирга ўтлоққа чиқиб кетганди.

Клара афсус аралаш деди:

— Бувижон, Швэнли, Бэрди ҳамда бошқа эчкилар Петер келгунча шу ерда қолсак жуда яхши бўлардида. Сиз айтгандек, жуда эрта йўлга тушсак, мен уларнинг бирортасини ҳам кўролмайман. Қанчалар ачинарли ҳол бу!

— Қизгинам, ҳозирча шу ерда бўлганларни кўрганимиз ҳам етарли, бу ерда бўлмаганларни ўйлаб изтироб чекишнинг ҳожати йўқ. Вақти келганда уларни кўрасан, — деди буви аравачага эргашиб бораркан.

— Эҳ-ҳе, анави гулларни қаранг! — қичқириб юборди Клара. — Бир тўп нафис қизил гул ва бошчаларини яргиб турган мовий қўнғироқгулларни қаранг. О, қанибди энди ўрнимдан туролсам-а, бориб барчасини тегиб келардим!..

Ҳайди югуриб бориб, ҳаш-паш дегунча катта бир гулдаста тегиб келди. — Булар ҳали ҳеч нарса эмас, — деди у гулларни дугонасининг тиззасига қўяркан, — биз билан бир марта тенага, ўтлоққа чиқсанг, гулларни ўшанда кўрасан. У ерда бир жойнинг ўзида тўп-тўп қизил мингчервогуллар ва бу ердагидан минг бора кўп мовий қўнғироқгуллар ўсиб ётибди. Сон-сапоқсиз очсариқ баргисурхон гўё ерга сочилган олтин тангалардек ярқираб кўзингни олади. Бундан ташқари барглари катта-катта сариқ гуллар ҳам бор, бувам уларни «қуёш-кўз» деб атайдди. Қўнғир тусли думалоқбош гуллар ҳам бор, уларнинг отини ҳам билмайман, аммо улар шунчалар хушбўй, шунчалар хушбўйки, аста қўяверасан.

Ҳайди яйловдаги гулларни тасвирлар экан, ўзи ҳам уларни соғинган шекилли, кўзлари юлдузчалардек порлаб кетди. Дугонасининг сўзлари Кларанинг вужудига ўт қалаган, у ҳам яйловни, гулларни кўриш, уларнинг хушбўй ҳидларини тўйиб-тўйиб ҳидлаш иштиёқида ёнади. Ҳайдининг чақноқ кўзларида порлаган учқун Кларанинг мовий кўзларида ҳам акс ётарди.

— Бувижон, мен ҳам у ерга бора олармиканман?

Шунчалар тепага чиқа олишимга ишонасизми? — деб сўради у энтикиб, сўнгра дугонасига юзланди:

— Ҳайди, мен ҳам сендек юра олганимда, ҳамма жойга сен билан бирга борган бўлардим.

— Мен сени аравачада олиб бораман, — дея даяда берди унга Ҳайди ва бу иш сираям қийин эмаслигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди, бироқ аравача сал бўлмаганда тенадан настга сирғалиб кетай деди. Яхшиям, қизлар яқинида турган бобо уни бақувват қўллари билан тўхтатиб қолди. Акс ҳолда бирон кор-ҳол бўлиши аниқ эди.

Арчалар тагидаги суҳбат давом этаётганда, бобо қўл қовуштириб турмаган экан. Уй олдидаги ўриндик ёнига бир устол ва қатор курсилар чиқариб қўйилган, тушлик қилиб олиш учун ҳамма нарса муҳайё эди. Ошхонадаги қозонда нимадир биқиллаб қайнар, майсага қўйилган учоёқли ўчоқда ҳам алланарса қовурилмоқда эди. Кўп ўтмай бобо барча таомларни келтириб, устол устига қўйди. Ҳамма жамулжам бўлиб, тушлик қила бошлади. Этакдаги олис водий ва чўққилар оша булутсиз мовий осмонни томоша қилиб, баҳузур овқатланиш мумкин бўлган очиқ ҳаводаги бу ажойиб ресторан бувига жуда ёқди. Майинигина шаббода меҳмонлар юзига гул бўйлари аралаш ёқимли бир салқинлик уфуриб турар, тепароқдаги арчалар эса оҳиста шовуллаб, ресторандаги махсус созандалар сингарни меҳмонлар учун дилрабо куйлар ижро этарди.

— Бунақасини умримда кўрмаганман. Мана бунини чинакам гўзаллик деса бўлади, — дерди буви такрор ва такрор, сўнгра ўгирилиб Кларага қараркан, ҳайрат билан деди:

— Ўнгимми бу ёки тушимми, Кларахон. Уйда сенга озгина овқатин ҳам ялиниб едирардик. Ҳозир эса, адашмасам қовурилган пишлоқнинг иккинчи бўлагини кўрдим демаяпсан. Ош бўлсин, қизим, ош бўлсин.

Клара чиндан ҳам катта бир бўлак пишлоқни еб бўлган, энди иккинчи бўлакни нон устига қўйиб олган эди.

— Бувижон, пишлоқ шунчалар мазалик эканки, ҳатто Рагаздаги энг ширин таомларни ҳам йўлда қолдиради, — деди Клара турли хушбўй зирворлар солиб қовурилган пишлоқни иштаҳа билан тишлар экан.

— Олинглар, олинглар, — деди Алп тоға кўнгли тоғдай кўтарилиб. — Иштаҳангизни очган нарса, меним-

ча, тогаларимиз шабодаси, овқатларимизнинг маззаси ҳаминқадар бўлганда, у бизга ёрдамга келади.

Тушлик шундай дўстона ва қувноқ вазиятда давом этди. Буви билан Алп тоға бир-бирларини аъло даражада тушунишар шунинг учун суҳбатлари янада жонлироқ тус оларди. Одамлар, нарсалар ва дунёнинг ишлари тўғрисидаги барча фикрларни ўзаро мос келар, гўё улар кўп йиллардан бери дўстона муносабатда бўлишганга ўхшашарди. Ҳаммалари суҳбат билан банд бўлиб, вақт қандай ўтиб кетганини сезмай қолишди. Кечга яқин буви сергак тортиб, деди:

— Энди йўлга тушганимиз керак, Клара, қуёш боғай, деб қолибди. Ҳаммоллар ҳам келиб қолишса керак.

Кларанинг шодликдан ял-ял ёниб турган чехраси бир лаҳзадаёқ сўнди. У ўтиниб илтимос қила бошлади:

— Бувижон, яна бир-икки соат шу ерда қолайлик. Ҳали бобоимнинг уйини, Ҳайдининг ётоғини кириб кўрмадик-ку! О, қанийди кун яна ўн соатга чўзилиб қолсайди!

— Бунинг иложи йўқ, қизим, — деди буви, аммо ўзи ҳам ичкарига кириб, Алп тоғанинг уйини ва Ҳайдининг ётоғини кўриш ниятида эди.

Барчалари ўридан туриб, ичкарига киришди. Бобо Клара ўтирган аравачани уй бўсағасигача келтирди. Афсуски, арава бир оз кенгроқ бўлгани учун ичкарига киргизишнинг иложи бўлмади. Алп тоға узоқ ўйлаб ўтирмасдан Кларани эҳтиёткорлик билан кўтариб, уйга олиб кирди. Буви уй ичида у ёқдан-бу ёққа юриб, барча жиҳозарни томоша қилди, хоналар саранжом-саришталигидан, орасталигидан жуда завқланди, ҳатто қойил қолди.

— Ҳув тепадаги тўшак, менинча, сенники бўлса керак. Ҳайди, тўғрими? — деб сўради у, сўнгра қўрқмасдан нарвонга оёқ қўйиб тепага, пичан тўшалган жойига кўтарилди. — Бунчалар хушбўй ҳидлар таралмоқда бу ердан, ётоғнинг чинакам гулзорга ўхшайди-я.

Буви шифт ўртасидаги туйнукдан осмонга қаради. Кларани кўтариб олган бобо ҳам тепага чиқа бошлади, унинг ортидан зипиллаб Ҳайди пайдо бўлди. Улар қизининг қуруқ пичан тўшалган қулай тўшаги ёнида туришаркан, буви чуқур нафас олганча янги қуритилган пичанининг димоқчи қитиқловчи, қалампирмунчоқ ҳидига ўхшаш бўйлариини симирар, ўзинча алланарсалар тўғрисида ҳаёл сурарди. Клара эса Ҳайдининг ётоғига бутунлай мафтун бўлиб қолганди.

— Ҳайди, азизим, ётоғинг ажойиб экан. Таърифлашга сўз тополмаяпман. Етган жойингга бемалол осмонни, юлдузларни томоша қилишинг мумкин, тўшагингдан анвойи ҳидлар таралмоқда. Ташқаридаги арчаларнинг шовуллаши ҳам мусиқа сингари сени аллалаб қўйди. Бундай ажойиб ётоқни умримда кўрмаганман.

Алп тоға нималарнидир ўйлаганча бувига қаради.

— Миямга бир фикр келиб қолди, — деди у. — Агар буви менга ишонсалар ва қаршилиқ қилмасалар, менмича, қизчани бугундан бошлабқ шу ерда, бизникида қолдирган маъқул. Ҳар кунни ёқдан-бу ёққа кўтариб чиқариб, кўтариб тушириб уни анча толқитириб қўйишимиз мумкин. Яхшиси, шу ерда қолаверсин. Бу ерда тез орада куч-қувватга тўлиб, ҳеч нарса кўрмагандай соғайиб кетади. Турли рўмоллар ва кўрпачаларни олиб келганларинг ихши бўлибди. Ушалардан Кларага юмшоқ қина бир тўшак қиламиз. Қизчаин парваришлаш тўғрисида ташвишланманг, бу ишни ўз зиммамга оламан.

Клара билан Ҳайди худди қафасдан бўшалган қушчалардек шодон қийқариб юборишди. Бувининг чехраси ҳам қуёш нурлари тушгандек ёришиб кетди.

— Алп тоға, сиз жуда қўли очиқ ва ҳотамтой одам экансиз, — деди у. — Биласизми, ҳозиргина ўзимча «Қларани бу ерда қолдирсам, тез орада тузалиб кетади, бу аниқ гап, аммо кимдир унга қарашни, иссини совугидап хабар олиб туриши керак-ку, мен эса бу ерда қололмайман. Қларани ташлаб кетсам бобога огирлиқ қилмасмикан? Ташвишига ташвиш қўшилса керак», — деб ўйлаб тургандим. Сиз эса ўзингиз шу таклифни айтиб қолдингиз, ажойиб одам экансиз, азизим. Қаршини гизда таъзим қилсам арзийди, сизга чини қалбимда миннатдорчилик билдираман.

Буви шундай деб Алп тоғанинг қўлларини олиб раҳматлар айтди. Бобо ҳам жилмайиб, дарҳол ишни уннаб кетди. У Қларани бўсаға ёнида турган аравачага ўтқазиб қўйди. Ҳайди ҳам шу атропода шодликдан иштишлаб юрарди. Бобо меҳмонлар келтирган барча рўмол, кўрпача ва мўйна кийимларни кўтариб олди-да, жинмайганча деди:

— Буви худди сафарга отлангандек, барча лалушларини бирга олиб келгани жуда яхши бўлибди-д. Энди булар бизга асқотади.

— Алп тоға, азизим, — деди буви унга яқин келиб, — ҳар ҳолда, донишмандлардан «Етти ўлчаб, би

• деган мақол қолган. Эҳтиёт бўлиш яхши-да. Тоғингизда кезиб юрганимизда бўрон бўлмаса, ёмғир иб юбормаса нур устига аъло нур, аммо Худо кўрмасин, акси бўлса-чи?! Бирдан совуқ тушиб, бўрон арилиб, бирон нарса ёғиб қолса-чи?! Шу сабабдан иёт шарт, деб бу нарсаларни бирга олиб келгандик. Макли юкнинг оғири йўқ дейишади-ку, ахир.

Улар шундай суҳбатлашиб яна тепага, пичан тўшал-жойга чиқишди ва жуп рўмолларни қават-қават иб тўшак устига ёйишди. Рўмоллар жуда кўп бўлга-учун ўрни росмана тўшакка айланди.

— Энди буни биронта пичаи чўпи тешиб ўтолмай-
— деди буви қўллари билан Клара учун тайёрланган тақин пайнаслаб текшириб кўраркан.

Чиндан ҳам юмшоқ жуп рўмоллар қават-қават қи-
с-тахлангани учун қалин бир кўрпачага ўхшаб қол-
ди. Шундан кейин буви тинчланиб пастга тушди ва
иқарига, қизларнинг олдига чиқди. Улар шодликдан
тари ял-ял ёниб, Клара фермадалигида ҳар куни эр-
абдан кечгача нималар қилишини режалаштириб
ришарди. Бироқ унинг бу ерда қанча вақт бўлиши
таълим эди. Бу қизларни қизиқтираётган энг катта
сала бўлиб, буви келиши биланоқ шу саволни бериш-

Буви эса: «Буни Алл тоға мендан кўра яхшироқ
тади, у кишидан сўраглар», — деб жавоб қилди.
Бу ташқарига чиққанда, Ҳайди ундан сўради:

— Бобожон, Клара фермада неча кун қолади?

— Буига бирданига жавоб бериш қийин, — деди қа-
ла, — ҳар ҳолда Алл тоғлари ҳавоси Кларага қандай
сир қилганини аниқ билиш учун у камида тўрт ҳаф-
та шу ерда бўлиши лозим. Шундан кейин натижаларга
иб бир қарорга келармиз.

Қизлар шодликдан қийириб юборишди, чунки бу
қлат уларнинг тахминларидан анча ошиқ эди. Ниҳо-
от стаклаган йигит ва ўриндиқни замбилга ўхшатиб
тариб олган икки ҳаммол секин кўтарилиб келаётгани
га ташланди. Клара бу ерда қолишини эшитишгач,
ир ҳақларини олиб, дарҳол орқага қайтиб кетишди.
зи отга минишга ҳаракат қилаётганда, Клара шодон
қирди:

— Бувижон, кетаётган бўлсангиз ҳам сиз билан
ирлашмаймиз, чунки вақти-вақти билан бизни кўриш,
малар билан машгуллимизни билиш учун бу ерга,

фермага келиб турасиз-ку. Бу қапчалар яхши-я, тўми, Ҳайди?

Бугун шодликлари шодликка уланиб бораётган эди жавоб беролмади, ўзининг ҳам шу фикрда эканини сакраб, чапак изҳор эта олди, холос.

Бувни юк ташийдиган бақувват от устига миниб гандан кейин Алп тоға тулпорининг юганидан ушлаб, чағина тик йўлдан настга эна бошлади. Бувининг шу ерда қолаверинг, ўзим кетавсераман», — деганлари ҳам кор қилмади. Бобо Алп тоғларидаги йўл кўп жойларда ниҳоятда қиялигини, бу йўллардан миниб настга тушини юқорига кўтарилишдан анча дувор эканлигини тушунтириб, бувини қир этагидаги лоққача ўзи кузатиб қўймоқчилигини айтди. Бувни, тоғанинг маслаҳатига кўра қишлоқчада қолса ҳамларди, лскин ёлғиз ўзи бўлгани учун бировникида гандан кўра Рагазга қайтиб кетишни афзал кўрди ердан вақти-вақти билан фермага чиқиб туриш унча қийин эмасди.

Бобо уйга қайтишидан сал илгари эчкиларининг оғаси солганча, Петер келиб қолди. Узоқдан Ҳайдини кўриб, эчкилар у томонга отилишди. Кўз очиб юмгунча вачада ўтирган Клара ва унинг ёнида турган Ҳайди ўртасида қолиб кетишди. Эчкилар бир-бирини суриб, дига яқин боришар, қиз эса бирма-бир уларнинг ноирини айтиб, Кларага таништирарди. Шундай, қилиб, Кларанинг апча пайтлардан бери кўнглига туғиб юрган зуси, амалга ошди. У тез орада кичкина Шиссехёпли, ишқароқ Дистелфинк, бобонинг эчкилари Швэнли Бэрли, серка Улкан Турк ва бошқа эчкилар билан танишиб олди. Петер эса бу пайтда бир чеккада тураш шодликдан ўзини қўярга жой тополмаётган Клара ёвқараш қилиб тикиларди. Қизлар унга қараб: «Сен Петер, яхши келдингми?» — дейишганда, бола жавоб бериш ўрнига жаҳлланиб, қамчисини қарсилластурганда ҳеч нарса демай, қир этагидаги қишлоқ тоғга чопиб кетди. Эчкилар ҳам сакраб-сакраб унинг олдидан эргашинишди.

Шу билан Кларанинг бугун фермада кўрган бахти яхши нарсалари ниҳоясига етди. Кечқурун у Ҳайдининг тўшаги ёнидаги пичан уюми устига юмшоқ жул рўнлар тўшалиб тайёрланган ўрида ётарди. Ҳайди нардан тспага чиқаётганда, Клара шифтдаги туйун

донга кўз тикканча, жимирлаб турган юлдузларни
юзи қилиб, ҳаяжон билан деди:

— Ҳайди, қарагин-а, биз худди ничан тўлдирилган
танд арава устида осмонга учиб бораётганга ўхшай-
ми? Тўғрими?

— Ҳа, ҳа, мен ҳам шундай тасаввур қилгандим.
Ҳа, юлдузларнинг нега булчуқлар шодон чарақлаёт-
гани ва нега бизга кўз қисаётганини биласанми?

Иўқ, айтақол, ўзинг биласанми? — сўради Клара.

— Ҳа, биламан, улар тенада, осмонда туриб Худон
одо одамларнинг барча ишларини ўнглаётганини,
ернинг ҳеч нарсадан қўрқмасдан кўнглини тўқ қилиб
ишларини хоҳлаётганини кўриб туришибди. Барча
лар охир-оқибатда яхши ва одамларга фойдали бў-
лиш уларни қувонтирмоқда. Қара, улар: «Сизлар ҳам
ду халдон бўлинглар!» — дегандек жимирлашмоқда.
Ўгандай, уйқуга ётишдан аввал ибодат қилишни
тмаслигимиз керак. Кел, дугонажон, Худон таолога
ишжон этиб: «Бандаларингнинг ҳам барча ишларини
идан келтиргувчисан, бизнинг ишларимизни ҳам
идан келтир, токи биз ҳам ҳеч нарсадан қўрқмай,
ишларимизни тўқ қилиб юра олайлик», — деб ибодат
қилайлик.

Қилар қадрларини ростлаб, тунги ибодатни ўқиш-
Сўнгра Ҳайди ётиб, бошини бўлиқ билаклари устида
биди-ю, дарҳол интиллаб ухлаб қолди. Клара эса
та пайтгача ухлаёлмади, чунки юлдузларнинг нури
ниб турган бундай гаройиб ўринда бирон марта
чеган эди-да.

Очигини айтганда, Клара шу ёшга кириб, ҳали би-
р марта юлдузларни тузукроқ томоша ҳам қилмаган

Бунга сабаб, биринчидан, касаллиги бўлса, иккин-
дан, уларнинг уйида ҳеч ким кечалари ташқарига
мас, қуёш ботиши билан, ҳали осмонда юлдузлар
нимасданоқ деразалар қалин пардалар билан тўсиб
иларди. У ухлаб қолишга ҳаракат қилди-ю, аммо
масдан чиқолмади. Тенадаги туйнукдан кўриниб
ган иккича катта ёруғ юлдузнинг сирли шўълалари
Ҳайди айтганидек, кўз қисншлари унинг тинчини
рлаганди. Қиз анча вақтгача хаёл суриб, юлдузлар-
кузатиб ётди ва, ниҳоят, ҳали уларнинг жимирлаш-
ишга тўймасдан, қаттиқ ухлаб қолди. Уйқусида ҳам
тўқ юлдузларнинг чарақлашини туш кўрди.

ФЕРМАДАГИ ҲАЁТ

Тонг пайти, қуёш эндигина чўққилар ортидан ғариллашиб, бобонинг кулбаси ва пастдаги водий уларнинг заррин нурларини соча бошлаганда, Алп тоға ҳар бири одати бўйича ташқарига чиқиб, чор атрофдаги ғарилликларни, водийда тарқоқ туманларнинг ярқираш-ям-яшил қирлардаги майсалар устига қўнган шаб томчиларнинг олмосдек товланишини, қисқаси, куннинг бошланишини эҳтирос билан томоша қилди. Қуёш адл кўтарилиб, чўққилар, ўрмонлар ва қирлар зарҳал нурларига чулганшдан илгари зангор осмон кезиб юрган уқнар булутлар нурга чайилади. Бобо мунча вақт тонг отишини кузатгач, уйга қайтиб келиш ва парвондан оҳиста кўтарилиб, қизларнинг олмасида чиқди. Клара эндигина уйғониб, шифтдаган туйну билан бир томонини қуёш нурида ярақлаётган, иккинчи томонини қорамтир булутлар қоплаган зангори осмонни томоша қилаётган экан. Қиз бир оз уйқусираб турар, нимани кўраётганини, ўзининг қаерда эканини ҳам билмаётганди. Бир нарсдан кейин у ёнида пиллаб ухлаб ётган Ҳайдини кўриб, ўзига келди. Шу бобонинг шодон товуши эшитилди:

— Яхши ухлаб турдингларми? Чарчамадингларми ишқилиб?

Клара чарчамаганлигини, тун бўйи тошдек ухлаганини, тонггача бирон марта уйғонмаганини айтиб берди. Қизнинг гаплари бобони анча қувонтирди. Қизни кийинтириб, сочларини тараб, юз-қўлларини қўйди. Бу ишларни шунчалар ҳафсала билан қилиб кўрган киши! «Бобонинг асл касби бемор бола парвариш қилиш экан», — деб ўйлашни турган гап. Бу орада Ҳайди ҳам уйғонди. Қўзларини очиб бу қараса, бобоси Кларани кийинтириб, кўтариб, пилла тушириб кетаётган экан. Ахир, Ҳайди ҳам улар билан бирга бўлишни керак-ку! У ҳаш-паш дегунча кийим парвондан пастга тушди ва ташқарига чиқмоқчи бўлди. Лекин бирдан бобосига кўзи тушиб, унинг хатти-ҳаракатларига ажабланиб қараб қолди.

Кеча кечқурун, қизлар ухлаб қолгач, бобо Кларанинг аравачасини қандай қилиб ичкарига киритиш тегислигида анча бош қотирганди. Ниҳоят, калласига аж

бир фикр келиб қолди. У уй ортидаги оғил тарафдан деворнинг иккита катта тахтасини кўпориб олди, натижада деворда эшикдан анча кенгроқ оралиқ очилди. Бобо ўша ердан аравагани ичкарига киргизиб, тахталарни михламасдан яна жой-жойига қўйди. Ҳайди пастга тушганда, Алп тоға ўша тахталарни кўчираётганди. Дарча очилгач, бобо Клара ўтирган аравагани ўша оралиқ ташқарига, қуёш нурларига кўмлган ялангликка чиқазди, яланглик ўртасига боргач, сирғалиб кетмаслиги учун гилдиракларни тагига тошчалар қўйиб, ўзи эчкилар турган оғил томонга кетди.

Ҳайди сакраб-сакраб Кларанинг ёнига келди. Субҳидамнинг мусаффо шаббодаси қизларнинг ёноқларига урилар, баъзан у қаттиқроқ эсиб, арчаларнинг бироз ақимтир, қалампирмунчоқни эслатувчи ҳидларини келтириб, димоқларни қитиқлар, сўнгра мусаффо тонг ҳавоси билан омўхта бўлиб кетарди. Клара анвойи ҳидлар аралашган бу ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олар, ўзини араваганинг орқа суянчигига ташлаганча, умрида бирор марта ҳис этмаган шодмон туйғулар бутун вужудини қамраб олаётганидан, таърифлаб бўлмас аллақандай бир ҳузур-қаловат нафас олаётган ҳаво орқали юзлигига таралаётганидай роҳат қилиб, кўзларини юмиб ётарди. Очиғини айтганда, буларнинг ҳаммаси унинг учун янгилик эди, чунки у умрида бирор марта ташқарида мусаффо тонг ҳавосидан нафас олмаган, ҳозир эса Алп тоғларининг тоза, салқин ҳавоси юзларини сийпаларкан, навжувон онанинг бўлиқ кўкраклари, хуштанм сўти ҳидларидан маст бўлиб ухлаб қолган чақалоқдек, кўзлари юмилиб борарди. Очиқ қўлларига, оёқларига тушиб турган ёруғ, илиқ қуёш нурларини айтмайсизми? Бу нурлар қирлар тепасида унчалик қиздирмас, қандайдир мулойим ва ёқимли эди. Алп тоғларни табнати бунчалар гўзал ва ҳузурбахш эканлигини Клара ҳатто тасаввур ҳам этмаганди.

— Ҳайди, кошки бир умр шу ерда, сенинг ёнингда қололсам! — дея хитоб қилди у чор атрофдаги мусаффо ҳаво ҳамда қуёш нурларини ҳузур қилиб сиймрмоқчи бўлгандек, аравачасида у ёқдап-бу ёққа ўгирилиб.

— Сенига хатларимда ёзганларимнинг барчаси тўғри эканлигини мана ўзинг кўриб турибсан, — деди Ҳайди қувонч билан. — Бутун дунёдаги энг гўзал жой бобомнинг кўлбаси жойлашган шу қирлар экаиличига энди минн бўлгандирсан?

Шу дам Али тога оғилдан чиқиб келди. У қизларг
икки коса янги соғилган, кўпикланиб, буғи чиқиб турга
сут келтирган эди.

— Бу сепга жуда фойдали, — деди у Қларага. —
Швэнлини соғиб келдим. Унинг сути сенга қувват бера
ди. Ичиб ол, ош бўлсин.

Қлара сира ҳам эчки сутини ичиб кўрмагани, шу
нинг учун бир оз пайсалланиб, ҳидлаб кўрди. Ҳайди эс
ўз тегишинин бир кўтаришда ичиб қўйди. Бунини кўрга
Қлара ҳам ича бошлади. Сут чиндан ҳам шакар ва дол
чин аралаштирилгандек ширин ва мазали эди. Қлар
ҳам косада бирор томчи қолдирмасдан ичиб қўйди.

— Эртага икки косадан ичасизлар — деди бобо
Ҳайдидан ўрناق олганидан қувониб.

Бирмунча вақтдан кейин подапи олдига солганча
Петер етиб келди. Ҳайди эчкилаони силаб-сийпалаб
улар билан саломлашиб, пода ўртасида қолди. Боб
Петерни чеккага тортди, чунки эчкилар бир-биридан қат
тиқроқ маъраб, Ҳайдига яқинроқ боришга ҳаракат қи
лишар, шовқиндан қулоқ қоматга келарди.

— Галимга қулоқ сол, сардор, — деди бобо Петер
га, — бугунди бошлаб Швэнлини ўз ҳолига қўясан. Қа
ерда доривор кўкатлар борлигини ўзин яхши билади
Тепага чиқаман деса тўсқинлик қилма, орқасидан бо
равер. Бошқа эчкилар ҳам унга эргашини мумкин, улар
ни қайтарма, майли, ўз ҳолича тепаларга чиқиб ўтлаш
син, эшитаянсанми? Сен ҳам уларнинг ортидан чиқ, би
чарчасанг оз ҳам ҳеч нарса қилмайди. Қаерда яхши кў
кат борлигинин эчкилар сендан кўра яхшироқ билишадн
Шу сабабдан Швэнлини ўз ҳолига қўй, токи эртага эр
талаб сути янада ширинроқ ва серқаймоқ бўлсин. Қа
ёққа аланглаясан, худди бировни еб қўймоқчига ўх
шайсан-а! Ҳеч ким сенга ҳалақит бермайди, гапларим
ни тушундингми? Демак, олга, тагин эсингдан чиқиб
қолмасин!

Петер бобонинг сўзларга доим амал қиларди, шунинг
учун лом-мим демай тепага, тоғ чўққилари томон кети
бошлади, аммо унинг Ҳайдига нимадир дсмоқчи бўла
ётгани сезилиб турар, чунки тез-тез ўғирлиб, пода ўр
тасда келаётган қизга қарарди.

— Сен ҳам бирга борасан, — деди у ниҳоят, эчкила
шовқинидан баландроқ овоз билан. — Швэнлини ўз ҳо
лига қўядиган бўлсак, борғшининг керак.

— Йўқ, Петер, мен боролмайман, — дея жавоб қил

и Ҳайди, — Кларани ёлғиз қолдириб кетолмайман-ку. Иммо бир кун и ҳаммамиз биргаликда ўтлоққа чиқамиз, кларани ҳам олб борамиз. Бобом шундай дедилар.

Ҳайди эчкилар орасидан сирғалиб чиқди-да, Клара тирган томонга чопқиллаб кетди. Петер эса «Ҳан сеними» дегандек, иккала қўлини мушт қилиб, Клара омонга шундай дўлайтирдик, эчкилар жон ҳолатда кки томонга тарқалиб, ўзларини четга олишди. Петер тартга бурилиб, теналик томон анча жойга югуриб етди, чунки: «Мушт дўлайтирганимни бобо кўриб қолан бўлса, кечқурун қайтганимда дабдала қилади, бу рдди тезроқ жуфтак ростлай», — деган қарорга келгани. Эчкилар ҳам унинг ортидан сакраб-сакраб, тенага ўтарилиб кетишди.

Клара билан Ҳайдининг бугунги кун учун режалашан оилари шунчалар кўп эдики, қайси биридан бошлангани билмай роса бош қотиришди. Ниҳоят, Ҳайди биничи навбатда Кларанинг бувисига хат ёзишни тақриф қилди, чунки улар буви кетаётганда: «Сизга ҳар ун хат ёзиб турамыз», — деб ваъда беришганди-да. Буви қир тенасидаги бу кулба Кларага ёқадими ёки бир-икки кундан кейин уйимга кетаман, деб қоладими ҳамда бу ерларнинг ҳавоси унинг соғлиғига қандай таъсир қиларкин, деган хавотирда қизларга: «Ҳар кун иенга хат ёзиб туринглар, кўрган-кечирганларингни иттаям қолдирмай тасвирланглар», — деб тайинланган. Буви хатларини олиб ўқигач, қизларга унинг ёрдами керакми-йўқми, биниб олар, керак бўлса дарҳол тенага, бобонинг уйига йўл олар, керак бўлмаса, пастда, Рагазда бемалол ўзчилари билан машғул бўлиши мумкин эди.

— Хат ёзадиган бўлсак, эҳтимол, ичкарига кирганимиз маъқулроқдир? — деб сўради Клара. Унинг буви-ига хат ёзини истагида эканлиги яққол кўриниб турар, иммо бу ерда, ялангликда шунчалар ҳузур қилаётган-инки, жойидан қимирлагиси келмасди. Ҳайди Клара-нинг ҳолатини тушуниб, дарҳол бу вазиятдан чиқини йўлини топди. У югуриб бориб уйдан халтасини ва уч ёқли курсичани кўтариб келди. Халтадан ўқини китоби ва бир дафтар олиб, Кларанинг тиззасига қўйди ҳамда ўлига қалам тутқизди. Ўзи эса курсичани дугонасининг иига қўйиб ўтирдан ва шу тариқа улар бувига айтмоқ-и бўлган гапларини қозоғга тушира бошлашди. Клара итга гапини ёзиб бўлгач, бир неча дақиқа атрофга тер-

мулиб қоларди, чунки теварак жуда гўзал эди. Энд
шаббода ҳам унчалар салқин эмас, қандайдир муло
имлашиб қизларнинг юзларини елпир, тепада, арчазор
да майин шивирларди. Мусаффо ҳавода минглаб майда
ўйишқароқ паишшалар рақс тушишар, қуёш нурлари
гарқ бўлган водийда эса сукунат ҳукмрон эди. Бала
тоғ чўққилари салобат ва улуғворлик ила сукут сақла
водийга термулиб туришар, пастда эса гўё ҳамма нар
тўхтаб қолгандек, ҳеч ниманинг қилт этгани сезилма
ди. Фақат аҳён-аҳёнда чўпон боланинг «қур-эй!» дег
қувноқ овози сукунатни бузар, юксак чўққиларда ан
садо берарди.

Шу аснозда кун тушликка яқинлашиб қолгани
қизлар сезмай ҳам қолишди. Бир вақт бобо уйдан бу
чиқиб турган катта қозон келтириб, кечаги устол усти
қўйди, сўнгра Кларанинг аравачасини ўша ерга оли
борди. Ҳайди уларга эргашди.

— Клара кун бўйи очик ҳавода бўлиши керак, — д
ди бобо. — Шунинг учун ҳар доим ташқарида овқат
намиз.

Улар учовлон уй олдида ўрнатилган устол атрофи
ўтириб, тушлик қилишди. Овқатдан кейин Ҳайди Кл
рани арчазорга олиб борди, чунки улар шу ердаги со
да ўтириб дам олишмоқчи ва Ҳайди Франкфуртдан ке
ганидан бери нималар қилганини Кларага сўзлаб бе
моқчи эди. Клара ҳам ўз навбатида уйларидаги ҳа
доимо бир тарзда кечгапига қарамасдан Зеземанли
оиласидаги Ҳайди жуда яхши танийдиган киши
уларнинг қилмишлари тўғрисида дўгонасига гапир
бермоқчи эди. Қизлар кекса арча соясида ўтириб, би
бирларига турли воқеаларни ҳикоя қила бошлашди.

Улар қанчалик жўшиб гапиринса, арча шохлари
қўниб олган қушчалар ҳам шунчалик қувноқ чуғура
шар. қизларнинг шод-хандон овозлари уларни илҳо
лантириб юборганга ва улар ҳам бу шодон суҳбат
қўнилишини келаётганга ўхшарди. Қизлар шир
суҳбат билан банд бўлиб, кун қандай ўтиб кетгани
кеч кириб қолганини ҳам пайқамай қолишди. Тепад
шовқин-сурон билан тушиб келаётган эчкилар под
кўриди. Уларнинг ортидан пешонасини тириштир
«сарбон», яъни Петер келарди.

— Салом, Петер! — дея қичқирди Ҳайди у тўхтама
дан ўтиб кетиш ниятида эканини пайқаб.

— Салом, Петер! — деди Клара ҳам.

Петер эса уларнинг саломига алик олмасдан, бурнини тортганча, эчкиларни ҳайдаб ўта бошлади. Бобо Швэнлини соғиш учун оғилга тортди, буни кўрган Кларада ўз-ўзидан хуштаъм, янги соғилган сут ичиш истаси пайдо бўлди. Бу истак шунчалар кучли эдики, қиз ўзи ҳам ҳайратда эди. У, бобо Швэнлини қачон соғиб, бизга сут келтираркан, деб бетоқатлик билан кута бошлади.

— Сенга галати бир воқеани айтиб берай, — деди Клара Ҳайдига. — Мана, эсимни танибманки, овқат ейман, чунки шундай қилишга мажбур эдим. Бирор марта ўзим: «Менга фалон овқатни беринглар», — деб айтганим йўқ. Таомлар ҳеч қачон маза-матрасиз бўлмаган, лекин барисидан балиқ мойининг ҳиди уфуриб турарди. Шунинг учун минг марталаб: «Кошки ҳеч ким овқат ейишга мажбур қилмаса, овқат смай жураверсам», — деб орзу қилардим. Энди эса тескариси бўлаяпти, бобо қачон Швэнлини соғиб, менга сут келтираркин, деб орзиқиб кутиб ўтирибман.

— Ҳа, буни мен ҳам яхши биламан, — деди Ҳайди тушунганима бош ирғаб, — Франкфуртда ўтказган дамларим ёдимга тушди. У ерда еган овқатим томоғимга тикилиб қолар, меъдамга тушай демасди. Шунинг учун иложи борича ҳеч нима емасликка ҳаракат қилардим. Бу ерга келгач эса бутунлай ўзгариб кетдим, овқатни сўраб оладиган бўлдим.

Албатта, Клара буни ҳали яхши тасаввур қилолмас, чунки эсини таниганидан бери бирор гал ташқарида, очиқ ҳавода ўтириб, Алп тоғларининг ҳаётбахш саболаридан чуқур-чуқур нафас олиб тушлик қилмаган эди. Бобо қизларга икки коса сут келтирди. Клара косани шартта олиб, бир кўтаришда ичиб қўйди. Ҳатто Ҳайди ҳам унга ҳайрон бўлиб тикилиб қолди, чунки ўзи сутнинг ярмини ҳам ичиб улгурмаганди.

— Яна озгина бўлса ичардим, — деди Клара косани бобога бераркан.

Алп тоға мамнунят билан бош ирғаб, Ҳайдининг косасини ҳам олди-да, уйга кириб кетди. Бир оздан кейин яна иккита коса кўтариб чиқди, лекин энди уларда сут эмас, бошқа таом бўлиб, дўппайиб турарди. Бобо тушликдан кейин қирнинг нариги томонидаги чўпон чайласига, эчки ва қўйларнинг қаймоғидан ширин сарғег олинадиган жойга бориб, бир думалоғ сарғег келтирганди. Ҳозир у икки бўлак пон устига ўша мазали

сарёгдан қалин қилиб суртиб келтирган, бу қизларнинг шомлик овқати эди. Қизлар уни иштаҳа билан тушира бошлашди. Бобо уларни бир чеккада жилмайиб кузатиб турар, шундай иштаҳа билан овқат ер турса, Клара ҳам тез орада Ҳайдига ўхшаб соғайиб кетади, деб ўйларди.

Тўшакка ётишгач, Клара шифтдаги туйнукдан яна юлдузларни кузатмоқчи бўлди, ammo ёнида ётган Ҳайдининг ҳолига тушди. Бошини ёстиққа қўяр-қўймас кўзлари ўз-ўзидан юмилиб, қаттиқ ухлаб қолди. Очигини айтганда, бу унинг умрида биринчи бор типч ва бамайлихотир ухлаши эди.

Кейинги кун ҳам, ундан кейинги қатор кунлар ҳам шу тарзда, шодлик-қувончларга лиммо-лим ҳолда ўтди. Ва ниҳоят, барчани ҳайратга солган воқеа содир бўлди. Бир кун иккита бақувват ҳаммол йигит Рагаздан бобонинг қир тепасидаги кулбасига чиқиб келишди. Уларнинг ҳар бири тўлиқ жиҳозланган чорпояни орқалаб олганди. Улардаги тўшаклар бир хил бўлиб, тоза ва ян-янги жилдларга ўралган, устидан эса ошпоқ чойшаб ташланганди. Ҳаммоллар бувидан хат ҳам келтиришибди. Унда буви буларнинг барчасини Клара ва Ҳайди учун харид қилганлигини айтиб, бободан қизларнинг ётоғидаги пичаиларни олиб ташлаш, ўринга шу чорпояни қўйишни илтимос қилганди. Бундан ташқари Ҳайди ҳам бундан буён чинакам тўшакда ухлаши, қиш ойлари пастдаги қишлоқчага кўчишганда чорпояни ҳам олиб тушиш мумкинлигини, иккинчи чорпоя эса Клара улариникига борган пайтларда фойдаланиши учун доим Али тоғанинг уйида бўлиши зарурлигини таъкидлаганди. У қизларга ёзган хатлари учун раҳматлар айтиб, ҳар кун шундай хат битиб, Кларанинг аҳволидан бувини хабардор қилиб туришларини сўраганди. Қизлар хатни ўқиётганда, бобо Ҳайдининг ётоғига кўтарилиб, у ердаги пичанларни олиб ташлади ва сунуриб-сидириб қўйди, кейин пастга тушиб ҳаммол йигитлар ёрдамида чорпояларни тепага чиқарди. Кейин шифтдаги туйнукдан юлдузлар иккала қизга ҳам кўришиб туриши учун чорпояларни ёнма-ён қўйдирди, чунки қизлар оқшом маҳали юлдузларни ва тонг пайти кўкдаги булутларга тушган қуёшнинг илк нурларини ўша ердан томоша қилишни яхши кўришарди. Кларанинг бувиси эса этакда, Рагазда меҳмонхонага жойлашиб, ҳар кун қизлардан келган хатларда ёзилган муждаларни ўқиб, бема-

дол ўз ишлари билан машгул бўлиб юрарди. Клара ҳар сафар бувисига хат ёзганда, янгича турмуш тарзидан мамнулигини, бобонинг олижаноблиги ва уни парвартиш қилишдаги жонбозликларини таърифлашга сўз топпайётганини, Ҳайди Франкфуртдалигидан кўра бу ерда қўпроқ шўх ва ўйинқароқ бўлиб кетганини, ўзининг эса ҳар кун тонг пайти кўзини очган заҳоти биринчи навбатда Алп тоғларини яратиб қўйгани учун Худога шукроналар айтаётганини битарди. Бундай хушхабарлар бувисининг кўнглини тоғдай кўтарар, шу сабабдан у Алп тоғининг уйига навбатдаги ташрифини бир оз кўнгли хижил бўлса-да, кейинроққа қолдирар, чунки от миниб тоққа чиқиш ва кечқурун яна от устида этакка, Рагазга қайтиш бувига жиндск оғирлик қиларди.

Бобо эса ўз тарбиясига олган қизларга айрича эътибор қаратар ҳар кун уларга куч-қувват беришнинг янги-янги усулларини ўйлаб топарди. Энди у тушликдан кейин қизлар арчалар соясида дам олаётганда, баланд чўққиларга чиқиб, камёб, хушбўй доривор кўкатларни териб келадиган бўлди. Улар орасида албатта чинингүл, қаламнирмунчоқ ва зирага ўхшаш ўсимликлар бўлиб, хушбўй ҳидлари аича олис масофадан ҳам димоққа уриб турарди. Бобо уларни оғилга олиб кириб, эшикни ёпиб қўяр, Петер подани ҳайдаб ўтаётганда, кўпгина эчкилар маърашиб оғилга киришга ҳаракат қилишар, чунки бу мазали кўкатларни ҳидидан билишарди. Аммо Алп тоға оғилнинг эшигини доим маҳкамлаб қўяр, чунки бу доривор ўсимликларни у эчкилар подаси паққос тушириши учун тоғма-тоғ кезиб териб келмаганди-да. Бу кўкатлар фақат Швэнлига берилар, чунки унинг сuti янада ширали ва дармондориларга бой бўлиб, бемор Кларага тезроқ оёққа турғизиши лозим эди. Швэнлига кўрсатилаётган алоҳида эътибор беҳуда кетмади. У доривор гиёҳларини еган сайин бошини тик, қаддини ғоз тутар, бу кўкатларни кўрганда кўзларини чақнаб кетарди. Бобо ҳам кун сайин янада баландроқ чўққиларга чиқиб, доривор кўкатлар териб келар ва Швэнлига едирар, унинг сutiни ичган Клара ҳам кун сайин ранги очилиб, тўлишиб борарди. Қария Кларага тезроқ оёққа турғизишга қатъий бел болагани яққол кўриниб турарди. Ана-мана дегунча қиз фермага келганига ҳам уч ҳафта бўлиб қолди. Бир кун тонг пайти бува уни пастга тушириб, аравачасига ўтиргизаётганда: «Қизим, балки бугун оёғингни ерга қўйиб,

Ўзинг бир оз тик туришга ҳаракат қилиб кўрарсан?..» — деди. Клара унинг гапини икки қилгиси келмай туришга уриниб кўрди, аммо оёқлари қаттиқ оғригани учун кўзларига ёш қалқиб иккала қўли билан бобога маҳкам ёпишиб олишга мажбур бўлди. Иккинчи куни қария қизин қўлтиқларидан ушлаб, анча вақт тик турғизди. Кларанинг бирон нарсадан ушлаб тик туриши ҳам аста-секин одат тусига кириб қолди.

Али тоғларида ёз фасли бир неча йиллардан бери бупчалар тароватли бўлмаган эди. Қуёш ҳар куни булутсиз осмонда чарақлаб кезар, қирлар юзидаги энг майда гуллар ҳам тўлиқ очилиб, яшнаб, хушбўй ҳидлар таратар, кунботар пайтлари қуёш ёзнинг чилласида ҳам қори эримайдиган чўққиларни қирмизи, лоларанг нурлари билан бўяб, сўнгра секин-аста олтиндек алан-галанаятган уфқ денгизига шўнгиб кетарди.

Ҳайди ҳар куни дугонасига тепадаги яйлов тўғрисида сўзлаб берар, фақат ўша ердан турибгина Алп тоғларининг чинакам жамолини томоша қилиш мумкинлигини таъкидларди. Яйлов чеккасидаги тик жарлик тўғрисида у алоҳида бир иштиёқ билан сўзлар, фақат ўша яйловдагина олтиндек яшноқ қизғалдоқлар ўсишини, мовий қўнгиirroқгуллар ҳам жуда кўнлигини, ҳатто майсалар ҳам яшил эмас, қандайдир мовий тусда эканлигини айтиб, Клара ҳайратга соларди. Ҳайдининг айтишига қараганда, яйловда даста-даста кулранг гуллар ҳам бўлиб, шунчалар хушбўй эканки, ҳидлаган кишини ёнидан кетгиси келмай қоларкан. Ҳайди арча соясида ўтирганча, дугонасига яйловдаги намозгар қуёшининг кўриниши, чўққиларнинг нурда ярқирашини сўзлаб бераркан, бутун вужудида аллақандай ички бир орзиқиш ҳис этиб, тепага, яйловга келиб кетди, сўнгра ўрнидан сакраб туриб, бобоси томонга йўналди. Алп тоға бу пайтда оғил эшиги ёнидаги курсиçada ўтирганча, алланималарни режалаштираётганга ўхшарди.

— Бобожон! — дея қичқирди Ҳайди. — Эртага бизни тепадаги яйловга олиб борасизми? Ҳозир у ерлар жуда гўзал бўлиб кетгандир-ов.

— Майли, шундоқ бўла қолсин, — деди бобо, — аммо битта шартим бор. Клара менинг кўнглимни кўтарадиган иш қилсин. Кечқурун у ҳеч кимнинг кўмагисиз бир қнча вақт тик туришга уриниб кўрсин.

Ҳайди ҳурсанд ҳолда бу хабарни Кларага етказди, у эса ҳатто бобо талаб қилаётганидан кўнроқ вақт тик

уртман, деб ваъда берди. Чунки у ҳам ниҳоят тепага, чиқилар ўтлайдиган яйловга сайр қилиши мумкинлигини ниҳоятда хурсанд эди. Ҳайдининг ҳам қувончи нчиа енгмас, шунинг учун оқшом палласи тенадан эчкиларини олдига солиб тушиб келаётган Петер кўринган аҳоти унга қараб қичқирди:

— Петер! Петер! Эртага биз ҳам сизлар билан бира яйловга чиқамиз ва кун бўйи ўша ерда бўламиз!

Петер эса жавоб бериш ўрнига тундлик билан аллаималар деб гўлдиради, сўнгра ёнида майда қадамлар билан йўртиб кетаётган бегуноҳ Дистелфинк устига қяқл билан қамчи тортди. Аммо Дистелфинк ҳам анойи эмасди. У «сардор»нинг феълини яхши биларди. Қамчи ўтарилган заҳоти у бир сакраб, Шнеехёплнинг устига ўтиб кетди. Қамчи ҳавода қарсиллади, холос.

Клара билан Ҳайди ширин умидлар оғушида буви оғза қилган янги, гўзал чорпояларига чўзилишди. Эртанги кун режалари билан тўлиб-тошган қизлар тунин бедор ўтказишга, ширин суҳбат қуриб тонг оттиришга келишиб олишди, бироқ бошларини момиқдек юмшоқ болишга қўйишлари билан кўзлари ўз-ўзидан юмишиб кетди.

Клара тушида минглаб қўнғироқгуллар очилиб ётган, осмондек зангори тусдаги поёнсиз яйловни кўриб инқди. Ҳайдига эса тушида тепаларда учиб юрган улсан қорақуш кўринди. У тинмай қағиллармини:

— Келинглар! Тезроқ! Тезроқ!..

Саккизинчи фасл

КУТИЛМАГАН ВОҚЕАЛАРНИНГ КЕЧИШИ

Эртасига тонготарга яқин бобо ташқарига чиқиб, бугун кун қандай бўларкан, дея атрофни кузата бошлади. Тонгнинг баланд чўққилари қизғиш-сарғиш тусга кирган, енгил шамолда арчаларнинг шохлари титраб турар, уфқдан қуёш чиқиб келаётган налла эди. Бобо бирмунча вақт давомида чор атрофга синовчан назар ташлади, ниҳоят баланд тоғ чўққиларидан кейин ямшиил теналиклар ҳам олтиндек сарғиш нурларга кўйилди. Водийдаги қорамтир кўланкадек жойлар ҳам ўқолиб, уларининг ўрнига қизғиш нурлар оқиб тушди. Еспаликлар ҳам, наstdаги водий ҳам субҳидамнинг

заррин нурларига кўмилиб, ярқираб кетди. Уфқда қу кўринди.

Бобо Қларнинг аравачасини ташқарига чиқар эдик олдиға қўйди, сўнгра қизларин уйғотиш учун карига кирди.

Шу пайт эчкиларини олдиға солганча, этакдан, қа лоқ тарафдан Петер чиқиб келди. Эчкилар ҳар ку одатларича, Петернинг орқа-олдиға ўтиб, бамайли тир маърашиб эмас, қандайдир ваҳима ичида, нимадир ҳуркиб, бири у ёққа, бири бу ёққа сакраб келиши ди, чунки бола худди жазаваси қўзиган айиқдек бес бесабаб, тўғри келган эчкини қамчилар, қамчи эса м лумки, ҳеч кимға ҳаловат бахш этмайди. Петерни газаби жунбушға келган, аламиға чидай олмасди. Ма бир неча ҳафталардан бери Ҳайди у билан ўйнамай Петер эса бу ҳолатға кўниколмай гам чекмоқда. У кунни тонг пайти у қишлоқдан эчкиларни йиғиб, бобони қир тепасидаги уйи олдиға ҳайдаб чиққанда, бес қиз уйолдиға чиқариб қўйилган аравачасида ўтир бўлади. Ҳайди эса унинг олдида гиргиттон. Кечки пи Петер тоғдан тушиб келаётганда, бу қиз уйдан бир тепароқдаги арчазор тағида дам олаётган бўлади. Ҳ ди эса яна у билан банд. Бу нима деган гап, ахир, тун ёз ўтиб борапти-ю, Ҳайди ҳали бирон марта у лап яйловға чиққани йўқ. Тўғри, бугун улар яйло чиқишмоқчи, аммо аксига олиб анави лаънати ара чани ва бегона қизни ҳам бошлаб чиқишади. Яйло чиққанида ҳам Ҳайди бари бир Петер билан ўйнамай Турган гапки, ўша бегона қиз атрофида гирдикана бўлади. Петер буни олдиндан сезиб турар, аравач қараб ич-ичидан тўпланиб ётган газаблари бутун жунбушға келарди. Петер гилдираклари айланишга, гона қизни яйловға олиб чиқишга шай бўлиб тур мағрур аравачаға — ўзининг «душмани»ға ўқрайиб ради. Ҳа, бу аравача унга қанчалар изтироб келтир ди, қанчалар шодлик ва қувончларидан маҳрум эт ди, дейсиз. Бугун эса у Петернинг яраларига қайта туз сепмоқчи, келтирган гам-изтироблари етмаганд энди ўша қизни яйловға, Петер баъзан чўзилиб ух оладиган, айвойи гулларнинг хушбўй ҳидларидан м бўлиб, аламларини бир оз унутадиган жойға олиб б моқчи. Йўқ, бунақаси кетмайди, азизим.

Петер аланглаб атрофға разм солди, ҳаммаёқ ж жит, биронта одам зоти кўринмайди, Айни пайти, ҳо

олмаса қачон олади? Бежо кўллари қонга тўлиб ара-
цага ташланди, ғазаб билан уйни айлантриб ўтиб,
арлик ёқасига келтирди ва кучли зарб билан уни ита-
б юборди. Аравача шашт билан жарликдан пастга
иб кетди ва бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Петер эса
идди қанот чиқаргандай тоғ яйлови томон югуриб кет-
ди. У тепадаги маймунижон буталари ўсиб ётган ерга
тушча тин олмади. Петер бобога кўриниб қолишдан
уда қўрқарди, шу сабабдан дарҳол буталар орасига
ини урди. Аравача қандай ҳолга тушганини кўриш
ақсадида бошини кўтариб қаради. У яшириниб олган
аймунижон бутаси олдида жарлик жуда яхши кўринар,
яна бута ортидан туриб жарликин кузатиши, бобо кў-
нгудек бўлса, дарҳол яшириниб олиши мумкин эди. У
идди шундай қилди.

Қараса, аравача тошларга ва буталарга урила-
нида думалаб, пастга тушиб бораётган экан. Ниҳоят,
кятта бир тошга урилиб ҳавога кўтарилди ва бир не-
мартта чир айланиб, қарсиллаб ерга урилди ҳамда
арча-парча бўлиб сочилиб кетди. Гилдираклари, суян-
иғи, юмшоқ ўрнидиқлари бўлакларга бўлиниб, ҳавога
иди «Душманнинг бу ҳолга тушганини кўрган Петер
ида йўқ қувониб ўрнидан турди. У ҳатто бобо тўсат-
ли киқиб қолиши мумкинлигини ҳам унутиб, қийқириб
омонга сакради. Чапак чалиб, ер тепкилади, сакраб-
акраб бута атрофини айланди, кейин яна пастликка эн-
ишиб қаради. Қайтадан қаҳ-қаҳ уриб, осмонга сакради.
Душманнинг ерпарчин бўлгани Петерни ҳаддан таш-
ари қувонтириб юборди. У энди юз бериши мумкин
ўлган воқеаларни бирма-бир кўз ўнгидан ўтказди.
Аравачаси бўлак-бўлак бўлиб сочилиб кетгани учун эн-
я бегона қизини уйига олиб кетишади. Утиргизиб таш-
арида, у ёқдан-бу ёққа олиб юришининг иложи бўлма-
андан кейин бундан бошқа нима ҳам қилишарди. Ҳай-
и яна ёлғиз ўзи қолади, зериккан пайтлари Петер билан
тлоққа чиқади. Қисқаси, эрта тонгдан то кечгача улар
ири бўлишади, ҳаёт яна аввалги изига тушади. Бироқ
Петер биронта ёмон иш қилиб қўйган кишининг аҳволи
е кечишини, унинг қандай жазоларга мустаҳиқ бўлиши-
и ҳали ўйлаб ҳам кўрмаганди. Бир вақт Ҳайди сакраб-
акраб уйдан чиқди ва огил тарафга йўналди. Унинг ор-
идан Кларани кўтариб олган бобо кўринди. Оғилнинг
иғи ланг очиқ, сал нарироқда девордан кўчириб олин-
и тахталар суяб қўйилган, оғилнинг ичи кундузгидек

ёп-ёруг эди. Ҳайди у ёқ-бу ёққа қаради, чопиб о бурчагига борди, кейин яна орқага қайтди. Юзида эронлик белгилари кўринди.

— Нима бўлди, Ҳайди? Аравачани бирон ёққа о бориб қўйдингми? — деб сўради бобо.

— Йўқ, бобожон, ҳаммаёқни қараб чиқдим, ле араваа кўринмайди. Сиз уни оғилнинг эшиги ёнида гандингиз, шекилли? — Ҳайди кўзларига нишонқир яна атрофга разм солди. Бу орада шамол қаттиқроқ бошлади. Тўсатдан оғилнинг эшиги қарсиллаб ёни дсворга суяб қўйилган тахталар тарақлаб ерга қули

— Бобожон, эҳтимол, уни шамол учуриб кети дир? — деб сўради Ҳайди кўзлари чақнаб. У арава сирли равишда гойиб бўлганининг сабабини тонган эди. — Агар шамол уни пастга, қишлоқчага учуриб гаи бўлса, бу ерга олиб чиқиш учун анча вақт кети демак, бугун яйловга боролмас эканмиз-да?

— Мабодо шамол этакка учуриб туширган бў, қайтариб чиқаришининг умуман иложи йўқ, чунки шу бадандликдан пастга қулагач, парчаланиб кетгандир деди бобо уй бурчагига ўтиб, аравача турган жой жарликкача бўлган мсофани чамалаб кўраркан, — аи бу сираям ақлга сигмайди, — қўшиб қўйди у, — нег аравача жарликка учиб кетиши учун уйнинг тсиг яри ни айланиб ўтиши керак эди-да.

— Афсус, минг бора афсус, энди биз яйловга бора маймиз, эҳтимол, ҳсч қачон боролмасак керак, — д зорланиб Клара, — аравачам йўқолди, энди уйга атиб кетишга мажбурман. Афсус, минг бор афсус!

Ҳайди бобосига умидвор кўзларини тикди:

— Бобожон, бир йўлини ўйлаб топарсиз-а, тўғри Клара бу ерга не-ис умидлар билан келган, наҳс унинг умидлари чиннакка чиқиб, уйига қайтиб кети га йўл қўйсак?!

— Ҳозир режалаганимизга амал қилиб, яйловга қаверайлик, у ёғи бир гап бўлар, бирор нарса ўй топармиз, ахир, — деди қария.

Қизлар хурсандликдан қийқириб юборишди. Е Клараин майсалар устига ўтқазиб, уйга кириб ке Кейин Клараинг бувиси келтирган жун рўмоллар бир қанчасини кўтариб чиқди. Уларини қуёш нурида, наб турган майсалар устига тўшаб, Клараин ўтқа Сўнгра қизларга бир косадан сут ичирди, косаларни га қўйиб, оғилдан Швэнли ва Бэрлини ҳайдаб чиқд

— Негадир «сардор» бугун эчкиларини бошлаб чиқмади ёки биз ухлаб ётганда ўтиб кетдимикан? — деди бобо ўзича, чунки у бугун Петернинг ҳуштагини ҳам, эчкиларининг шодмон маърашларини ҳам эшитмаганди. Бобо Клараининг оёқларининг рўмол билан ўраб, кўтариб олди.

— Қани кетдик, олга! — деди у. — Эчкилар ортимиздан келишавсради.

Ҳайди худди шуни кутиб турганди. У бир қўлини Швэнлининг, иккинчи қўлини эса Бэрлининг бўйига қўйганча, бобосининг ортидан йўлга тушди. Эчкилар ниҳоят Ҳайди билан сайр этиш имконияти тугилганидан шунчалар суюнишар эдики, қизнинг икки томонидан суйкалишиб қадам ташлашарди. Улар тепадаги яйловга етиб келишганда, эчкилар тўда-тўда бўлиб, ўтлоқнинг тик кесилиб тушган чеккасида туришар, Петер эса уларнинг ўртасида, майсалар устида чўзилиб ухлаб ётарди.

— Кейинги сафар ёнимиздан сездирмай ўтиб кетиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман сенга, ўйқучи, нега бундай қилдинг? — деб қичқирди бобо.

Таниш овоздан чўчиб уйғониб кетган Петер сакраб ўрнидан турди.

— Биз ўтаётганимизда ҳали ҳеч ким уйғонмаган экан, — деди у кўзларини ишқалаб.

— Аравачани кўрмадингми? — сўради бобо ғазаб билан.

— Қайси аравачани? — ўзини тушунмаганга олиб қайта сўради Петер.

Бобо ҳеч нарса демасдан жун рўмолларни майсалар устига тўшаб, Кларага ўтқазди-да, сўради:

— Яхши ўрнашиб олдингми, қизим?

— Жуда яхши ўрнашдим, бобожон, худди аравачамда ўтиргандекман, — деди Клара, сўнгра Ҳайдига юзланди. — Менимча, яйловнинг энг яхши жойида ўтирибмиз шекилли, атроф бунчалар гўзал-а!

Бобо кетishга чоғланди.

— Икконларнинг мазза қилиб гаплашиб, ўйнаб ўтираверинглар. Тушлик вақти бўлганда, Ҳайди бориб озиқ-овқат солинган тўрванни келтиради. Уни ҳув анави буталар соясига қўйганман. Сўнгра Петер сизларга сут беради. Ҳайди, сен қараб тур, у боника эчкини эмас, Швэнлини соғиб, сизларга сут берсин. Хоҳлаганларингча ичаверинглар. Кечга яқин келиб, сизларин олиб ке-

таман. Ҳозир бориб, аравагани ахтариб кўрай-чи.

Осмон булутсиз, тўқ зангори тусда эди. Тепадаги қор босган чўққи гўё минглаб олтин ва кумуш юлдузчалар сочиб ташлагандек жимирлар, парстроқдаги қорсиз қўнғир қоялар қадим замонлардагидек жойида қимир этмай этакдаги водийга жиддий назар ташлаб турдишарди. Осмонда катта қора қуш мовий ҳавони келиб айланиб учар, салқин тоғ ҳавоси тепаликларга тўйуриб эсар қуёш нурларига кўмилган Алп тоғларига озгина бўлса-да, ҳаловат бахш этишга уринарди. Қизлар тасвирлаб бўлмас даражада шод эдилар, чунки гоҳ эчки, гоҳ бу эчки келиб уларга сўйкалар, ёнларида бир оз ётиб тин оларди. Ҳаммасидан ҳам ширинтой Шисе ҳёбли уларнинг олдида кўн келар, бошини Ҳайдиннинг елкасига қўйиб олар, бошқа эчкилар келиб, шохлари билан туртиб кеткизибмагунча, умуман қизларнинг ёнидан кетгиси келмасди. Шундай қилиб, Клара ҳам барча эчкилар билан яқиндан танишиб олди. Энди у ҳамма эчкиларни номма-ном билар, бирини иккинчиси билан адаштириб юбормасди, чунки эчкилар ҳам юзаки қараганда бир-бирига ўхшаса-да, ҳар бири ўзига хос андони ва қилиқларга эга эди. Эчкилар ҳам Кларага анча ўрганиб қолишди. Улар энди Кларанинг ёнига келиб сўйкалишар, бошларини қизнинг елкасига қўйганча эркаланишарди. Уларнинг бу қилиқлари қиз билан яқиндан танишиб, унга кўрсатаётган ҳурматлари белгиси эди. Шу тариқа бир неча соат сезилмасдан ўтиб кетди Тўсатдан Ҳайдиннинг эсига гуллар гуж-гуж ўсиб ётадиган жой тушиб қолди. Бориб кўриб келса қандай бўларкин? У ерда гуллар ҳозир ҳам худди ўтган йилдагидек барқ уриб очилиб ётганмикан? Бироқ ҳозир улар қандай боришади? Клара ким кўтариб боради? Босонининг келишини кутишса — кечикишадн, чунки кечга яқин келамади, деб кетган. Кечқурун эса кўпгина гуллар косаларини ёпиб олишади. Бироқ у ерда бори келиш истаги Ҳайдига тинчлик бермади, шунинг учун у бир оз тортиниб бўлса-да, сўради:

— Клара, сени жиндек ёлғиз қолдириб, бир ерга бориб келсам майлими? Очигини айтганда, гуллар гуж-гуж бўлиб очилиб ётадиган жойни кўриб келмоқчимас. Гуллар очилиб ётган бўлса, сени ҳам бир амаллаб олиб борамиз. Тўхта, миямга бир фикр келиб қолди...

У ўрнидан сакраб туриб, афрофдан бир қучоқ урилиб келтирди, сўнгра қизларнинг олдидан кетолмади.

шу орада айланиб юрган Шиехёплини бўйнидан қучиб, Клараининг ёнига келтирди.

— Мана энди ўзинг ёлғиз қолмайсан, — деди у эчкичани Кларага яқинроқ сураб экан. Эчки ҳам Ҳайдининг доҳишини дарҳол тушуниб, шартта Клараининг ёнига ётиб олди. Қиз териб келган ўтларини Клараининг этагига қўйди, у эса: «Майли, бориб бемалол гулларингни кўриб келавер, мен Шиехёпли билан гаплашиб, унга ўт бериб ўтираман», — деди. Бу — Клара учун гулларни кўриб келишдан кўра қизиқроқ, чунки умрида бирон марта эчкичани эркалаб, ўт бериб, бошларидан силаб ўтирмаган эди. Ҳайди гуллар томон югуриб кетди. Клара эса ўтларини юлиб-юлиб Шиехёплига бера бошлади. Эчкича энди Кларадан сираям кўрқмас, ўзининг янги дўстига тикилиб олганча, қизининг қўлидан ўтларининг барглариини лаблари билан оҳиста олиб ерди. Қизининг олдига ётиб, унинг қўлларидан ўт олиб ейиш, унинг ҳимоясида бўлиш эчкичага жуда хуш келаётгани шундоққина кўриниб турар, чунки пода ичида катта ва бақувват эчкилар уни турли томондан туртиб, шохлаб баҳузур ўтлагани қўйишмасди. Тоғ яйловига ёлғиз ўзи ўтириб ёрдамга муҳтож бўлган эчкичани ҳимоя қилиш, унинг қорниини тўйдириш Кларага ҳам жуда ёқди.

Унинг қалбида ўзига ўзи хўжайин бўлиш, фақат ўзгаларининг ёрдамига таяниб яшаш эмас, балки ўзи ҳам кимларгардир кўмаклашиш истаги туғилди. Миясида турли, илгарини ҳеч қачон бўлмаган хаёллар чарх урар, шу илиқ қуёш нурларини симириб яшаш ва ҳозир Шиехёплини қувонтираётгани каби бошқаларининг ҳам кўнглини чоғ этадиган қандайдир яхши ишлар қилиш истагида ёна бошлади. Шу пайтгача кўрган-билганлари яхши иш қилгандан кейин янада гўзалроқ ва мазмунлироқ бўлишини ҳис этгач, қалбини бутунлай янги бир қувонч қамраб олди. Қиз ўзини шунчалар бахтиёр ҳис эта бошладики, беҳосдан эчкичаниннг бўйнидан қучиб, хитоб қилди:

Шиехёпли, азизим, бу ерлар қандай гўзал экан-а! Қошқини бир умр сизларининг олдингизда қололсам эди!

Ҳайди бу орада яйловнинг гуллар ўсиб этадиган қиялигига ётиб келди ва шодликдан қийқариб юборди. Цеккадан қараган кишига бу ерда чиндан ярқироқ олтинлар сочилиб ётагандек туюлар, лекин улар олтин эмас; хушбўй сариқ гуллар эди. Қўнғироқ гулларининг тилини, тиниқ, зангори тусдаги шоҳлари уларининг устига

эгилиб турар, қуёш нурларига кўмилган бу нишаблик дан димоқларни қитиқловчи, қаламширмунчоқ ҳидига ўхшаш кучли анвойи ҳидлар анқир, бамисоли кимди бу ерга қимматбаҳо фаранг атирларини тўкиб юборган га ўхшарди. Бироқ бу хушбўй хидларнинг барчаси ер-бу ерда олтин дудоқлар орасидан кичик, думало бошчалари кўриниб турган қўнғир кадигуллардан тараларди. Ҳайди бир оз тўхтаб, уларга разм солди, хушбўй хидлар анқиб турган ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди.

Сўнгра ҳаяжондан нафаси тикилиб, югурганча дугонасининг ёнига қайтиб келди.

— Клара, сен ҳам у ерга боришинг керак! — кичқирди Ҳайди. — Биласанми, у ер шунчалар гўзал, шунчалар гўзалки! Кечқурун, бобо келганда эса эҳтимол унчалар гўзал бўлмас, балки мен сени кўтара оларман-а, нима дейсан?

Клара ҳаяжонланиб гапираётган Ҳайдига ажабланиб қаради, сўнгра бош чайқаб деди:

— Йўғ-е, нималар деяпсан, Ҳайди? Кўтара олмайсан, ахир, мендан анча кичкинасан-ку. Эҳ, қанийди ўзим юролсам!

Ҳайди бирор чора ахтгаргандек атрофга аламлигина чунки у энди бошқача қарорга келганди. Петер тепада майсалар устида ўтирганча қизларга бақрайиб қарарди. У бир печа соатдан бери шу тахлитда ўтирар, афтида кўраётган нарсаларини яхши англаб етолмаётганга ўхшарди. У ўзига ёқмаган барча ншларга бир йўла чек қўймоқчи бўлиб, аравагани жарликка итариб юборди. Чунки унинг ўйлашича, аравачасидан ажралганида кейин, бегона қиз ўрнидан жилолмай, оқибатда унинг қетишга мажбур бўларди. Аммо не кўз билан кўрсинки бегона қиз ўрнидан жилиш у ёқда турсин, ҳатто яйлогга келиб ўтирибди. Ҳайди эса унинг атрофида гиргитоп. Петер ўзининг режалари нега амалга ошмаганининг сабабини тушунолмай гаранг эди.

Ҳайди унга қараб, қатъий овозда деди:

— Петер, бу ёққа кел!

— Бормайман, — жавоб берди Петер.

— Йўқ, сен келишинг керак, мен бир ўзим энгламайман, ёрдам беришинг лозим, қани, тезроқ бўл! — қистади Ҳайди.

— Бари бир бормайман, — жавоб қилди Петер.

Шунда Ҳайди унга бир оз яқин бориб, кўзларини қажнатиб қичқирди:

— Петер, ҳозироқ ёнимга келмасанг, унда ўзингдан кўр, ҳафа бўлиб юрма. Мен ҳам сенга ёмонлик қиламан, бобомга айтиб бераман, ишонавер! Шундай ёмонлик қиламанки, бир умр эсингда қоладиган бўлади.

Бу гаплар Петерга қаттиқ таъсир қилди. Бутун вужуди ваҳимадан титрай бошлади. У ўзининг қилган ёмон ишини, яъни аравачани жарга қулатиб юборганини ҳеч ким кўргани йўқ, деб ўйлаган, шунинг учун бамайилхотир юрган эди. Энди эса Ҳайдининг гапларига қараганда, у ҳаммасини кўриб қолганга, барча ншдан хабардорга ўхшайди. Бобосига айтиб берса-чи? Унда ҳаммаси тамом, бобо Петернинг роса таъзирини беради. Бола Али тогадан ўлгудай кўрқар, шу сабабдан унинг олдида донмо ипакдек эшилиб турарди. Аравачани Петер жарга қулатиб юборганини билган бобонинг авзойини кўз олдига келтиргач, боланинг томоғига нимадир тикилгандай бўлиб, нафас олиши қийинашди, юзига қон урди. У ўрнидан сакраб туриб, Ҳайди томон юрди:

— Бораянман, бораянман, фақат бобонингга айтиб бермасанг, бўлгани, — деди Петер кўрқувдан қалтираб. Унинг аҳволини кўрган Ҳайдининг болага раҳми келиб кетди.

— Майли, майли, айтмайман, — тасалли берди қиз, бобосига нимани айтмоқчи бўлганини ҳам эслаёлмай. У Петернинг нега бунчалар кўрқиб кетганини тушунолмай ҳайрон эди. — Тезроқ кел, нега қалтирайсан, кўрқадиган ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку.

Улар Кларининг ёнига келгач, Петер қизининг бир қўлигидан, Ҳайди иккинчи қўлигидан кўтариб турганини кўрди. Бу анча снгил кечди, аммо энг қийини ҳали олдинда эди. Клара оёқда туrolмас, болалар эса уни кўтариб кетишолмасди. Ҳайдининг бўйи паст бўлгани учун Клара ни Петерга ўхшаб қўлтиқлаб ололмасди.

— Қўлингни елкамга ташлаб маҳкам ушлаб ол, — деди Ҳайди Клараининг ланижига кираркан. — Петернинг эси билагидан тут, фақат шу тарзда сени тенага чиқара оламиз.

Петер ҳалигача ҳеч кимга билагини тутқазмаган, ҳеч кимни қўлтиқлаб юрмаган эди. Клара унинг қўлигидан қўлини ўтказиб, маҳкам ушлаб олгач, уялиб кетган Петер қўлини эркин тутолмай, муштинини кўксига

босганча, бўйинини ичига тортиб, гужапак бўлиб қолди. Қўллари таёқдек тош қотди.

— Петер, нима қилаяпсан, бунақада юролмайми-ку, ахир. Қўлингни сал эркинроқ тут, — танбех бери унга Ҳайди. — Муштингни кўкрингга эмас, биқинингга тираб ол. Клара биқининг билан қўлинг орасидан қўлни ўтказиб ушлаб олсин, сен эса гавданг билан уни шу шундагина биз олдинга юра оламиз.

Петер ноилож Ҳайдининг буйругига бўйсунди, аммо улар бари бир яхши юра олишмади. Клара апчагини оғир эди, бунинг устига мувозанат ҳам бузилди. Ҳайдининг бўйи Петердан хийла паст бўлгани учун қиз гарбелкаси билан Кларанинг қўлтиғидан тутиб турса-да, дугонаси у томонга анча оғиб турар, Ҳайдининг эса у тутиб туришга кучи етмасди. Клара бир неча бор бу кул оғирлигини ўзининг оёқларига ташлашига ҳаракат қилиб кўрди, аммо оёқлари қаттиқ оғригани учун яна болаларга осилиб олишга мажбур бўлди.

— Оёгингни ерга қаттиқроқ бос, — маслаҳат бери Ҳайди, — оғриси ҳам чида, бир оздан кейин оғриқ ўз ўзидан сезилмай қолади.

— Шунақа деб ўйлайсанми? — деб сўради Клара: бир оз кўрқиб, аммо бари бир Ҳайдининг гапига кириб ўнг оёгини ерга қаттиқ босиб, чап оёгини олдинга ташлади, сўнгра чап оёгида туриб, ўнг оёгини олдинга ташлади. Петер билан Ҳайди ёрдам бераётганига қарамасдан, Клара ҳар қадам босганда инқиллар, аммо чидарди. Бир оз юришгандан кейин унинг чехраси ёришди.

— Қизиқ, сен айтгандай бўлди, энди оғриқни сезмаяпман.

— Демак, юришда давом этамиз, — деди хурсан бўлиб Ҳайди. — Мана кўрасан, шундай машқ қилаверсак, тез орада ўзинг юриб кетасан.

Клара болаларга суяниб анча қадам ташлагач, қовончдан қичқириб юборди:

— Кўраяпсанми, Ҳайди, юраяпман, ўзим юраяпман! Эҳ, қандай яхши-я! Энди ўзим юра оламан, ҳа, ҳеч ким мени аравачада олиб юрмайди.

Ҳайди елкаси билан Кларани суяб турган бўлса-да, ундан ҳам қаттиқроқ қийқириб, деди:

— Қапчалар яхши иш бўлди, Клара! Мана энди ўзинг юра оласан, ҳа, ҳа, гапимга ишон, тез орада ё дамнинг ҳам ҳожати қолмайди, ўзинг чопқиллаб юр

верасан. Кошки бобо тезроқ келиб, сеннинг юраётганинг-ни кўрсалар эди!

Клара бир қўли билан Петернинг билагидан тутиб, иккинчи қўлини Ҳайдининг елкасига ташлаганча олға босар, ҳар қадам ташлаганда ўзига ишончи ошиб борарди. Буни уларнинг учови ҳам сезиб туришар, айниқса, Ҳайдининг қувончи ичига сиғмасди.

— Энди ҳар кунни бирга яйловга келамиз. Алп тоғларини кезиб чиқамиз. Хоҳлаган жойимизга бора оламиз, — деди у энтикинб. — Сен ҳам мендек чопқиллаб юрасан, аравачага михланиб ўтирмайсан, Клара! Бутунлай тузалиб кетасан, бунга ишончим комил. Бу бизга берилган энг катта бахтдир.

Клара бутун вужуди билан унинг гапларига қўшилди. Беморлар аравачасига михланиб ўтириб: «Ким мен бирови ёққа элтаркин», — деб сарғайишдан кўра соғсаломат бўлиб, хоҳлаган жойингга ўзинг бора олишингдан ҳам улканроқ бахт борми, бу дунёда. Гуллар қийос очилиб ётган жой унчалар олис эмасди. Болалар у ерга етиб боришганда, кун тикка келиб қолган, чор атрофда қизғалдоқлар олтиндек товланиб ётарди. Ҳил юриб мовий қўнғироқгуллар тўп-тўп ўсиб ётган жойга етишди. Гуллар орасида аҳён-аҳёнда ҳеч нарса ўсмаган сайхонликлар ҳам бор эди.

— Шу ерда бир оз ўтирмайми-а? — сўради Клара тортиниб, у сал чарчаганди.

Болалар мовий қўнғироқгуллар орасида ўтиришди. Бу Кларанинг илиқ, қуруқ бўз тупроқ устида биринчи бор ўтириши эди, бу ҳол беҳад қувонтирди. Енгил шамолда елпиниб турган қўнғироқгуллар, жимирлаётган қизғалдоқлар, қизғиш минголтингуллар, ширин бўйлар таратаётган қаролиқоқига ўхшаш қўнғир кадигуллар чор атрофини босиб кетганди. Буларнинг ҳаммаси шунчалар гўзал, шунчалар ҳузурбахш эдики, тасвирига сўз топилмасди.

Кларанинг ёнида турган Ҳайди ҳам илгарилари бу ерлар бунчалар гўзал туюлганини эслаёлмас, нега бунчалар энтиқаётгани, қалби шодликларга тўлиб бораётганининг сабабини ҳам билмасди. Ногаҳонда Кларанинг тузалиб қолгани эсига тушди, ҳа, мана гаи қаерда экан? Атрофдаги гўзалликлар бир тараф. Кларанинг тузалгани бир тараф бўлиб, Ҳайдининг кўнглини тошириб юборганди. Клара ҳам табиат манзараларидан ҳузур-ҳаловат олганча, ҳозиргина ўзи бошидан кечирган

воқеа таъсирда дол турар, бошига қўнган бахт қуши, чарақлаган қўёш нурлари ва гулларнинг муаттар ҳидлари мурғак қалбини бахтиёрлик ҳисларига тўлдиргани учун тили сўзга келмасди.

Петер ҳам гуллар орасига узала тушиб ётиб олганча қимир этмас, афтидан аллақачон тошдек қотиб қолганди. Улкан қоялар атрофини ўраб турган бу далада шаббодалар ҳам ўта майин ва ёқимли, фақат тепароқда улар буталарга урилиб шовулларди. Ҳайди аҳён-аҳёда ўрнидан сакраб туриб сал нарироққа, янада гўзалроқ кўринган, гуллар янада қалинроқ ўсган, анвойи ҳидлар янада кучлироқ анқиган жойга бориб ўтириб олар, шаббода эса гулларини майин тебратиб, ҳидларини ҳар томон сочарди. Шу тариқа бир неча соат ўтди. Қун асрга яқинлашиб қолганда, бир гуруҳ эчкилар қизлар ўтирган гулзорга чиқиб келишди. Аслида улар ҳеч қачон бу ерда ўтламас, ҳеч ким уларни бу ерга ҳайдаб келмасди, чунки гуллардан кўра яшил майсаларини ейишни хуш кўришарди. Бу ёққа келганлари сурувнинг Дистелфинк бошчилигидаги эчкиларига ўхшардилар. Эчкилар чиндан ҳам ўзларининг эгаларини, яъни Петер ва қизларни ахтариб йўлга чиқишган, чунки болалар уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, номаълум томонга гўйиб бўлишганди. Сурувнинг ўз қонун-қондалари бўлади, эчкилар буни яхши билишади. Чўпоннинг сурув яқинида бўлмаслиги бу қонун-қондаларга бутунлай зиддир. Дистелфинк бу учала бедаракни гуллар ўсиб ётган ишнабликда кўриб қолгач, қаттиқ маъраб юборди, қолган эчкилар ҳам унга қўшилиб маърай бошлашди.

Шу тарзда улар болалар ёнига чиқиб келдилар. Эчкилар овозидан чўчиб кетган Петер сакраб ўрнидан турди ва кўзларини ишқалай бошлади, чунки у ширин тушлар кўриб ухлаб ётган эди. Тушида қизил чарм қопланган аравача бус-бутун ҳолда бобонинг уйи олдида турганмиш. Чарм қонлама атрофига қоқилган михлар қўёш нурларида олтиндек ярақлармиш. Кўзи очилгандан кейин қараса, аравачадан дом-дарак йўқ, олтин михлар мих эмас, яшноқ сариқ гуллар экан. Петернинг вужудини қайтадан қўрқув қамраб олди, чунки тушида бус-бутун кўринган аравача ўнгиди бўлак-бўлак бўлиб жар тубида ётибди-да, бобо эса уни ахтариб кетган, албатта тонади, тонмасдан қўймайди. Ҳайди: «Ҳеч кимга айтмайман», — деб сўз берди, бироқ ҳозирги қизларга ишониб бўлармиди. Худо кўрсатмасин, бобо аравача-

ни жарга Петер қулатиб юборганидан хабар топса бор-
ми... Бола ўз-ўзидан мулойим тортиб, қайтадан эчкилар
«сардорни»га айланди ва Ҳайдининг буйруқларини бе-
кам-кўст бажара бошлади.

Улар ўтлоққа қайтиб тушгач, Ҳайди югуриб бориб
овиқ-овқат солинган тўрвани келтирди ҳамда наъдаси-
ни амалга оширишга киришди. Тонг пайти у бобо тўр-
вага қандай овқатлар солганини кўрган, уларнинг кўп-
роқ қисмини Петерга беришни мўлжаллаб қўйганди,
чулки чўнош кўпинча ярим оч юрарди-да. Бироқ Петер
Ҳайдининг гапларига терс жавоб бериб, айтганини қи-
лармагач, қиз уни овқатсиз қолдираман, деган маъ-
нода, мен ҳам сенга бир ёмонлик қиламан, деганди.
Петер эса бунини бутунлай бошқача тушунди. Ҳайди тўр-
вадан бирин-кетини егулик олиб, уч қисмга бўлди. «Биз-
дан ортгани ҳам сенга», — деди у Петерга, сўнгра Клар-
ра, рўнарасига ўтирди. Учовлон ўз овқатларини паққос
тушира бошлашди. Турли юмушлар билан банд бўлиб,
қорнинг очиб кетгандан кейин ейилган таом жуда маъ-
зали бўлади-да. Ҳаммаси Ҳайдининг хомчўт қилиб қўй-
ганидай кечди. Қизлар ўзларига тегишли овқатнинг
ярмини емасданоқ тўйиб қолишди. Ортиб қолгани Пе-
тернинг олдига суриб қўйилди. Энди унинг тегиши би-
ринчисида ҳам қаттароқ эди. Бола бутун вужуди билан
берилиб овқатланар, тўкилган ушоқларгача олиб ер,
лекин таомдан негадир аввалгидек лаззат ололмас, қо-
лқимасди. Унинг юрагини бир гашлик кемирар, бутун
фикри-зикри шу хаёллар билан банд бўлиб, баъзан
оғандаги луқмани ютиб юборишни ҳам унутиб, тўхтов-
сиз кавшар эди, баъзан эса томоғидан овқат ўтмай ти-
қилиб қоларди. Болалар тушликни жуда кеч бошлаш-
ганди. Улар тамадди қилиб улгурмаслариданоқ олисда
бобо кўринди. У болаларни олиб кетиш учун пастдан
юқорига ўрлаб келмоқда эди. Ҳайди унинг бағрига отил-
ди. Қандай воқеалар содир бўлганини у биринчи бўлиб
сўзлаб бериши керак эди-да!

Ҳаяжонланганидан қиз бу муждани бобосига қандай
эътиборини билмас, чулки тасвирлаш учун керакли сўз-
ларни тополмасди. Ҳайдининг шошилиб айтган гаплари
узук-юлук бўлса ҳам Алп тоға қандай воқеа содир бўл-
ганини дарҳол тушуниб олди. Шодликдан юзлари ёри-
шиб кетди. У қадамини тезлатиб, Кларанинг ёнига кел-
гач, шодон жилмайиб, деди:

— Наҳотки журъат қилган бўлсанг, қизим. Худога

шукур, ниҳоят орзуларимиз ушалибди.

У Кларани кўтариб олди-да, сўнгра чап қўли билан қучоқлаб, ўнг қўли билан қўлидан ушлаб, ерга оёқ бос-тирди. Клара ортида мустаҳкам таянч борлигини ҳис этиб, қўрқмасдан янада дадилроқ қадам ташлай бош-лади. Ҳайди қийқириб, уларнинг атрофида парвона бў-лар, Кларанинг юра бошлаганидан бобонинг ҳам жуда бахтиёр эканлиги кўриниб турарди. Ниҳоят у Кларани яна кўтариб олди-да, деди:

Ҳамма нарса меъёрида бўлгани яхши. Ҳаддан ошириб юбормайлик, кетадиган вақт бўлиб қолди.

У қизин кўтарганча ўзининг уйи томон йўналди. Кларанинг чарчаганлиги қилган ҳаракатлари буғунча етарли эканлиги, энди дам олиши зарурлиги билиниб турарди. Кечқурун Петер эчкиларини ҳайдаб қишлоққа келганда, бир қанча кишилар тўпланиб туришар, бир-бирини суриб, ўртада нима борлигини кўришга интили-шарди. Петер ҳам қизиқиб, орага тикилди. Бировни ўнг-га, бировни чапга суриб, бир амаллаб ўртага кириб ол-ди ва не кўз билан кўрсиники...

Майсалар устида араваچанинг ўрта қисми ётар, яна бир қанча бўлаклари ён атрофдаги буталарга илиниб қолганди. Қизил чарм қопламаси ва олтиндек ярқироқ сариқ мнхлари аравача бутунлигида қанчалар гўзал ва қимматбаҳо бўлганидан далолат берарди.

— Ҳаммоллар аравачани кўтариб, Алп тоғанинг кулбасига чиқишаётганини кўргандим, — деди Петер-нинг ёнида турган новвой. — Бундай аравачалар камиди беш юз франк туради, хоҳлаган киши билан баҳслаши-шим мумкин. Қандай қилиб у пастга қулаб кетди экан, мени шу ажаблантираяпти, холос.

— Тоғанинг ўзи айтди, уни шамол туширганмиш, — деди аравача бўлақларидан кўз узолмай турган Бэрбел хоним.

— Яхшиям уни биров қулатиб юбормабди, — деди новвой, — бўлмаса кўрадинганини кўрарди. Франкфурт-лик жаноб эшитиб қолса борми, дарҳол миршаб чақир-тириб, воқеа қандай содир бўлганини текшириб кўради. Мен қўрқмасам ҳам бўлади, чунки икки йилдан бери тснага, фермага чиқмаганман. Миршаб тепада бўлган-ларнинг барчасини албатта сўроқ қилади ва айбдорни излаб топади, бу турган гап.

Бошқалар ҳам ўзларининг фикрларини айта бош-лашди, лекин Петерга новвойнинг гаплари етарли эди.

У қўрқиб кетганидан секингина тўда орасидан чиқиб, худди биров орқасидан қувиб келаётгандек оёғини қўлга олиб, тоққа қараб урра қочди. Новвойнинг гаплари унинг юрагини ваҳимага тўлдирганди. У энди ҳар дақиқа Франкфуртдан миршаб келиб қолиши мумкинлигини ўйлаб даҳшатга тушар, ўзини қўярга жой тополмасди. Миршаб келгач, албатта воқеа қандай юз берганини текшириб кўради. Барчани сўроққа тутиб, бу ишни Петер қилганини албатта аниқлайди, кейин уни қўлларини боғлаб турмага олиб кетишади. У ўзини қўлларини боғлиқ ҳолда турмага олиб кетишаётганини тасаввур қилгач, қўрқувдан сочлари типратикан игналаридек тикқайиб кетди. Эзгин ҳолда уйига келиб, ўзини тўшакка урди. Кўрпани бошигача тортиб, бурканиб олди-да, инқиллай бошлади. Онасининг саволларига ҳам жавоб бермади. Шомлик учун қайнатиб қўйилган картошкани ҳам омади.

— Петергинам яна шовул еб, тўйиб олганга ўхшайди, қорни огриётган бўлса керак, бскорга инқилламасди, — деди онаси Бригитте.

— Сен унга кўпроқ нон беришинг керак, у энди катта йигит бўлиб қолди, қорни тўймагандан кейин нима қилсин, — деди буви раҳми келиб. — Эртага менинг ноҳимни ҳам унга бериб юбор.

Қизлар Кларанинг бувиси совға қилган юмшоқ тўшакларда ётганча, шифтдаги тўйнуқдан юлдузларини томоша қилишаркан, Ҳайди хаёл сурганча деди:

— Клара, биз бутун вужудимиз билан берилиб, тўхтонсиз ибодат қилганимизга қарамасдан, Худо ўзи белгилаб қўйган хайрли ишларини қилавериши қанчалар яхши эканлигини бугун бирор марта ўйлаб кўрмадингми?

— Йўқ, нега энди бу ҳозир эсингга тушиб қолди? — сўради Клара.

— Биласанми, Франкфуртда бўлганимда, мен тўхтонсиз ибодат қилиб: «Мени тезроқ бу ердан кеткизгин», — деб илтижо қилардим, аммо у ерда, яъни сизларникида анча вақт қолиб кетдим. Шунда ҳатто: «Худо менинг илтижоларимни ибодатга олмаяпти», — деган хаёлга ҳам борганман. Энди бундай ўйлаб қарасам, ҳаммаси тўғри қилинган ва сизларникида анча пайт қолиб кетганим яхши бўлган экан. Агар ўшаанда Худо илтижоларимни қабул этиб, дарҳол жўнаб кетишимга йўл очиб берганда, сен Али тоғларига келмасдинг, ту-

залиб ҳам кетмасдинг.

Клара анча вақт хаёлга чўмиб қолди.

— Ҳайди, — деди у сўнгра, — агар Худо биз илтижо қилиб сўрайдиган нарсалардан ҳам яхшироқ ишларни аввалдан бўлгнлаб қўйган бўлса, унда ибодат қилиб бирор нарсани сўрашнинг ҳожати қоладими? Мен бунга тушунолмаяман.

— Албатта илтижо қилиб сўраш керак, — деди Ҳайди қизишиб, — ёки сен ҳамма иш ўз-ўзидан бўлиб кетаверади, деб ўйлайсанми? Киши ҳар кун ибодат қилиб, барча ишларининг ўнгидан келишини Худодан сўраши лозим, чунки барча ишлар ёлғиз Худонинг ибодатила амалга ошади. Ибодат қилишимиз эса барча ишларнинг Худодан эканлигини билишимиздан далолатдир. Кишилар Худони унутиб, қўйсалар, Худо ҳам уларни унутади, бувим шундай деганлар. Аммо менимча, Худодан сўраган нарсаларимиз амалга ошмай турса, Худо ибодат ва илтижоларимизни ибодатга олмади, деган фикрга бориб, ибодатни тарк этмаслигимиз керак. Аксинча, янада берилиброқ ибодат қилиб, тахминан шундай дейишимиз керак:

— Эй, Худойим, илтимосларим амалга ошмаётган бўлса-да, мен учун бундан ҳам каттароқ саодатлар белгнлаб қўйганингга аминман. Марҳамат ва магфиратингдан умидворман ҳамда ёлғиз Ўзингга шукроналар айтаман.

— Буларнинг барчасини сен қасрдан биласан, Ҳайди? — деб сўради Клара.

— Аввалига бувим шундай деб ўргатгандилар, кейин эса ўзим ҳам бир неча бор бунинг гувоҳи бўлдим, — деди Ҳайди ётган жойидан туриб, ўтириб оларкан. — Энди эса менимча икковимизга ато этилган улкан бахт, яъни сенинг юра бошлаганинг учун Худога минг қатла шукрона айтишимиз керак.

— Ҳа, тўғри, сен ҳақсан, Ҳайди. Эслатиб қўйганинг учун раҳмат, шодликдан сал бўлмаса эсимдан чиқади, дебди.

Қизлар ҳар бири ўзича узоқ вақтлар давомида касал бўлиб ётган Кларага соғлиқ ато этгани учун Худога шукроналар айтишди. Эртаси кун тонгда бобо энди Кларанинг бувисига хат ёзиш мумкинлигини эслатди.

— Буви энди бу ерга, Алп тоғларига келсин. Унга айтиладиган, кўрсатадиган нарсалар бор, булар буви учун янгилик, қутилмаган ҳодиса бўлади.

Қизлар эса бошқачароқ режалар тузиб қўйишганди. Улар бувини ҳайратга солмоқчи бўлишганди, бунинг учун эса биринчи навбатда Клара юришни яхши ўрганиб олиши керак эди. У Ҳайди билан қўл ушлашиб, анча сайр эта оладиган пайтдагина қизлар бувини чақирини мўлжаллашганди.

— Клара яхши юриб кетини учун яна қанча вақт машқ қилиши керак? — деб сўрашди улар бободан.

— Тахминан етти-саккиз кун, — жавоб қилди у.

Қизлар дарҳол бувига хат ёзиб, саккиз кундан кейин албатта етиб келишини илтимос қилишди. Аммо сабабини кўрсатинмади. Янгилар тўғрисида ҳам хатда ҳеч нарса дейилмаганди. Кейинги кунлар Кларанинг Али тоғларида ўтказган энг саодатли дамлари бўлди. Ҳар кун тонг чоғи уйғониб кўзларини очаркан, шодлиқдан юраги гупуриб, ўзига ўзи шундай дерди:

— Мен соғман! Мен соппа-соғман! Энди ҳеч ким мени ҳеч қачон беморлар аравачасига ўтирғазиб олиб юрмайди! Мен ҳам бошқалар сингари хоҳлаган пайтимда хоҳлаган жойимга ўзим бора оламан!

У ҳар кун Ҳайди билан сайрга чиқар, кундан-кун қадам ташлашлари енгиллашиб, ўзини қушдек ҳис этиб борарди. Улар эрталабдан кечгача сайр этадиган бўлишди, бир неча марта ёлғиз ўзлари тепадаги яйловга чиқиб келишди. Али тоғларининг мусаффо ҳавоси қизларнинг интаҳасини ҳам очиб юборганди. Бобо ҳар кун понга кечагидан кўпроқ ёғ суртиб берар, қизлар егуликни апил-тапил тушириб қўйишларига маҳлиё бўлиб қараб ўтирарди. Янги соғилган, кўпикланиб турган эчки сутини ҳам у энди катта декчага солиб, қизларга коса-коса ичирадиган бўлди. Шу тариқа ҳафта охирлаб, буви келадиган кун ҳам яқинлашди.

Тўққизинчи фасл

ҚАЙТА ҚУРИШГУНЧА

Буви йўлга чиқишдан бир кун аввал фермага хат жўнатиб, қачон етиб боришини маълум қилганди. Хатин буви келадиган кун саҳар пайти Петер қишлоқдан тепадаги ўтлоққа эчкиларни ҳайдаб ўтаётганда келтириб берди. Бола подани ҳайдаб бобонинг қир тепасидаги уйи олдига етганда, у билан қизлар ташқарида туришар, Швэнли ва Берли ҳам шу ерда эди. Клара билан

Ҳайди эчкиларнинг сағринини силаб, «оқ йўл» тиламоқчи бўлиб туришар, улар эса эркаланиб, бошларини силкитишарди. Бобо ҳам майин жилмайиб, гоҳ қизларнинг шодон чеҳраларига, гоҳ ўзининг ювиб таралган ораста эчкиларига тикилар, улардан ҳам, булардан ҳам мамнуслиги кўриниб турарди.

Худди шу дақиқада Петер етиб келди. У уй олдида турган тўдани кўргач, қаламини секинлатди, боббога иқин бориб, хатни узатди. Алп тоға хатни олиши биланок бола бир нарсадан чўчиб кетгандек, ўзини чеккага тортиди. Бир зум тўхтаб: «Ҳеч ким қувиб келмаяптими-кан», — дегандек ўгирилиб қаради, сўнгра тепага, тоғ яйловни томон урра қочди. Эчкилари ҳам унинг ортидан шаталоқ отиб боришарди.

— Бобожон, нега Петер ўзини Улкаи Турк синигари тутади? — деб сўради Петернинг ҳаракатларини кузатиб турган Ҳайди. — Ортидан қамчи кўтарилганини сезганда, у ҳам худди шундай ўзини чеккага отади, гоҳ бошини чайқаб, гоҳ осмонга сакрай бошлайди.

— Эҳтимол, Петер ҳам қамчи зарбини сезган, шунга арзийдиган иш қилгандир-да.

Петер биринчи тепаликдан ўтгунча орқа-олдига қарамай чонди. Пастдагилар кўринмай кетгандан кейингина бир оз тўхтаб, атрофга аланглади. Кутилмаганда яна бир сакраб ўзини чеккага олди ва ён-верига қаради, хаёлида кимдир ортидан келиб, бўйнидан қайириб олмоқчи бўлгандек туюларди. Ҳар бир туп, ҳар бир бута орқасида Франкфуртдан Петерни ушлаб олиб кетиш мақсадида келган миршаб яшириниб ўтирганга ўхшар, одамни эзиб юборадиган бир оғир кутиш дамлари чўзилган сайин Петернинг ваҳимаси ҳам ошиб борар, бирор дақиқа тинч, осойишта ўтмасди.

Бир оздан сўнг Ҳайди югуриб уйга кирди. Буви етиб келгунча, у барча хоналарни тартибга солиб, ораста қилиб қўйиши лозим эди. Қизнинг югуриб-елиб ишлаши Кларага жуда қизиқ туюлди. У алоҳида бир муҳаббат билан дугонасининг ҳаракатларини кузатар, енгилроқ ишларда қўлидан келганча ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Қизлар шу тариқа супуриш-сидириш билан банд бўлиб, бир неча соат ўтиб кетганини ҳам сезмай қолишди. Ниҳоят, юмушларни тугатиб, ташқарига чиқишди ва уй олдидаги ўриндиқда ўтириб, бувини кута бошлашди. Алп тоға ҳам қизларнинг ёнига келиб ўтирди. У қирларни айланиб, бир даста гажакгул териб

келганди. Улар тоғ қуёшининг ёрқин нурларида шундай ярақлардики, қизлар уларни кўргач, нодликдан: «Оҳ!» деб юборишди. Бобо гулларни уйга киритиб қўйди. Ҳайди аҳён-аҳёнда сакраб туриб, буви кўриниб қолармикан, дея атрофга разм соларди.

Ниҳоят, пастдан ўрлаб келаётганларнинг қораси кўринди. Худди Ҳайди тасаввур қилгандек, олдинда йўлбошловчи оқ отнинг юганидан тутиб келар, буви эгарда бир оз олдинга элганганча, оёқларини узангига тираб ўтирарди. Орқада эса бир ҳаммол катта тугунни орқалаб келар, чунки буви барча зарур буюмларин олмасдан Али тоғларига сасҳат қилмасди. Келаётганлар ескин-аста бобонинг уйига яқинлашиб, ниҳоят юқори чиқиб келишди. Буви алланарсадан хавотирга тушгандек, от устида қизлардан кўз узмай келарди:

— Ёпирай, бу нима деган гап, Кларахон? Нега аравачи ўрига ўриндиқда ўтирибсан? Қийналмаяпсанми, қизгинам? — дея қичқирди у қўрқиб кетганидан ва шопилинч алопозда отдан туша бошлади. Қизларнинг олдинга етиб келмасдан тўхтаб, ҳайратдан чапак чалиб, деди:

— Кларахон, ўзингмисан, сени таний олмаяпман? Юзларинг кулчадек қизариб, анча тўланиб кетибсан, қизим, кўз тегмасин ишқилиб.

Буви улар томон юрмоқчи эди, аммо Ҳайди бир қалтис ҳаракат қилиб, ўриндиқдан ағдарилиб тушаёзди. Клара уни елкасидан тутиб қолди, сўнгра қизлар бувини ҳайратга солиш учун қўл ушлашиб, ён томонга чопиб кетишди. Буви турган жойида тошдек қотиб қолди. У, Ҳайди Кларани йиқитиб юбормасайди, деб қўрқиб кетганди. Кейин эса қизлар тўхтаб, бурилиб, буви томон кела бошлашди. Клара қаддини тик тутганча эркин ва шаҳдам қадамлар ташлаб, эркаланиб, бир-бир босиб келарди. Шодликдан юзларидан нур ёнлар, ёноқлари қирмизи атиргул рангида эди. Ҳайрат ва шодлик бувиға қанот бағишлади. У қизлар ёнига қушдек учиб бориб, гоҳ йиғлаб, гоҳ кулиб уларни бағрига босар, юз-кўзларидан ўпар, ёноқларида қувонч ёшлари ялтирар, ҳайратдан тили калимага келмасди. Ниҳоят ўриндиқ ёнида шодон жилмайиб, уларни кузатиб турган Али тоғага кўзи тушди. Буви қизларнинг қўлидан тутганча у томон юрди, аммо ҳали ҳам неварси билан қўл ушлашиб кетаётганига, бобонинг ёнига бораётганига ишонолмасди. Ўриндиққа яқин келгач, қизларнинг қўлини

қўйиб юборди-да, бобонинг қўлларидан тутиб, шодликдан тутила-тутила деди:

— Алп тоға, азизим! Шодлигимни сизга қандай изҳор этишимни билмайман. Буларнинг барчаси Сизнинг шарофатингиздан, Алп тоға, азизим. Сизнинг тарбия ва парваришларингиз шарофати бу...

— Ҳамда Худонинг марҳамати, қуёш нурлари ва Алп тоғларининг мусаффо ҳавоси шарофати, — қўшни қўйди бобо жилмайиб.

— Бундан ташқари Швэнлининг дармондориларга бой сутини таъкидлаб ўтишни ҳам унутмангизлар, — деди Клара гапга аралашиб, сўнгра бувисига юзланди.

— Бувижон, эчки сутини қандай яхши кўриб қолганимни билсангиз эди, у шунчалар мазалики, нчга сайин ичгиси келади кишининг.

— Ҳа, ҳа, ёноқларнинг рангидан кўриниб турибди, — деди буви кулимсираб. — Таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибсан. Уйга борганимизда ҳеч ким сени бирданига таний олмаса керак. Анча ўсиб, тўлишиб қолибсан, мен ҳеч қачон бундай бўлар, деб ўйламагандим. Наҳотки буларнинг ҳаммаси тушимда эмас, ўнгимда юз бераётми?! Кўзларимга ишонганим келмаяпти, сенга термулиб тўёлмаяпман, қизгинам. Ҳозироқ Парижга ўғлимга барқнома жўнатишим керак, тез етиб келсин. Аммо уни нега чақираётганимизни айтмаймиз, келган ўзи кўриб, шодликларимизга шерик бўлади. Алп тоғ азизим, барқномани қандай жўнатамиз, ҳаммолларга жавоб бериб юборганингиз йўқми ҳали?

— Улар кетиб қолишди, — жавоб қилди бобо, — лекин жуда зарур бўлса, бир йўлини қиламиз. Эчкибодар бола элтиб беради, унинг вақти кўп.

Буви ўғлига барқнома жўнатиш ва уни бу бахт воқеадан хабардор қилишни бир кун ҳам кечиктириб бўлмаслигини таъкидлади. Шунда бобо сал чеккароқки чиқиб, бармоқларини оғзига тикди-да, яйловга юз бури қаттиқ ҳуштак чалди, бу овоз баланд чўққиларда ҳа жаранглаб акс-садо берди. Бир қанча вақтдан кейин Петер ҳаллослаб етиб келди.

Бола бу ҳуштак овозини яхши билар, чунки бу ерларда фақат бобогина уни шу тарзда чақирарди. Бобонинг ранги бўрдай оқариб кетган, чунки у: «Бобо мен сўроқ қилиш учун чақираётган бўлса керак», — деб ўйлаганди. Аммо унинг қўлига бор-йўғи бир варақ қоғоз тутқазинди, холос.

Бу хатни зудлик билан қишлоқдаги ёмхонага эл-
тасан, дарҳол жўнатишсин, йўлим тушганда ҳаққини
ёним тўлаб қўяман, тушунтирди бобо, чунки Петер-
га бир йўла кўп тоншириқ бериб бўлмасди. Бола хатни
диб, қишлоқ томонга йўртиб кетди. У анча енгил торт-
ган, яхшиям, бу сафар бобо уни сўроқ қилиш учун ча-
қирмаган экан. Ҳали Франкфуртдан миршаб келмаган-
га ўхшайди. Тепада қолганлар эса, ниҳоят, уй олдидаги
йридиққа ўтиришиб, ўзларининг биринчи навбатда
қилган ишларини бунига сўзлаб бера бошлашди. Бобо
дар кунга Кларага тик туришни, сўнгра қадам ташлашни
йратгани, қизлар ййловга чиқишганида содир бўлган
юқса, аравагани шамол учириб, жарга қулатиб юбор-
гани, Клара гулларни кўриш иштиёқида оёқларининг
оғриганини ҳам писанд қилмай юра бошлаганини —
барча-барчасини оқизмай-томизмай сўзлаб беришди.
Қизларнинг ҳикояси анча чўзилиб кетди, чунки буви
ўларнинг гапларини тинглай туриб, ўзи ҳам қўшилиб
кетар, ҳайратини такрорлайверар эди:

— Наҳотки, буларнинг барчаси ҳақиқат бўлса?
Ҳаммамиз биргаликда бир хил туш кўрмаймизми?
Ростдан ҳам уйгоқмизми? Бобонинг уйи олдида суҳбат-
лашиб ўтирганимиз ҳам наҳотки рост бўлса? Наҳотки
манави кулчаюз, ёноқлари қирмиз қиз меннинг ўша
рангпар, касалмайд Клара бўлса?! Кўзларимга нишон-
гим келмаяпти!

Клара билан Ҳайди эса бувини ҳайратга солиш
учун ўйлаб қўйган режалари амалга ошганидан хурсанд
эдилар.

Жаноб Зеземан бу орада Париждаги ишларини ни-
ҳоясига етказган, энди қизи билан онасини ҳайратга
солиш учун ўларнинг олдида тўсатдан кириб бориш
иятида эди. Ёз кунларининг бирида у онасига бораёт-
гани тўғрисида хабар бермасдан, хат ҳам ёзмасдан по-
стга ўтириб, Базел шаҳрига жўнади. Бир кеча ўша
ерда тунаб, эртасига яна йўлга тушди, чунки у бутун
ёз бўйи кўрмагани учун қизини жуда соғиниб кетганди.
Онаси Алп тоғаникига жўнаб кетгандан сўнг бир неча
соат ўтгач, у Бад-Рагазга етиб келди. Меҳмонхонада
унга буви эрталаб Алп тоғаникига жўнаб кетганини
айтишди. Бу хабар жаноб Зеземанга жуда маъқул бўл-
ди. Шартта такси кира қилиб, йўлга тушди. Майен-
Фелдда у қир этагидаги қишлоқчага машинада бориш
мумкинлигини аниқлагач, ҳайдовчидан: «Қишлоққа

элтиб қўйинг», — дея илтимос қилди, чунки тоғ йўла-
рида наstdан юқорига кўтарилиш осон эмасди.

Ҳа, жавоб Зеземан адашмаган экан: қишлоқдан
боннинг қир тепасидаги уйигача кўтарилиш ҳам у-
жуда огирлик қилди. Қишлоқ билан бобонинг кулба-
оралигида эчкибоқар Петернинг уйи борлигини бил-
чунки Ҳайдннинг Кларага ёзган мактубларини ўқи-
ди. Тепага кўтариларкан, ёлғизоёқ сўқмоқ йўллар ту-
томонларга қараб кетгани учун қайси биридан юриш
билмас, адашиб кетмадиммикан, деб ўйларди. Эх,
мол, бобонинг уйи Алп тоғларининг нариги тарифа-
дир. Сўраб кўрай деса, атрофда биронта жонзот кўр-
майди. Ҳаммаёқ жим-жит, фақат тепаликлардан ш-
боданинг шовуллаши, қуёш нурларида рақс тушаётган
пайшаларининг зувиллаши қулоққа чалинади. Ал-
аҳёнда якканш тилогоч бутасига қўниб турган қув-
қушча ҳуштак чалиб, ўзича қандайдир куйларни иж-
этади. Жаноб Зеземан бир зум тўхтаб, тин олди.
Молчаси билан пешонасидаги терларни артиб, юзи
шаббода эсаётган томонга тутди. Ногоҳ тепадан ғал-
шовқин эшитилди, кимдир ҳаллослаб пастга тушиб
ларди. Қўлида барқномани ушлаб олган Петер жаноб
Зеземан чиқиб бораётган айланма йўллардан эмас, қи-
ни тик кесиб тушиб келар, баъзан оёғини тошларга
раб, ўзини тўхтатишга уринса-да, огирлигидан яна
қиллаб кетарди. Петер жаноб Зеземан турган жой-
яқинлашганда, у қўли билан имо қилганча болани
га чақирди. У бироз қўрқиб, иккиланиб жанобга
келди. Гўё фақат ўнг оёғини тўғри қўйиб, чан оёғи
судраб юрадиган кишилардек қадам босиб, Зеземанни
қаршисида эмас, бироз чеккароқда тўхтади. До-
қирма-қир ошадиган чўпонлар, саёҳатчилар, бир қў-
да огир халта кўтариб юрадиган кишилар ўзи шуна-
бир томонга сал қийшайиб юрадиган бўлиб қолиша-

Яқинроқ кел, йигитча, — далда берди унга жаноб
Зеземан, — айт-чи, Ҳайди деган невараси билан қир-
пасидаги уйда яшайдиган бобоникига тўғри кетаяп-
ми? Эшитгандирсан, уларникига Франкфуртдан меҳ-
лар ҳам келишган...

Зеземан жавоб ўрнига Петернинг қўрқув тўла бў-
бир нидосини эшитиб қолди, холос. Бола бир сак-
қочмоқчи эди, лекин қўрқиб кетганиданми қалтис ҳа-
кат қилиб ағдарилиб тушди ва қиялама қирдан ду-
лаб кета бошлади. Йўл-йўлакай у худди Клара

равачисидек қулаб кетаётганини, аммо бахтига ҳали равача сингари абжаги чиқиб кетмаганини ҳис этиб роса суюпди. Қўлидаги барқнома эзгилашиб, йириниб кетган, парчалари ҳавода учиб юрарди.

— Тоға яшайдиганлар ўтакетган кўрқоқ экан-да! — йлади жаноб Зеземан ўзича. Бегона кишининг найдо ўлиши шаҳарликларни умрида бирор марта кўрмаган оғлик болага шундай қаттиқ таъсир қилди, деб ўйларди. У Петернинг ўмбалоқ ошиб кетишига бир оз қараб тургач, ўз йўлида давом этди, чунки у болани тўхтатиб ололмас, ёрдам ҳам беролмасди. Бола анча пастлаб етганди. Қирдан думалаб тушаётганида, бола ҳар қанча ўринмасин, ўзини тўхтатолмади. Майдароқ тошлар ва буталарга урилиб аъзойи бадани қоқшар, аммо бундан ҳам ёмонроғи, унинг бутун вужудини ваҳима амраб олганди, чунки у Франкфуртдан келган «миршаб»ни ўз кўзи билан кўрган ва ҳатто овозини ҳам шитганди. Бу бегона киши Петернинг фикрича, албатта «миршаб» эди, аке ҳолда у бескордан-бескорга Алп тоғининг уйини сўраб-суриштирармиди? Бундан ташқари, бобоникига Франкфуртдан меҳмонлар келганини ҳам биларкан. Ҳа, миршаблардан ҳеч нарсани сир тутиб қолмайди, дарҳол ҳаммасини аниқлаб олишади. Петер думалаб бораркан, фақат шу тўғрида ўйлар, ўзининг илминини аниқлангандан кейин не ҳолга тушинишини таънавор қилиб, ваҳимадан юраги ёриларди. Ниҳоят, у ишлоқ чеккасидаги каттароқ бир бутага келиб урилди ва унга маҳкам ёнишиб олди. Бута тагида бир зум ётиб, анан нима қилишни лозимлигини фикрлаб кўрмоқчиди, ёнгинасидан бир овоз эшитилди:

— Мана, яна биттаси ағдарилиб тушди, жуда ихини. Ишлоқ, эртага ким кимни чала тўлатилган картошка риндек тепадан пастга думалатиб туширар экан?

Ҳазиллашаётган киши қишлоқ новвойи эди. У очик ҳавода бир оз дам олиш учун ҳаддан ташқари қизиб кетган новвойхонасидан чиққан ва Петернинг аравача сингари думалаб тушаётганини кўриб турган экан. Бола дик этиб ўридан турди, итариб юборганидан халардор, бўлмаса истеҳзо аралаш бундай демаган бўларди. У жон ҳолатда яна тоққа кўтарилиб кетди, ҳатто бирор марта орқасига ўгирилиб қарамади. Уйига бориб, ўзини тўшагига ташлаб, кўрпачасига ўралиб олса яхши бўларди, шунда уни ҳеч ким тополмасди, аммо нима билсин, эчкилари тепада қолган. Бундан ташқари бобо:

«Бу хатни ёмхонага элтиб бергин-у, тезда ортингга қай эчкиларни узоқ вақт ёлғиз қолдириб бўлмайди», — дедик таъкидлаган. Алл тогадан эса у жуда қўрқар, қаттиқ ҳурмат қилар, гапларига қулоқ солмасликка, бир сўз билан икки қилишга сираям ботинолмасди. Петер чўлоқларнинг инқиллаб тепага кўтарилар, анвалгидек қирларга чоғичиб кетолмас, чунки юрагини эзиб ётган ваҳималар думалаб тушаётган пайтдаги тошлар ва буталарга уригани бетаъсир қолмаганди. Бироқ у ҳар қандай ҳолат ҳам эчкилари ёнида бўлишни зарурлигини ҳис этган инқиллай-инқиллай тепага кўтарилди.

Жаноб Зеземан Петерни учратганидан кейин бир кун юргач, бир уйга дуч келди. Бу ўша бола яшайдиган эди. Шу ерда у ўзининг тўғри кетаётганига ишонч қўйиб қилди. Сўнгра янги куч ва қатъийлик билан тепага йўл олди. Ниҳоят, узоқ ва машаққатли йўл юриб, қўлаган мақсадига етди. Узоқдан бобонинг уйи кўринадиган Ундаш сал тенароқда қадимий арчаларнинг қорамол учлари шамолда тебраниб турарди.

Жаноб Зеземан хурсанд ҳолда тепага кўтарила бошлади: тез орада у тўсатдан пайдо бўлади-да, қизини ҳайратга солади. Аммо уй олдида ўтирганлар унинг алақачон кўришган, ҳатто кимлигини ҳам анқилаб олмаганди. Тогликлар ўзи шунақа, бир жойда ўтиришса-да ўч-тўрт қир нарида бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиб туришди ёки, ифодали қилиб айтдиган бўлсак, ер тагида илон қимирласа билинади.

Қизлар ҳам жаноб Зеземанга у ҳатто тасаввур қолмайдиган янгиллик тайёрлаб туришарди. У қир тешидаги сайхонликка қадам қўяркан, уй олдида ўтириш икки қиз ўрнидан туриб, соллана-соллана у томонга юришди. Қизлардан бири баланд бўйли, қад-қомати келишган, сочлари оч-сарик, юзлари нақш олмадек бўлиб қўлларини паст бўйли, лўппигина Ҳайдининг елкасига ташлаб келар, кўзларида севинч учқунлари порларди. Жаноб Зеземан турган жойида донг қотиб, қизларга тикилиб қолди, сўнгра кўзларидан тирқираб маржон маржон ёш қўйилди. Кўнглининг тубида кўмилиб ётган хотиралар қалқиб юзага чиқди, бу ҳолнинг тушириш кўнглигини англаёлмай ҳайрон бўлганча қиздан кўз узмади. Сарик сочли сарвақомат бу қиз вафот этган рафиқасига қўйиб қўйгандек ўхшарди.

— Дадажон, мени танимаяпсизми? — деб сўради. Қлара шодликдан юзлари яшнаб.

Жаноб Зеземан титраб кетди, югуриб бориб қизини багрига босди.

— Қизгинам, ўзингмисан? Наҳотки икки ой ичида одам шунчалар ўзгариб кетиши мумкин бўлса? Кўзларимга ишонгим келмаяпти.

Ҳаддан ташқари бахтиёр ота бир қадам орқага чеккиниб, яна қизига тикилди. Тушим эмасмикан, деб кўзларини ишқалаб кўрди.

— Кларахон, наҳотки ўзинг бўлсанг? — дерди у ҳаяжонланиб. У қизини багрига босар, бир зумдан кейин орқага чекиниб, бу чиндан ҳам Кларамикад, дегандек сеничклаб назар солар, кейин яна багрига босарди. Бу орада буви ҳам уларнинг қошига етиб келди, чунки у ўғлининг шодлик ва бахтдан яшнаб турган чеҳрасини кўргиси келар, анча пайтдан бери дийдорлашмагани учун соғиниб қолганди.

— Ҳа, ўғлим, энди бу ёғига нима дейсан? — деди буви сирли жилмайиб. — Кутилмаганда кириб келиб бизни ҳайратда қолдирмоқчи бўлганинг жуда яхши, аммо ўзинг биздан ҳам кўпроқ ҳайратга тушдинг, шундайми? Қизлар тайёрлаган янгиликлар бизникидан ўн чандон ортиқ экан.

Она-бола чин дилдан шодланиб кўришишди, ҳол-аҳвол сўрашишди, сўнгра буви ўғлини уй томон бошлади.

— Қани, мен билан юр, ўғлим, сени ўзимизнинг Алп тоға билан таништириб қўяй. У киши бизнинг энг яқин дўстимиз, бахт ва шодликларимиз сабабчисидир.

— Жуда яхши, ойижон, аммо мен биринчи навбатда уй бекаси, ўзимизнинг ёқимтой Ҳайди билан кўришишим керак, — деди жаноб Зеземан Ҳайдининг қўлларини силкитиб кўришар экан. — Хўш Алп тоғлари бекаси, соғ-саломатмисан? Сўраб ўтирмасам ҳам бўлади, шекилли, нақш олмадек ёноқларнинг саломатлигинг жойида эканлигини кўрсатиб турибди. Алп тоғларининг барқ уриб очилган атиргуллари ҳам ёногингдан ранг олса керак. Кўз тегмасин, қизим, сизларни соғ-саломат кўриш бизга қанчалар шодлик бахш этишини билсанглар эди.

Ҳайди жаноб Зеземаннинг сўзларини тингларкан, ўзининг Клараникида турган пайтларини эслаб кетди. Ҳа, Кларанинг дадаси чиндан ҳам жуда олижаноб киши, у ҳар донм Ҳайдига дўстона муносабатда бўлган. Уларнинг бахтиёрлиги Ҳайдини ҳам жуда тўлқинланти-

риб юборди, шодликдан унинг юраги гуп-гуп урарди. Ниҳоят, буви ўглини тепароққа, Алп тоганинг олдига бошлаб борди. Эркаклар дўстона бир меҳр билан қўл бериб саломлашишди. Жаноб Эсземаи бобога қилган яхшиликлари учун чин дилдан миннатдорчилик билдирди ва ундан бу мўъжизани — неча йиллардан бери касал бўлиб, тўшакка михлашиб ётган Кларани оёққа туртизиб юборганининг сирини суриштира бошлади. Буви эса сал ўгирилиб, ўзини четга олди. У тепароқдаги қадимий арчалар тагига бориб бир оз ҳордиқ чиқармоқчи эди, чулки ўгли сўраб-суриштираётган нарсани у аллақачон бобо билан гаплашиб, ойдинлаштириб олганди. Буви арчазорда яна бир кутилмаган ҳодисага дуч келди. Узун шоҳлари тарвақайлаб кетган қадимий арчалар орасидаги очиқ жойда гаройиб даражадаги гўзал, тўқзангор гажак гулларининг катта бир дастаси ётарди. Улар янги узилган бўлиб, яшнаб турар, гўё шу ердан ўсиб чиққандек туюларди. Буви завқланиб кетганидан чапак чалиб юборди.

— Қанчалар ажойиб ва гўзал гуллар экан! — дея хитоб қилди у. — Ҳайди, қизгинам, қани бу ёққа кел-чи! Мени хурсанд қилиш учун буни сен тайёрлаб қўйдинг-ми? Бу ахир тасвирлаб бўлмас даражадаги гўзал гулдаста-ку!

Қизлар югуриб унинг олдига келишди.

— Йўқ, йўқ, бувижон, буни мен қилганим йўқ, — деди Ҳайди. — Аммо ким қилганини биламан.

— Тепадаги яйловда ҳамма ер шунақа гўзал, бувижон, бундан ҳам гўзалроқ, — гапга аралашди Клара. — Қани, ўзингиз ўйлаб тошинг-чи, бу гулларни ким яйловдан сиз учун териб келди экан?

Клара ўзининг гапидан ҳузур қилиб кулди, буви эса: «Чўпон бола тонг пайти яйловга чиқиб, териб келган бўлса керак», — деган фикрга борди. Аммо бундай бўлиши умуман мумкин эмасди, бироқ буви бари бир баланд овоз билан деди:

— Демак, бу ишни чўпон бола қилган экан-да.

Шу пайт арчалар ортидан нимадир шитирлаб кетди. Утларни босиб-янчиб, арчаларининг шоҳларини қайириб келадиган Петернинг қораси кўринди. У бобонинг уйи олдида турган одамларни олисдан кўрган, шунинг учун айланма йўл билан арчалар ортидан ўтиб, яйловга чиқиб кетмоқчи бўлган, бироқ буви арчалар ёнига келгач, сездирамаслик учун арчаларни паналаб, яшириниб турган

жан. Бувининг: «Демак, бу ишни чўпон бола қилган жан-да», — деган сўзини эшитгач: «Ҳаммаси тамом, Худо урди, аравагани қулатиб юборганимми буви ҳам билиб қолибди», — деб урра қочмоқчи бўлганди, аммо буви уни кўргач, дарҳол таниб: «Демак, гулларин ростдан ҳам Петер териб келган, энди эса уялганидан жуфтакни ростламоқчи, йўқ, бунақаси кетмайди, гул териб келгани учун унга озгина бўлса-да, мукофот бериш керак», — деган ўйда дарахтлар орасига тикилиб, болани чақирди:

— Қани, Петер, бу ёққа кел-чи! Тезроқ бўл, ҳар ким қилмишига яраша мукофотини олиши керак. Қочиб кетишни каллангдан чиқариб ташла, бари бир тутиб кетишади, — деди у ҳазиллашиб.

Қўрқиб кетган Петер тошдек қотиб қолди. Содир бўлган воқеалардан кейин унинг қаршилиқ кўрсатишга ҳоли ҳам қолмаганди. Унинг миёсида фақат бир фикр гужгон урар: «Тутиб олиб, қўлларимни боғлаб, Франкфуртга, турмага олиб кетишади», — деб ўйларди. Бувининг ҳазилини тушунмагани учун сочлари тиккайиб, ранги бўздай оқариб, руҳи тушган ҳолда оёқларини сўдраб, арчалар орасидан чиқиб келди.

— Қўрқма, болам, чеккага эмас, менинг қаршимга кел, — далда берди буви, — қани, қалтирамасдан айтиб бер-чи, бу ишни чиндан ҳам сен қилдингми?

Петер кўзларини ерга тикиб турар, бувининг бармоғи билан гулларга ишора қилиб турганини ҳам кўрмас, қайси ишни деб сўрамас, сўрашга ҳоли ҳам йўқ эди, чунки у бобонинг уй бурчагида туриб, кулранг кўзлари билан унинг вужудини тешиб юборгудек тикилаётганини кўрган, бобонинг ёнидаги франкфуртлик «миршаб»га ҳам кўзи тушганди. «Миршаб» эса Петер учун даҳшатларнинг энг каттаси эди. У тишлари тақиллаб, бутун вужуди титраб зўрга «Ҳа!» деди.

— Сени қара-ю, — деди буви, — нега титрайсан, бувининг нимаси қўрқинчли?

— У... у... биласизми, бўлак-бўлак бўлиб кетган, энди ҳеч ким уни тузата олмайди, — деди Петер нафаси тикилиб. Унинг тиззалари шундай қалтирай бошладикки, кўрган киши ҳозир йиқилиб тушса керак, деб ўйларди. Буви секингина Али тоғанинг ёнига борди:

— Али тоға, азизим, бу чўпон бола сал эси пастроқми ёки қаттиқ шамоллаб қолганми? Менимча, иситмасин бўлса керак.

— Йўқ, йўқ, унисияммас, бунисияммас, — деди бобо хотиржамлик билан. — Чўнон бола оддек бақувват.. лекин... Очигини айтганда, Кларанинг аравачасини жарга учириб юборган «шамол» шу бола бўлади. Энди қилмишига яраша жазо кутаётгани учун шундай титраб-қақшаяпти.

Аммо буви бу гапларга ишонмади. Унинг назарида Петер ўтакетган баджаҳл на нобакор болага ўхшамасди. Бундан ташқари, аравачани нарчалаб ташлаши учун старлица сабаблар бўлиши керак-ку! Петернинг қилмишига иқдор бўлгани бобонинг кўнглида тугилган шубҳа-гумонлар ўрниги эканлигини тасдиқлади. Клара бу ерга келган кундан бошлаб Петер унга ўқрайиб қараганлари ҳамда фермадаги барча янгиликларга қарши чиқишлари бобонинг назаридан четда қолмаганди. У барча ҳолатларни таҳлил қилиб, бир воқеани иккинчисига боғлаб, Петернинг хатти-ҳаракатларини шунчалар изчил, аниқ ва равшан баён этиб бердики, у сўзини тугатар-тугатмас буви хохолаб кулиб юборди.

— Йўқ, йўқ, Алп тоға, азизим, келинг, бу бечора болани ортиқ жазоламайлик. Одам деган бир оз раҳмдил бўлиши керак. Франкфуртдан келган қандайдир бсгоналар бир неча ҳафталар давомида бечора боланинг Ҳайдисини, унинг яккаю ягона овунчоғини, ҳа, ҳа, энг катта бойлигини тортиб олишса, у эса бир чеккада қўлини бурнига тикиб қолаверса, айтинг-чи, бунга чидаб бўладими? Йўқ, йўқ, уни жазоламаймиз, келинг, бир оз багрикенглик қилайлик, чунки газаб уни йўлдан урган, ўч олишга чорлаган. Тўғри, у бир оз аҳмоқона йўсинда ўч олган, аммо жаҳл келса ақл кетади, дейдилар. Ҳазарби тошганда ким эсини йўқотмайди, дейсиз. Буви титраб турган Петернинг ёнига бориб, арчалар тагига ўрнатилган ўриндиққа ўтирди ва мулойимлик билан деди:

— Қани бу ёққа кел-чи, ўғлим, қўрқма, яқинроқ келавер, мен сенга бир нарсани сўзлаб бермоқчимап. Бўлди, титрамасдан гапларимга қулоқ сол, менга фақат шуниси керак. Демак, аравачадан қутулиш учун уни жарга қулатиб юборгансан, тўғрими? Бу албатта жуда ёмон ишлигини, жазо олишингни ҳам билгаисан. Хўш, кейин жазо олмаслик учун, қилган ишингни бировлар билиб қолмаслиги учун қанчалар қийналдинг, ўзингни ўтга, сувга урдинг, тўғрими? Бироқ кўриб турибсанки, биронта жиноят ёки ёмон иш қилган киши: «Ҳеч ким билмайди, ёпиглик қозон ёпиглигинча қола-

ди», — деб ўйласа қаттиқ адашаркан. Одамлар кўрмаган тақдирда ҳам тепада Худои таоло ҳаммасини кўриб, эшитиб туради. Бирор киши ўзининг ёвуз амалини яширишга ҳаракат қилса, дарҳол ўша одамнинг ичидаги кўринмас қоровулни уйғотади. Ҳар бир инсон боласи туғилганда Худо унинг ичига кўринмас бир қоровулни жойлаб қўйган. Киши биронта ёмон иш ёки жиноят қилди дегунча, бу қоровул унинг ичида бамайлихотир ухлаб ётаверади. Унинг қўлига кичик бир ништар тутқазилган. Киши биронта ёмон иш қилиб, одамлардан яширишга ҳаракат қилса, қоровул уйғониб, қўлидаги ништарни унинг юрагига санча бошлайди, натижада бояги киши орому қароридан айрилади, бирор дақиқа тинч нафас ололмайди. Бундан ташқари, қоровул тинимсиз равишда: «Ҳозир ҳаммаси тамом бўлади, сени ушлаб, жазолаш учун олиб кетадилар», — деб такрорлайверади. Жиноятчи эса қувонч-шодликларидан маҳрум бўлиб, умри ваҳимада, қўрқувда ўтади. Айт-чи, сенинг ҳам вужудингда шунақа ҳолат бўлдимми?

Петер руҳи тушган ҳолда «ҳа» деб жавоб қилди, чунки аравагани жарга қулатиб юборгандан бери у худди шундай ҳолатни бошдан кечирмоқда эди.

— Бу масаланинг бир томони эди, — сўзида давом этди буви. — Аммо унинг иккинчи томони ҳам бор. Сен ўша иккинчи томони бўйича ҳам қаттиқ янглишгансан, Петер. Қилган ёмон ишнинг сен ёмонлик қилмоқчи бўлган одамлар учун яхшиликка айланиб қолганидан хабаринг борми? Бунн тушуниб етдингми, Петер? Клара-нинг аравачасини йўқ қилсам, у уйига кетишга мажбур бўлади, Ҳайди ўзимга қолади, фақат мен билан ўйнайди, деб ўйлагансан. Аравача бўлак-бўлак бўлиб сениб кетди, лекин Клара гулларни кўришни жуда-жуда нстагани учун оёқлари оғриб, кўзларидан ёш оқса ҳам юришга ҳаракат қилди ва аста-секин юришни ўрганиб олди. Уйига қайтиб кетмади, шу ерда қолиб, машқ қилиб, кундан-кун яхшироқ юрадиган бўлди. Аравача бўлганда, уни кўпи билан икки-уч марта яйловга олиб чиқишарди, ҳозир эса у хоҳлаган жойига бориши мумкин. Қўрайсанми, Петер бирон киши бошқа бегуноҳ кишига ёмонлик қилмоқчи бўлса, дарҳол Худои таоло ўртага тушиб, ёвуз кишининг ёмонлигини бегуноҳ киши учун яхшиликка айлантириб қўяди. Ёмон киши эса қўлини бурнига тикқанча, ўзи турли балоларга гирифтор бўлиб қолаверади. Гапларимнинг маъносига тушундинг-

ми, Петер? Ҳеч қачон бировга ёмонлик қилмагин. Тўсатдан ёмонлик қилгинг келиб қолса, ичингда ништар ушлаб турган ва уйғониб айюҳаннос соладиган қоровул борлигини эсга ол, шунда дарҳол фикрингдан қайтасан. Хўш, бундан буён шундай қиласанми, ўғлим?

— Ҳа, худди айтганингиздек қиламан, — деди Петер эзилиб. У ҳали воқеанинг нима билан тугашини билмас, чунки Франкфуртдан келган «миршаб» ҳали ҳам бобонинг ёнида турарди-да.

— Ундай бўлса жуда яхши, масала ҳал, — сўзини яқулади буви. — Аммо энди франкфуртлик меҳмонлардан ўзингга ёқадиган эсдалик совға олишинг керак. Айт-чи, шу пайтгача орзу қилиб, лекин ололмай юрган нарсанг борми? Нима олишни орзу қилгандинг? Айт, сенга энг ёқадиган нарса нима?

Шу пайтгача ерга кўз тикиб турган Петер бошини кўтариб бувиға қаради, Ҳайронликдан кўзлари олайиб кетди. Шу пайтгача у огир жазога мустаҳиқ бўлсам керак, деб ўйлаб турганда, энди эса унга энг яхши кўрган нарсасини совға қилишмоқчи. Петернинг фикрлари бутунлай чалкашиб кетди.

— Ҳа, ҳа, ҳайрон бўлма, жуда жиддий айтаяпман, — деди буви, — сенга франкфуртлик меҳмонлардан эсдалик тариқасида энг яхши кўрган нарсангни совға қилмоқчимиз. Бу совға бир йўла сен қилган ёмонликни биз бутунлай унутганимизнинг далили ҳам бўлади. Гапларимга тушундингми, болатой?

Петер энди жазо берилмаслигини, қаршисидаги бу меҳрибон буви уни «миршаб» чангалидан халос этганини билиб, ўзини қушдек енгил ҳис этар, елкасидан босиб ётган тоғ агдарилгандек эди. У энди бехосдан бирорта ёмон иш қилиб қўйганда, дарҳол иқрор бўлишни яшириб юришинга қараганда минг чандон яхшироқ эканлигини фаҳмлаб олганди, шунинг учун шошилиб, деди:

— Сизлар берган қогоз ҳам йиртилиб, парчаланиб кетди, уни ёмхонага олиб боролмадим.

Буви бир лаҳза хаёлга чўмди, сўнгра эрталабки барқнома эсига тушиб, мийиғида жилмайди:

— Ҳа, ҳа, эсимга тушди. Майли, қўявер, болам, энди унинг ҳожати ҳам йўқ, аммо айтганинг яхши бўлди. Киши бирорта ножўя иш қилиб қўйганда, дарҳол бўйинига олса, қолган ишлари ўз-ўзидан юришиб кетади. Қани, энди энг яхши кўрган нарсангни айт!

Мана энди Петер кўнглига ёққан нарсасини айтишни

мумкин эди. Қутилмаган бахтдан унинг боши айлашиб кетди. Майенфелдаги ярмарканинг хилма-хил нарсаларга тўла расталари кўз олдидан лип-лип ўта бошлади. У расталарни соатлаб томоша қилган, аммо бирор нарсасотиб олишга қурби етмаганди... Петернинг чўнтагида кўпи билан 5 франк пули бўлар, расталардаги нарсаларнинг энг арзони эса камида 10 франк турарди. Бола у ердаги ўзига ёқиб қолган чиройли, қизил рангдаги найларни эслади, сотиб олганда эҳтимол эчкиларига чалиб берган бўлармиди. Нигоҳларини жалб этувчи, думалоқ дастали «бақапичоқ»лар-чи, агар шунақа пичоқчаси бўлганда борми, ёнгоқ ва арча повдаларидан кесиб, турли ўйинчоқлар, найлар ясамасмиди. Афсуски, ўшанда сотиб олишга пули етмаган. Петер хаёлга чўмиб қолди. У пай яхшими ёки «бақипичоқми» деб ўйлар, бир қарорга келолмасди. Ниҳоят мяясига ярқ этиб бир фикр келди, шодликдан юзлари ёришиб кетди.

— Ун франк, — деди у қатъий қилиб. Чунки ўн франк пули бўлса, келгуси ярмаркагача бемалол ўйлаб, бир қарорга келади-да.

Буви майин жилмайиб қўйди.

— Сени алдаётганим йўқ, Петер, қани яқинроқ кел! — деди у ва ҳамёнини чиқариб, ундан катта думалоқ бир талер олди ва унинг устига яна иккита ўн франклик қоғоз пул қўйди.

— Ҳозир ҳисоб-китоб қиламиз, — сўзида давом этди буви, — аввал сенга тушунтириб берай. Мана бу талер бир йилда неча ҳафта бўлса, шунча ўн франклик пул дегани, яъни ҳар ҳафтада унинг ўн франкини олиб ишлатаверасан.

— Бир умрми, ўлгушимчами? — сўради Петер соддалик билан.

Буви эшитган буви шунчалар хохолаб кулиб юбордики, нарироқда гаплашиб турган эркаклар суҳбатни тўхтатиб, ҳайрон бўлганча уларга қарашди. Буви эса ўзини кулгудан тўхтатолмасди.

— Майли, майли, сен айтганингдай бўла қолсин, демак, васиятномамда: «Мендан қоладиган меросдан эчкибоқар Петерга умрининг охиригача ҳар ҳафта ўн франкдан бериб турилсин», — деб ёзиб қўямиз, — деди буви, сўнгра жаноб Зеземанга юзланди: — Кейин бу гап сенинг ҳужжатларингга ҳам ўтади.

Жаноб Зеземан бош ирғаб розилик билдирди ва жилмайиб қўйди. Петер эса: «Бу чинакам пулмикан?» —

дегандек қўлидаги буви берган совгани у ёқ-бу ёққа айлантириб қаради, сўнгра деди:

— Раҳмат! Худога шукур!

У қандайдир нотабий тарзда сакраб-сакраб тенага, эчкилар ёнига йўл олди. Бу сафар у ағдарилиб тушмади, чунки энди уни қўрқув эмас, умри бино бўлиб ҳис этмаган қандайдир бошқача, алоҳида бир шодлик, улкан бахт етаклаб борарди. Барча ваҳималари изсиз йўқолган, уларнинг ўрнини аллақандай сокинлик, хотиржамлик эгаллаганди, чунки энди у шу дамдан бошлаб умрининг охиригача ҳар ҳафта ўн франкдан маош олиб турадиган хизматчига айланди. Бирмунча вақтдан кейин уй олдидаги жамоа тушликни тугатиб, ширин суҳбатга шўнгиб кетганда, Клара шодликдан юзлари яшнаб турган, ҳар сафар унга қараганда ўзини янада бахтиёрроқ ҳис этаётган дадасининг қўлларидан тутиб, деди:

— Дадажон, Алл тога менга қанчалар кўп яхшилик қилганини билсангиз эди. Ҳар кун и мен учун шунчалар жон куйдирадими, буларни тасвирлаш тугул ҳатто санаб чиқиш ҳам мушкул иш. У кишининг яхшиликларини бир умр унутолмайман. Баъзан мен ҳам бобога бирор яхшилик қилолсам ёки ҳеч бўлмаганда биронта совға берсайдим, деб ўйлаб қоламан. Унинг менга қилган эзгуликларини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди, аммо шуларнинг ярмини қайтаролсам ҳам ўзимни бахтиёр, деб билардим.

Клара бу гапларни шунчалар жўшқинлик ва ҳарорат билан айтдики, дадаси аввалги камган ва беҳол Кларадан энди асар ҳам қолмаганлигига амин бўлди.

— Қизгинам, мен ҳам шу тўғрида сен билан маслаҳатлашмоқчи бўлиб турувдим, — деди дадаси унга қараб. — Боядан бери унга қандай яхшилик қилишимиз ва раҳматимизни қандай изҳор этишимиз тўғрисида ўйлаб бошим қотаётганди.

Жаноб Зекеман ўридан туриб, буви билан чақчақлашиб ўтирган Алл тоганинг ёнига борди. Бобо ҳам ўридан қўзғолди. Жаноб Зекеман унинг қўлидан тутиб чеккароққа тортди ва дўстона тарзда деди:

— Азизим, сизга икки оғиз мишнатдорчилик билдиришга ижозат этинг. Узоқ йиллардан бери шодлик нималигини билмасдим, сабаби ўзингизга маълум. Бечора касалманд қизимга қараб туриб, уни ҳеч қанақа бойлик билан тузатиб, бахтиёр қилолмаслигимни билганимдан

кейин, мол-мулкнинг менга нима кераги бор, деб ўйлардим. Худон таолонинг ёрдами билан сиз қизимни парвариниш ва тарбия қилиб оёққа тургиздингиз, унга ҳам, менга ҳам янгидан ҳаёт бахш этилгандай бўлди. Энди айтинг, сизга раҳматимни қандай изҳор этай? Тўғри, қилган яхшиликларингизни тўлиқ қайтарниш қўлимдан келмайди, аммо биздан қайтмаса, Худодан қайтсин. Бироқ мен ҳам нимадир қилмоқчиман, хоҳласангиз бутун мол-мулкимни сизнинг ихтиёрингизга топширай, айтинг, азиз дўстим, нима қилсам бўлади?

Бобо бахтиёр отанинг гапларини бир оз жилмайиб, мамнулик билан эшитди.

— Жаноб Зеземан, ишонаверинг, тоғларимиз ҳавосидан бемор қизингиз соғайиб кетгани мени жуда қувонтирди, мен ҳам ўзимда йўқ шодман. Бемор соғайиб кетса, табиб чеккан заҳматларини унутади, яъни мен қилган меҳнатларнинг ҳам ҳаққи тўланиди, — деди у қатъий равишда. — Ҳозирги таклифларингиз учун катта раҳмат, ўзингизни қийнаманг, ҳамма нарсамиз етарли. Тирик эканман, ўзимни ҳам, неварамни ҳам таъминлашга қодирман, аммо тўғри, менинг ҳам битта илтимосим бор, агар ўша иш амалга ошса, бу дунёда ҳам-ташвишим қолмасди.

— Айта қолинг, азизим, ҳар қанча илтимос бўлса, қўлдан келганча бажаришга ҳаракат қиламан, — деди жаноб Зеземан.

— Мен ҳам энди кексайиб қолдим, — деди бобо, — тўримдан кўра гўрим яқинроққа ўхшайди. Бир кун ўтиб кетадиган бўлсам, мендан Ҳайдига арзигулик ҳеч вақо қолмайди, чунки ўша нарсаларнинг ўзи йўқ. Мендан бошқа бу қизчанинг биронта қариндош-уруғи йўқ. Тўсатдан кўз юмадиган бўлсам, Ҳайдигинам кўчада қолиб кетади, деб кўрқаман, фақат бир аёл қиздан фойдаланишга уриниб кўриши мумкин, холос. Агар жаноб Зеземан: «Ҳайдига ўзим бош-қош бўламан, сиз оламдан ўтгач, у менинг қарамоғимда бўлади, бир бурда нон ахтариб бегоналарникида сарсон-саргардон бўлмайди», — деб ваъда берсалар, у ҳолда мен жаноб Зеземан ва у зотининг сеvimли Клараси учун бир оз олиб-югурганларим ҳақи ошириб-тошириб тўлаб қўйилди, деб ҳисоблаган бўлардим.

— Нималар деяпсиз, азиз дўстим, бу тўғрида гапиришнинг ўзи уят, сиз ҳали минг йил яшайсиз, — деди жаноб Зеземан. — Аммо шунақа ҳолат юз берадиган

бўлса, Ҳайди ўзимизнинг қизимиз. Ана, ойим ва қизимиздан сўраб кўрипг, Ҳайди оиламиз аъзоси, уни ҳеч қачон бегоналарга топшириб қўймаймиз. Кўнглингиз буткул тинчиши учун, мана, қўлимни кўксимга қўйиб ваъда бераман. Ҳайди ҳеч қачон бир бурда нон ахтариб, бегоналарга муте бўлиб қолмайди, то тирик эканман, бунга кафолат бераман. Ҳайдининг ўзи ҳам бировларга муте бўлиб қоладиган қиз эмас, бунини биз тажрибада кўрганмиз, бундан ташқари унинг биздан бўлак гам-хўр дўстлари ҳам бор. Улардан бирини жуда яхши танийман, у ҳозир Франкфуртда, охириги майда-чуйда ишларини ноёнига етказмоқда, сўнгра бу ерга келади. Унинг айтишича, бу ер унга жуда ёқиб қолган эмиш. Уни сиз ҳам жуда яхши танийсиз, жаноб ҳақимни танимайдиган кишилар жуда кам. Куз пайти у кўчиб келади, сиз билан маслаҳатлашиб, бу ерда муқим яшаб қолмоқчи. Очигини айтганда, у Ҳайдини асраб олмоқчи, бунини ҳали маслаҳат қилиб кўрарсизлар, албатта. Кўриб турибсиз, Ҳайдининг сиздан бўлак яна иккита ҳимоячисин бор. Улар омон бўлса, кизча ҳеч вақт хор бўлмайди.

— Худо уларни ўз паноҳида асрасин, — гапга аравлашди буви ҳам ўғлининг истагини маъқуллаб, кейин анча вақт бобоининг қўлини силкитди, ёнида турган Ҳайдининг бўйнидан қучиб, бағрига босди.

— Энди навбат сенга, азизим Ҳайди, қани яқинроқ келиб айт-чи, кўпглингга туғиб юрган биронта орзу-истагининг борми?

— Ҳа, албатта, битта орзум бор, — деди Ҳайди жилмайиб бувига тикиларкан.

— Айтақол, қизим, айтақол, — қистади буви уни, — кўрайлик-чи, қанақа орзунинг бор экан.

— Иложини бўлса, Франкфуртдан тўшагим, катта-катта ёстигим ва қалнин кўрпамини бу ерга келтириб беришса, мен уларни бувимга совға қилган бўлардим. Шунда бувим оёғи баландда, боши пастда бўлиб қийналиб ётмасдилар. Биласизми, уйқуга ётганда одамнинг боши пастда бўлса, нафас олишни қийинлашаркан, бувим бечора қини бўйи роса қийналдилар. Бундан ташқари, кексайиб қолганликлари учун жуда совқотадилар, ёнмишган кўрпалари эса иёзининг пўстидек юпқагина, шу сабабдан кўпинча рўмолга ўраниб ётадилар. Агар меннинг кўрпамини совға қилсак мазза қилардилар-да.

Ҳайди мақсадини тезроқ баён қилиш учун шошилиб, куйиб-пишиб гапирарди.

— Ҳайди, қизгинам, буларни эслатганинг жуда яхши бўлди, — деди буви тўлқинлашиб. — Киши ўта қувонганда кўпгина ишларини унутиб қўяркан. Худо бизларга шодлик-қувончларини раво кўрганда, булардан мосуво кишиларини унутиб қўймаслигимиз лозим. Ҳозироқ Франкфуртга барқнома жўнатамиз. Роттенмайер хоним тушагинини тахтлаб, бу ёққа жўнатиб юборади. Икки кунда етиб келади. Худо хоҳласа, буving ҳам энди маъза қилиб ухлайди.

Ҳайди шодликдан сакраб-сакраб, Кларанинг бувиси атрофида айлана бошлади, сўнгра бир зум тўхтаб, деди:

— Энди мен зудтар пастга, бувимнинг ёнига бориб келай, чунки анча вақтдан бери боролмаганим учун бувим бечора роса қўрқиб ўтирган бўлсалар керак.

Ҳайди бувисига хушхабарини тезроқ етказай дед, пайсалга солишга сабри чидамасди. Бундан ташқари, ўтган сафар борганида бувининг: «Ҳайдини Франкфуртлик меҳмонлар олиб кетишса керак», — деб қўрқиб ўтиргани ҳам ёнига тушганди.

— Йўқ, Ҳайди, бунақа қилиб бўлмайди! — танбеҳ берди унга бобо. — Уйда меҳмонлар бўлганида, уй бекасининг кетиб қолиши одобдан эмас.

Кларанинг бувиси эса Ҳайдининг тарафини олди.

— Алп тога, азизим, Ҳайдининг безовта бўлаётгани ўринли, унга бекорга танбеҳ бераяпсиз, — деди у. — Бизнинг келиб қолганимиздан беҳабар буви анча хавотир-олиб ўтиргандир. Менимча, ҳозироқ ҳаммамиз бориб, бувини кўриб келсак яхши бўларди. Улов келгунча мен ўша ерда кутиб тураман, сўнгра қишлоқчага тушиб, Франкфуртга барқнома жўнатаман. Хўш, ўғлим, сен бунга нима дейсан?

Жаноб Зеземан режаларини айтишга ҳал қулай вақт топмаганди, шунинг учун онасидан бироз сабр қилишни сўради. У онаси билан Швейтсария бўйлаб саёҳатга чиқишни, агар Кларанинг соғлиғи жойида бўлса, уни ҳам бирга олиб кетишни мўлжаллаб қўйганди. Бу ерга келиб, қизининг бутунлай соғайиб кетганини кўргач, уни бутун саёҳат давомида бирга олиб юришга қарор қилди. Ёзининг сўнгги илиқ кунларини у сайру саёҳат билан ўтказмоқчи, чунки Париждаги барча ишларини ниҳонсига етказиб келганди. У бугун кечқурун қишлоқда тунаб, эртага тоғ пайти бобонинг кулбасига келишини, у ердан Кларани олиб Бад-Рагазга, онаси яшаб турган меҳмонхонага боришини ҳамда ўша ердан саёҳатини

давом эттиришини айтди. Тўсатдан фермадан кетишини эшитган Клара бир оз хафа бўлди, аммо кўнглини тўлдириб турган шодликлар ҳамда келажакдаги қувончли воқеалар шунчалар мўл эдики, хафа бўлиб ўтиришга фурсати ҳам етмади. Буви ўрнидан туриб, Ҳайдининг қўлидан ушлаганча йўл бошлади, бироқ бирдан тўхтаб, орқасига ўгирилди:

— Тўхтанглар, Кларами у ерга қандай олиб тушамиз? — деди у савол оҳангида. Чунки у: «Узоқ йўл, буидан ташқари тспадан эниш эидигина оёққа турган қйзми ҳолдан тойдириб қўймасмикан», деган хаёлга келганди. Аммо Али тоға ўзи даволаган қйзми чарчатиб қўярмиди. У Клараини ёнига келиб, одати бўйича шартта кўтариб олди-да, бувининг ортидан йўлга тушди. Жаноб Зезсман уларга эргашди. Ҳайди йўл-йўлакай шодликдан бувининг атрофида иргишлар, буви эса Ҳайдининг бувиси қандай яшашини, аҳволи қандайлигини, қйш қйличини ялонгочлаб келганда, буви нималар билан шуғулланишларигача қолдирмай сўраб-суриштириб борарди. Ҳайди барча саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб берди. Қйш қаҳратонида бувисининг уй бурчагида совуқдан қалтириб, муикайиб ўтиришларини, озиқ-овқатлар нималардан иборатлигини, нималари бору, нималари йўқлигини шунчалар жонли тасвирлаб бердики, раҳми келганидан Клараини бувиси баъзан юзини четга ўгириб, сездирмасдан кўзларини артиб олди, кўзланган манзилга етгунларича, у Ҳайдининг ҳикояларини тинглаб борди.

Меҳмонлар тспадан тушиб келаётган маҳали Пстериини ойиси Бригитта хоним кир ювиб, ташқарига илаётган эди. У бир гуруҳ кишилар қаторлашиб тушиб келаётганларини кўриб, югуриб уйга кирди.

— Ойи, улар келишаяпти, — деди у, — эна, қатор бўлиб тушиб келишаяпти.

— Эҳ, бўладиган нарсa бари бир бўларкан-да. Кўрдингми, Ҳайди уларнинг орасидами? Демак, бари бир олиб кетишаркан. Кошки у яна бир бор қўлимдан тутсайди! Кошки яна бир марта унинг овозини эшитсайдим!

Шу дам эшик тарақлаб очилди ва Ҳайди иргишлаб, сакраб уйга кириб келди. Югурганча бурчакда ўтирган бувисини қучоқлаб олди.

— Бувижон, бувижон! Франкфуртдан менинг тўшақларим, учта катта ёстиқ ва битта қалии кўрпамини

бизга жұнатишмоқда. Икки күндан кейин ҳаммаси шу ерда бўлади, Кларанинг бувиси шундай деди.

Ҳайди бувисининг хурсанд бўлиб кетишини кутганди, аммо бундай бўлмади. Буви аввалига бир оз жилмайгандай бўлди, кейин эса гамгин овозда деди:

— Ҳа, ҳа, Кларанинг бувиси жуда яхши аёл экан. У сени ўзи билан олиб кетаётганидан жуда хурсандман, болам, аммо бунга кўп вақт бардош беролмасам керак, деб қўрқаман.

— Нималар деяпсиз? Қизиқ, шундай очиккўнгил, тўғрисўз бувига бу нотўғри хабарни ким айтди экан? — деди Кларанинг бувиси хонага кира туриб дўстона оҳангда, сўнгра бувининг қўлларини сиқиб кўришди. У останада туриб, бувининг барча гапларини эшитганди. — Хафа бўлманг, бувиси, Ҳайдини олиб кетиш тўғрисида ҳеч қанақа гап бўлгани йўқ. Ҳайди шу ерда қолиб, иссиқ-совуғингиздан хабар олиб туради. Тўғри, биз ҳам Ҳайдини соғинамиз, тез-тез кўргимиз келади, аммо уни олиб кетмаймиз, ўзимиз бу ерга келиб турамиз. Энди ҳар йили Алп тоғларига келиб, бемор қизимизни соғайтириб бергани учун Худога шукроналар айтамыз.

Бувининг чехрасига чинакам шодлик ифодалари жилваланди. У бирон сўз демасдан Зеземан хонимнинг қўлларини қайт-қайта сиқди. Қаттиқ қувончдан бир неча йиллардан бери кўрмай қолган кўзларига ёш тўлди, нижу томчилар ажин босган юзларига думалаб тушди. Ҳайди бувисининг чехрасида шодлик изларини кўриб, ўзини қўярга жой тополмасди.

— Сўнгги марта ўқиб берган қўшигимдаги ҳолат юз берди-а, бувижон? — деди у бувисининг пинжига тикилиб, — Франкфуртдан келаётган тўшакларим чиндан ҳам асқотади-а, шунақами?

— Ҳа, ҳа, асқотади, Худо менга раво кўраётган бошқа кўпгина нарсалар ҳам жуда асқотади, — деди буни ич-ичидан йиғиб. — Қара-я, қандайдир бири қари кампир тўғрисида қайғуриб, унга кўпдан-кўп яхшиликлар қиладиган саховатли кишилар ҳам бор экан. Ҳа, бу кишиларни бизга Худо йўллаган. Камбағал, қўлидан бирон нис келмай қолган бир кампирга, яъни миға меҳрибонлик билан ёрдам қўлини чўзаётган кишиларни бизга Худонинг ўзи йўлиқтирмоқда. Шундай ишларни кўргач, Худойи таолага эътиқодим бошқа амалларга қараганда минг бора кучайиб кетади. Ҳа, Худо ўзининг

диркор бандаларини ҳеч қачон аро йўлда қолдирмайди.
— Азизам, — деди Кларанинг бувиси, — Худон таоло қаршисида ҳаммамиз бир ҳилда почормиз, ҳаммамиз унинг ёрдамига муҳтожмиз. Энди бизга рухсат беринг, жўнаб кетишимиз керак. Сизга қайта кўришгунча, деймиз. Насиб бўлса, келгуси йилда Алп тоғларига келганимизда, сизни ҳам албатта келиб кўрамиз.

Зеземан хоним шундай деб, яна кампирнинг қўлларини сиқиб хайрлашди, лекин анча пайтгача хонадан чиқиб кетолмади, чунки буви раҳмат айтишдан тўхтамас, Зеземан хоним ва унинг оиласини Худо ўз марҳаматидан дариг тутмасин, деб қайта-қайта дуо қиларди.

Ниҳоят жаноб Зеземан наstdаги қишлоқгача, онаси эса отга миниб Бад-Рагазга жўнади. Али тоға Ҳайдани эргаштириб, Кларани кўтариб олганча тепага, ўзининг кўлбасига йўл олди. Бувисининг гапларидан тўлқинланиб кетган Ҳайди ҳар қадамда бир сакраб, иргишлаб борарди.

Эртасига эрталаб Клара бир оз йиғлаб олди, чунки бу гўзал Алп тоғларини жон-жонидан севиб қолган, бу ерда ўтказган дамларини умрининг энг бахтли дамлари деб билар, тўсатдан бу ердан кетиш унга жуда дўғир ботаётганди. Ҳайди унга тасалли бера бошлади:

— Хафа бўлма, Клара, кўз очиб юмгунча яна ёз келади. Тағни яна қайтиб келасан. Келаси йил бундан ҳам яхшироқ бўлади, чунки унгача бутунлай соғайиб кетасан. Ҳар кунн эчкилар билан яйловга чиқамиз, қияликдаги гулзорда маза қилиб ўйнаймиз. Бахтли дамларимиз қайтадан бошланади.

Жаноб Зеземан қизини олиб кетиш учун айтган вақтида етиб келди. Қизлар гаплашаётганда, у бобо билан нималарнидир маслаҳат қилиб турарди. Клара кўз ёшларини артиб ташлади. Ҳайдининг гаплари унга анча таскин берганди.

— Петерга ҳам мендан салом айт, — деди у, — бундан ташқари барча эчкиларни ва айниқса Швэнлини менинг номимдан силаб-сийпалаб, эркалатиб қўй. Кошки иложи бўлса-ю, Швэнлига бирор нарса совға қилсам, ахир, асосан унинг сутини ичиб куч-қувватга тўлдир, соғайиб кетдим-ку.

— Нега энди иложи йўқ экан, — деди Ҳайди ажабланиб, — бемалол совға қилишинг мумкин, масалан, унга бир оз туз совға қил. Кечқурун яйловдан қайтгач, у бобомнинг қўлидаги тузни қанчалар ютоқиб ялашини

Ўзинг кўргансан.

Бу маслаҳат Кларага жуда ёқди.

— Жуда яхши, уйга қайтгач, Франкфуртдан эллик кило туз жўнаттираман, — деди у қувониб, — эчкиларга мендан сийлов бўлсин.

Жаноб Зеземан қизларга имо қилди, чунки жўнаб кетадиган вақт бўлганди. Бувининг оқ оти бу сафар Клара учун келтирилди. Энди уни ҳаммоллар ўридиққа ўтиргизиб, кўтариб кетишмаса ҳам бўлар, отга миниб бемалол Бад-Рагазга бора оладиган даражада соғайиб кетганди. Ҳайди сайхонлигининг энг чеккасига келиб, оқ от ва унинг чавандози кўринмай кетгунча, орқаларидан қўл силкиб турди.

Бир неча кундан кейин ҳаммоллар Ҳайдининг Франкфуртдаги тўшагини келтириб беришди. Буйи энди кечалари тинч ухлаб ором оладиган ва шу йўл билан яна куч-қувватга тўладиган бўлди. Клараининг бувиси қиш фаслида Алп тоғларига жуда қаттиқ совуқ тушшини эпатиб кетганди. Унутиб юбормасдан ҳафсала билан эчкибоқар Петернинг уйига катта бир тугун жўнатибди. Унда турли иссиқ кийимлар, жун рўмоллар бўлиб, буви уларни кийиб, рўмолларга ўраниб олса, қиш чилласидаги қаҳратон аёзлар ҳам унга чикора. Совуқдан қалтираб, уй бурчагида мункайиб ўтиришга мажбур бўлмайди.

Қишлоқчада катта қурилиш бошланган. Жаноб ҳаким бу ерга кўчиб келиб, вақтинча ўтган йили яшаган уйида қўним топган бўлса-да, Алп тоғаниннг маслаҳати билан қиш кунлари Ҳайди ва бобоси истиқомат қиладиган уйни сотиб олди. Бу уйни бир вақтлар бойиб кетган бир аскар қурдирган, аммо ўзи бу ерда яшамаган экан. Баланд вассажуфт шифтлари, бўлмадаги ёнларига турли расмлар чизилган ўчоқ, хоналарнинг нақшли деворлари бу уй бир вақтлар ҳашаматли қаср бўлганлигидан далолат беради. Уй тўлиқ таъмирлангач, бир қисмида жаноб ҳақимнинг ўзи яшайди. Иккинчи қисмида эса қиш пайтлари Ҳайди билан бобоси туришади. Жаноб ҳаким Алп тоғаниннг ўта мустақил киши эканлигини, ўзининг алоҳида хонаси бўлиш лозимлигини жуда яхши билади. Уй ортида эчкилар учун деворлари мустаҳкам, иссиққина оғил қурилмоқда. Қишнинг лёлли кунларини Швэнли билан Бэрли мазза қилиб ўша ерда ўтказишади. Жаноб ҳақим билан Алп тоғи кундан-кун қалин дўстларга айланиб боришмоқда. Улар қурилиш

ишларининг қандай кетаётганини кузатиш учун бирга бўлишганда, гаплари асосан Ҳайдига бориб тақалади, чунки улар бу ерга кўчиб келиб, бир уйда яшашларининг ҳамда барча шодлик-қувончларининг асосий сабабчиси шу қизча-да.

— Азиз дўстим, — деди жаноб ҳаким бир кун Алп тоға билан қурилиш ишларини кузатаётганда, — сиз бу ердаги барча ишларга худди мендек муносабатда бўлинг. Ҳайди иккимизни яқин қилиб қўйди Мен ўзимни Ҳайдининг спздан кейинги энг яқин кишиси, деб ҳис қиламан, шу сабабдан худди сиз каби қизчанинг бахти ҳамда порлоқ келажаги учун қайгуришни ўзимнинг бурчим, деб биламан. Меннинг ҳам ҳеч кимим йўқ Кексайиб қолган чоғларимда шу қиз ёнимда бўлса, иссиқ-совуғимдан хабар олиб турса, деган умиддаман. Ҳайдини асраб олиб, унга барча фарзандлик ҳуқуқларини берсам, дедим. Шундай қилсак, бир кун нариги дунёга рихлат қилганимизда, кўнглимиз тўқ бўлади. Ҳайди ҳеч бир ташвишсиз мол-мулкни мерос қилиб олади.

Алп тоға жаноб ҳакимнинг қўлларидан тутиб узоқ силкитди. Бирон сўз демаган бўлса-да, ҳакимнинг сўзлари уни қаттиқ ҳаяжонга солгани, ич-ичдан ийиб, қувончдан миннатдорчилигини билдиришга аразгулик сўзлар тополмаётгани титраётган лабларидан, киприкларидан, қалқиб чиққан кўз ёшларидан яққол кўриниб турарди.

Айни чоғда Ҳайди билан Петер бувининг ёнида ўтириб, бири олиб, бири қўйиб, тинмай гапиришар, иккиси ҳам бувининг пинжига тикилишга ҳаракат қилишарди. Бувни эса бу бахтиёр дамлар нашидасидан маст бўлиб, эринмай уларнинг ҳикояларини тинглар, чунки бутун ёз бўйи меҳмонлар билан банд бўлиб, улар жуда кам учрашишганди. Айтилмай қолган гаплар жуда кўлайиб кетибди. Бўлиб ўтган гаройиб воқеалардан кейин улар яна бирга қолганликлари учун учови ҳам ўзини бошқаларга қараганда бахтиёрроқ санашарди. Петернинг ҳар ҳафта ўн франкдан маош олиб туриши сабаблари Ҳайдининг ҳикоясидан очиқ-равшан аён бўлгач, Петернинг ойнаси Бригитта хоним ҳам ўзида йўқ даражада шодланиб кетди. Ниҳоят буви уларни гапдан тўхтатиб, Ҳайдига мурожаат қилди:

— Ҳайди, қизгинам, олқиш ва миннатдорчилик туйғуларига йўғрилган қўшиқлардан ўқиб бергин. Қалбим, бутун вужудим бизга кўрсатган улкан марҳаматлари учун Худон таолога ҳамду санолар айтишимни талаб этмоқда.

МУНДАРИЖА

Сафар тадориги	5
Фермага меҳмон келди	12
Муқофот	22
Қишлоқда қиш	32
Қиш қўзилиб кетди	43
Бир-биридан олисдаги дўстлар	52
Фермадаги ҳаёт	69
Қутилмаган воқеаларнинг кечиши	79
Қайта кўришгунча	95